



# Тамойил ва мезонлар

3.0-тасхир | 2023 йил, март



## Номи

Better Cotton ташаббусининг тамойил ва мезонлари, 3.0-тахрир

## Стандарт кучга кириш санаси

Better Cotton кенгashi томонидан 2023 йил 7 февралда тасдиқланган  
2024 йил 1 марта кучга киради (Better Cotton ташаббусининг 2024-2025 йил мавсуми)

## Таржима аниқлиги

Мазкур ҳужжатнинг расмий тили - инглиз тили. Таржима қилинган матн билан асл нақл ўртасида номувофиқликлар аниқланган тақдирда, инглиз тилидаги матнга мурожаат қилинг. Бошқа тилларга қилинган таржималар тақдим этилса-да, Better Cotton ташаббуси таржима билан боғлиқ ҳолда юзага келган хато ёки тушунмовчиликлар учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

## Кейинги кўриб чиқиш

Better Cotton ташаббусининг тамойил ва мезонлари камида беш йилда бир марта қайта кўриб чиқиласи. Кейинги кўриб чиқиш 2028 йилда амалга оширилиши кутилмоқда.

## Савол ёки қўшимча маълумот борми?

Биз билан standards@bettercotton.org электрон почта манзили орқали боғланинг.

Better Cotton ташаббуси  
7-9 Chemin de Balexert  
1219 Châtelaine, Switzerland

Last modified : 26/05/2023

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг "[Ижтимоий инклузивликка содиклик](#)" деб номланган ҳужжатимиз ҳамда "фермерлар" ва "ишчилар" тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

# Мундарижа

## Кириш

6

Better Cotton ташаббуси ҳақида.....	6
Ҳаракатлантирувчи таъсир: ўзгаришлар назариямиз ҳақида .....	6
Тамойил ва мезонларни тушуниш.....	7
Кўлам ва қўлланиши .....	7
Мувофиқликка риоя қилиш ва кафолат .....	8
Лицензия эгалари: Тамойил ва мезонларга жавоб берадиган пахта етиштирувчиларни тушунчаси.....	8
Доимий такомиллаштириш.....	9
Ижтимоий инклюзивликни таъминлашга содиқлик.....	9
Инсон ҳуқуқларини таъминлашга ва салбий таъсирлар хатарларини юмшатиш.....	10
Принциплар ва кенг қамровли устувор йўналишлар.....	10
Ҳужжатнинг тузилиши.....	11
Тамойил, мезон ва кўрсаткичлар .....	11
Кўрсаткичлар бўйича раҳбарий ҳужжат .....	11
Фермер хўжаликлари тоифалари .....	11
Асосий атамалар .....	12
Ҳужжатни ишлаб чиқиш қоидалари.....	13
Тегишли ташқи ҳужжатлар .....	13
Қайта кўриб чиқиш ва таҳрирлар тарихи .....	14

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Кўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклюзивликка содиқлик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

**Қисқартмалар .....** ..... 15

<b>1-тамойил: Бошқарув</b>	<b>17</b>
1.1-МЕЗОН – Пахта етиширувчилар даражасидаги мукаммал маълумотга эгалик, самарали ва инклузив тарзда тадбирларни бошқарилиши	17
1.2-МЕЗОН – Маълумотлардан мувофиқ ва самарали бошқариш орқали қарор қабул қилиш жараёнини такомиллаштириши	22
1.3-МЕЗОН – Маҳаллий нуқтаи-назардан долзарб бўлган атроф-муҳит барқарорлигини таъминлаш соҳаларида доимий такомиллаштириш намойиш этилиши	24
1.4-МЕЗОН – Инклузив ва самарали ёндашув ҳисобига салоҳиятни мустаҳкамланиши	26
1.5-МЕЗОН – Аёлларнинг тенг иштироки ва аҳамияти эътироф этилиши	30
1.6-МЕЗОН – Маҳаллий аҳамиятга эга бўлган атроф-муҳит барқарорлигини таъминлаш масалаларининг ҳамкорлик асосида ҳал этилиши	33
1.7-МЕЗОН – Иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг оқибатларини юмшатишни такомиллаштиришга қаратилган чоралар кўрилиши	34
<b>2-тамойил: Табиий ресурслар</b>	<b>38</b>
2.1-МЕЗОН – Тупроқ саломатлигининг яхшиланиши	39
2.2-МЕЗОН – Сув сифати ва фойдаланиш имкониятларини оптималлашиши	44
2.3-МЕЗОН – Биологик хилма-хиллик ва табиий яшаш муҳитларининг сақлаш ва ҳолатини яхшиланиши	46
2.4-МЕЗОН – Табиий экотизимлар ва юқори муҳофаза қийматига эга бўлган ҳудудларнинг асралиши	50
<b>3-тамойил: Ҳосилларни ҳимоя қилиш</b>	<b>52</b>
3.2-МЕЗОН – Пестицидлар рўйхатдан ўтказилиш ва тегишлича ёрлиқни мавжудлиги	61
3.3-МЕЗОН – Ўта хавфли пестицидлардан фойдаланишдан фаол тарзда босқичма-босқич воз кечилиши	62
3.4-МЕЗОН – Ўта хавфли пестицидлар экологик хавф-хатарларининг юмшатилиши	65
3.5-МЕЗОН – Пестицидлар билан муюмала қилиш ва сақлашга масъулият билан ёндашиш	68
<b>4-тамойил: Тола сифати</b>	<b>77</b>
4.1-МЕЗОН – Тола сифатининг ҳимоя қилиниши ва яхшилаб борилиши	77
<b>5-тамойил: Муносиб меҳнат</b>	<b>79</b>
5.2-МЕЗОН – Фермер ва ишчилар ўз меҳнат ҳуқуқларини тушуниши	85
5.4-МЕЗОН – Мажбурий меҳнатга барҳам берилгани, ишчилар иختиёрий тарзда ишга ёлланиши	89
<b>6-тамойил: Барқарор даромад манбалари</b>	<b>106</b>

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Кўшимча маълумот учун бизнинг “Ижтимоий инклузивликка содиклик” деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.



1-илова: Кенг қамровли масала: Гендер тенглиги	109
2-илова: Кенг қамровли масала: Иқлим ўзгариши	115
3-илова: Атамалар луғати	121

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

## Кириш

### Better Cotton ташаббуси ҳақида

Better Cotton ташаббуси – пахтачилик соҳасида атроф-муҳит барқарорлигини таъминлаш бўйича дунёдаги етакчи ташабbus. Мақсадимиз - Пахта етиштирувчиларнинг даромад топиши ва фаровонликка эришишига кўмаклашиш баробарида, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва тиклаш. Манфаатдор томонларни бирлаштирувчи платформа сифатида биз пахта табиат учун безарар тарзда етиштириладиган тизимни яратиш мақсадида таъминот занжиридаги барча шерикларни бирлаштирамиз. Better Cotton ташаббусининг 2030 йилгача бўлган давр учун мўлжалланган Стратегиясида пахта етиштириш жараёнини атроф-муҳит, пахтакорлар ҳамжамиятлари ва мазкур тармоқ келажагидан манфаатдорликни такомиллаштиришга қаратилган 10 йиллик режанинг йўналиши белгилаб берилган. Бу мақсадга эришишда Better Cotton стандартнинг тузилмаси (BCST) яхлит ёндашув ва дастурий ҳужжат сифатида хизмат қилиб, пахта етиштиришда атроф-муҳит барқарорлигини таъминлашнинг барча - экологик, ижтимоий ва иқтисодий ўлчамларини қамраб олади.

Better Cotton ташаббусининг Тамойил ва мезонлари BCSTнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, уларда барча Пахта етиштирувчилар ўз пахтасини Better Cotton ёрлиғи остида сота олиши учун зарур бўлган лицензияни олишига қўйиладиган глобал талаблар белгиланган. Ушбу талаблар атроф-муҳит барқарорлигини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларни дала даражасида такомиллаштиришга кўмаклашиш мақсадида ишлаб чиқилган.


### Ҳаракатлантирувчи таъсир: ўзгаришлар назариямиз ҳақида

Better Cotton ташаббусининг Ўзгаришлар назариясида биз нималарни ва қайси мақсадда амалга ошираётганимиз тавсифланади. Ўзгаришлар назарияси фаолиятимиз натижалари ва биз белгилаган мақсадларга эришиш йўлидаги ютуқларимизни Пахта етиштирувчилар ҳамда бирмунча кенгроқ кўламда, яъни мода, кийим-кечак ва тўқимачилик секторларида баҳолаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бу орқали Better Cotton ташаббуси пахта етиштириш жараёнида атроф-муҳит барқарорлиги таъминланган дунё тўғрисидаги ўз тасаввурини илгари суриш учун фермер хўжаликлари ва бозор даражасида қандай фаолият юритиши очиб берилади. Тамойил ва мезонларда атроф-муҳит барқарорлигини таъминлаш борасидаги натижаларга эришишга ҳисса қўшадиган яхлит ва кенг қамровли стандартда белгиланиб, доимий такомиллаштириш йўллари фермер хўжаликлари даражасида белгиланади.

Тамойил ва мезонлар таъсири қўшимча тадбирлар, жумладан, салоҳиятни ошириш, шериклик, фермер хўжаликларини тенг ҳуқуқли фойдаланиш имкониятига урғу берган ҳолда тегишли восита ва хизматлар билан таъминлаш, фаолиятимизнинг самарадорлиги ва таъсири тўғрисидаги маълумот ва далилларни тўплаш ҳамда сиёsat тарғиботи орқали кучайтирилади. Тамойил ва мезонлар талабларига жавоб берадиган Пахта етиштирувчилар томонидан етиштирилган пахтани тармоқнинг атроф-муҳитга безарар тарзда фаолият юритишига кўмаклашаётган қиймат занжири субъектлари

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

билин боғлаш мақсадида Better Cotton ташаббуси, шунингдек, тегишли даражадаги ишончли кафолатлардан ҳам фойдаланади. Бу - Better Cotton ташаббусига бўлган талабни кучайтиради ва ўзгаришлар цикли доимий ҳаракатда бўлишини таъминлайди. Better Cotton ташаббусининг стратегияси ва ўзгаришлар назарияси тўғрисида қўшимча маълумот олиш учун Better Cotton ташаббусининг [www.bettercotton.org](http://www.bettercotton.org) веб-сайтига мурожаат қилишингиз мумкин.



## Тамойил ва мезонларни тушуниш

### Кўлам ва қўлланиши

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Тамойил ва мезонлар – фермер хўжалиги даражасида пахтачилик тармоғида барқарорлигин таъминлаш стандарти. Унда барча Пахта етиштирувчилар ўз пахтасини Better Cotton ёрлиғи остида сота олиши учун зарур бўлган лицензияни олишга қўйиладиган муайян экологик, иқтисодий ва ижтимоий талабларни аниқловчи тамойил ва мезонлар. Тамойил ва мезонлар глобал даражада қўлланиши мумкин бўлса-да, уларда дунёдаги Пахта етиштирувчилар ўртасидаги сезиларни фарқларни бартараф этишнинг бир қатор усуслари таклиф этилади. Биринчидан, тамойил ва мезонларда етиштириш усуслари ва ишлаб чиқариш масштабида фарқлар эътироф этилиб, талаблар [фермер хўжаликлари ўлчамининг учта тоифаси](#) бўйича фарқланади. Иккинчидан, Better Cotton ташаббусини [доимий такомиллаштириш ёндашуви](#) доирасида Пахта етиштирувчилари ўз фаолиятларини турли базавий даражага эга бўлиб бошлашади деб ҳисоблайди. Ниҳоят, маҳаллийлашган қўлланма ва амалга оширишда қўллаб-қувватлаш (масалан, маҳаллий даражада қўллаш мумкин бўлган илфор тажрибалар бўйича) дехқончиликнинг турли шароитларида долзарб бўлган жиҳатлар эътиборга олинишини таъминлайди.

Тамойил ва мезонларнинг қўлланиш кўлами фермер хўжалиги ёки Ишлаб чиқариш гуруҳи доирасидаги пахта етиштириш фаолиятига қаратилган. Бироқ кўпчилик талаб ва/ёки тегишли йўриқномалар кенгроқ кўламда қўлланиб, Пахта етиштирувчилар уларни, тегишлилигига қараб, бошқа экинларга нисбатан ва фермер хўжалиги худудидан ташқарида қўллаш масаласини кўриб чиқиш тавсия этилади.

### Мувофиқликка риоя қилиш ва кафолат

Тамойил ва мезонларнинг аввалги нақлларидан (весияларидан) фарқли ўлароқ ва [доимий такомиллаштириш ёндашувимизга](#) мувофиқ, тамойил ва мезонларнинг 3.0-тахриридаги барча Кўрсаткичлар лицензиялаш мақсадлари учун мажбурий ҳисобланади. Бу - Пахта етиштирувчилар ўз пахтасини Better Cotton ёрлиғи остида сотиш учун лицензия олишдан аввал ўз фермер хўжалиги тоифасига тааллуқли бўлган барча кўрсаткичларга жавоб бериши кераклигини англаради. Better Cotton сифатни кафолат дастури баҳолаш, лицензиялаш ва барча номувофиқликларни бартараф этиш ва ечиш тўғрисида қўшимча маълумотларни тақдим этади.

### Лицензия эгалари: Тамойил ва мезонларга жавоб берадиган пахта етиштирувчиларни тушунчаси

Better Cotton ташаббусининг тамойил ва мезонлари талабларига мувофиқликни таъминлаш борасидаги умумий масъулият «[Пахта етиштирувчилар](#)» деб аталадиган лицензия эгаси бўлган юридик шахс(лар) зиммасида бўлади. [Фермер хўжалиги тоифасидан келиб чиқиб, "Пахта етиштирувчилар"](#) атamasи қўйидагиларни англаради:

- Дехқон хўжалиги ёки ўрта ҳажмдаги фермер хўжалиги шароитида: кўп сонли дехқон ёки ўрта ҳажмдаги фермер хўжаликларини ягона лицензиялаш гуруҳига бирлаштирган Пахта етиштирувчилар бирлашмаси (ИЧБ);
- Йирик фермер хўжалиги шароитида: алоҳида фермер хўжалиги.

Ишлаб чиқариш гуруҳилари томонидан талабларни амалга ошириш борасидаги масъулияти тамойил ва мезонларга қараб фарқланади: Айрим ҳолатларда масъулият Ишлаб чиқариш гуруҳи раҳбарияти зиммасига тушса, бошқа ҳолатларда муайян Кўрсаткич талабларини бажариш учун

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг ["Ижтимоий инклузивликка содиклик"](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда "фермерлар" ва "ишчилар" тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.



фермерлар ва уларнинг уй хўжаликлари масъул бўлади. Тегишли ҳолатларда бу масалага Кўрсаткичлар бўйича раҳбарий ҳужжат аниқлик киритилади.

### Доимий такомиллаштириш

Доимий такомиллаштириш Better Cotton ўзгаришлар назариясининг асосий қисмидир. Ўз фаолиятини қайси даражадан бошлаганидан қатъи назар, Пахта етиштирувчиларга вақт ўтиши билан барқарорлигини сақлаш кўрсаткичларини яхшилаб бориши тавсия этилади. Доимий такомиллаштириш тамойил ва мезонларда икки асосий усуlda акс этади:

- Бошқарув тўғрисидаги принципнинг 1.3-мезонига мувофиқ, барча пахта етиштирувчилар доимий такомиллаштириш учун индивидуал тарзда белгиланган устувор йўналишлардаги ютуқларини намойиш этиши кутилади. Мазкур йўналишлар барқарорликни таъминлаш учун маҳаллий даражада долзарб аҳамият касб этган соҳаларни қамраб олиши ва фермер хўжаликлари даражасида пахта етиштиришда иштирок этувчилик билан маслаҳатларга асосланиши керак.
- Доимий такомиллаштириш, шунингдек, бир нечта кўрсаткичлар доирасидаги асосий элемент сифатида бирлаштирилган бўлиб, унда (фақатгина натижага эмас), муайян вақт оралиғида такомиллаштириш чораларини амалга ошириб келаётган пахта етиштирувчиларга урғу берилади. Турли пахта етиштирувчилар ўз фаолиятларини турли даражалардан бошлашида қатъий назар, кўрсаткич талабларига риоя этиш мажбурий бўлади.

### Ижтимоий инклузивликни таъминлашга содиклик

Better Cotton одамларнинг ҳаёти уларнинг ўзига хослиги, муносабатлари ва турфа хил ижтимоий омиллар асосида шаклланишини ва улар бирлашиб, шахснинг шароитига ва мавжуд ҳокимият тузилмаларидан келиб чиқсан ҳолда, турли хил имтиёз ва зулм шаклларини яратиши мумкинлигини эътироф этади (бу ҳолат кенг қамровлилик деб аталади).<sup>1</sup> Қачонки тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча гендер ўзига хослиги, жинси, жинсий ориентацияси, ёши, миллати, этник келиб чиқиши, тили, ирқи, синфи, табақаси, ижтимоий келиб чиқиши, дини, эътиқоди, қобилияtlари ва ногиронлик ҳолати, соғлиги, сиёсий мансублиги, сиёсий қарашлари, уюшмалар ёки ташкилотларга аъзолиги, оиласвий ёки бошқа ҳар қандай ҳолатидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Better Cotton Пахта етиштирувчиларидан ҳимояга муҳтоj вазиятга тушган ва/ёки жамиятдан четлаштирилган барча шахсларнинг иштироки ва қамраб олинишига алоҳида эътибор қаратиш ва фаол равища рағбатлантириш кутилади. Камситилишга тоқат қилинмайди.

---

<sup>1</sup> Hankivsky, Olena. 'Intersectionality 101.' Institute for Intersectionality Research & Policy, Simon Fraser University, (2014). Accessed February 7, 2023. [https://www.researchgate.net/publication/279293665\\_Intersectionality\\_101](https://www.researchgate.net/publication/279293665_Intersectionality_101).

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Кўшимча маълумот учун бизнинг ["Ижтимоий инклузивликка содиклик"](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда "фермерлар" ва "ишчилар" тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

## Инсон ҳуқуқларини таъминлашга ва салбий таъсиrlар хатарларини юмшатиш

Тамойил ва мезонлар негизида Better Cotton ёрлиғи остида етиштирилган пахта одамлар ёки атроф-муҳитга нисбатан салбий таъсиrlарни камайтиради деган ғоя ётади. Better Cotton ёрлиғи остида пахта етиштириш жараёнида инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши, тарғиб этилиши ва мустаҳкамланиши ҳамда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (БМТ) Бизнес ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги бошқарув тамойилларига мувофиқ, комплекс текширув ва мониторинг чоралари ҳамда ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан тегишли тарзда фойдаланиш орқали зарар камайтирилиши лозим.

### Принциплар ва кенг қамровли устувор йўналишлар

Better Cotton ташаббуси тамойил ва мезонларининг 3.0-таҳририда асосий эътибор қўйидаги олтита тамойилларга қаратилади: Бошқарув, Табиий ресурслар, Экинларни ҳимоя қилиш, Тола сифати, Муносиб меҳнат ва Барқарор даромад манбалари. Бундан ташқари, Better Cotton ташаббуси гендер тенглиги ва иқлим ўзгариши масалалари барча Тамойиллар кесимида долзарб эканини таъкидлайди ва уларни барча босқичларда риоя қилиниши керак бўлган кенг қамровли устувор йўналишлар сифатида киритади. Пахта етиштирувчилар гендер ва/ёки иқлим билан боғлиқ бўлган масалаларга алоҳида эътибор бериши керак бўлган Кўрсаткичлар аниқ белгиланган ва мазкур ҳужжат охиридаги жадвалларда умумлаштирилган кўринишда келтирилган (1- ва 2-иловаларга қаранг).

### Тамойил ва мезонларнинг 3.0-таҳририда Гендер тенглиги ва аёллар масалалари

Better Cotton ташаббуси пахтани етиштириш соҳасини барқарорлигига таъсиr этувчи аёллар ролини этироф этади. Better Cotton стандартлар тизими орқали гендер тенглизилкларга тизимига қарши курашиш ва аёллар ҳуқуқини илгари суриш, уларнинг инклюзив қатнашувларини қўллаб-қувватлаш имкониятларга эга. Тамойил ва мезонлар ушбу саъй-ҳаракатларни икки йўналишда қўллаб-қувватлайди. Биринчидан, Бошқарув тўғрисидаги тамойилда аёлларни қамраб олишдаги маҳаллий тўсиқларни аниқлаш ва уларни самарали бартараф этиш учун Гендер масалалари бўйича етакчи ёки Гендер қўмитасини ташкил этиш талаби киритилган. Иккинчидан, тамойил ва мезонлар кенг қамровли ёндашувни таъминлаб, бунда Пахта етиштируvчиларининг мувофиқлиги муайян Кўрсаткичлар воситасида аёлларнинг қамраб олинишини рағбатлантириш ва гендер тенглизилкларни бартараф этишга қаратилган саъй-ҳаракатлар асосида баҳоланади (шунигдек, [1-иловага](#) қаранг).

Ҳеч қандай шахс камситилмаслигини таъминлаш мақсадида, Тамойил ва мезонларда "фермер ва ишчилар" ни таърифлашда онгли равишда иккилик сўзлардан (яъни, "аёл ва эркак фермер ва ишчилар") фойдаланишдан тийинилган. Шу маънода, ижтимоий қамров борасида олган мажбуриятларимизга мувофиқ, "фермер ва ишчилар" деганда доим ҳар қандай гендер ўзига хослик ва жинс хусусиятларига эга бўлган одамлар назарда тутилиб, бу тушунча доимо аёлларни ҳам қамраб олиниши тушунилади.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Кўшимча маълумот учун бизнинг "[Ижтимоий инклюзивликка содиклик](#)" деб номланган ҳужжатимиз ҳамда "фермерлар" ва "ишчилар" тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

## Тамойил ва мезонларнинг 3.0-таҳририда иқлим ўзгариши масалалари

Better Cotton ташаббуси иқлим ўзгаришига қарши кураш заруратини эътироф этади. Иқлим ўзгариши бутун дунё фермерларига ўз таъсирини ўтказмоқда, негаки ҳаво ҳароратининг кўтарилиши натижасида юзага келаётган экстремал об-ҳаво ҳодисалари экин етиштириш ва даромад манбаларини хавф остига қўймоқда. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги тармоғи ис гази ташланмалари ортишига ва атроф-муҳитнинг углеродни сақлаш қобилияти пасайишига олиб келадиган табиат учун заарарли қишлоқ хўжалиги амалиётлари орқали иқлим ўзгаришига ҳисса қўшади. Пахта етиштирувчиларининг иқлим ўзгариши олдиғаги чидамлилигини ошириш ва улар томонидан жорий этилган амалиётлар иқлимга кўрсатаётган таъсир даражасини камайтиришга ёрдам бериш Better Cotton Пахта етиштирувчилари томонидан қарор қабул қилишда асос бўлиб хизмат қилиши лозим. Шу боис тамойил ва мезонларнинг 3.0-таҳрири бошқарув тўғрисидаги тамойилга иқлим ўзгаришига қарши курашиш бўйича ҳаракатлар мезони киритилган. Бундан ташқари, иқлим ўзгариши билан боғлиқ тегишли талаблар барча тамойилларга киритилган бўлиб, 2-иловада ажратиб кўрсатилган ва умумлаштирилган ҳолда келтирилган.

### Хўжжатнинг тузилиши

#### Тамойил, мезон ва кўрсаткичлар

Тамойил ва мезонлар тамойиллар, мезонлар ва кўрсаткичлар билан ишлайди. Тамойиллар – барқарор ривожланиш умумий доираси бўлса, Мезонлар - муайян тамойил доирасида эришилиши лозим бўлган натижалар, Кўрсаткичлар эса - ҳар бир мезон доирасида қўйиладиган аниқ талаблар бўлиб, Пахта етиштирувчилар томонидан ўз маҳсулотларини Better Cotton ёрлиғи остида сотиш учун лицензия олишидан аввал талаблар асосида мувофиқликка баҳоланади.

#### Кўрсаткичлар бўйича раҳбарий ҳужжат

Кўрсаткич ёнидаги устунда унинг мақсади ва долзарблиги тушунча беради, шунингдек талабни энг яхши усуlda бажаришни юқори даражада қўллаб-куватлайшни таъминлайди.

#### Фермер хўжаликлари тоифалари

- Деҳқон хўжаликлари:** Одатда, 20 гектардан ошмайдиган пахта майдонига эга бўлган фермер хўжаликлари бўлиб, тузилмавий жиҳатдан доимий ёлланма меҳнатга боғлиқ эмас. Лицензиялаш мақсадларида деҳқон хўжаликлари Пахта етиштирувчилар бирлашмаларига гурухланади.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклюзивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

- **Үрта ҳажмдаги фермер хўжаликлари:** Одатда, 20 дан 200 гектаргача бўлган пахта майдонига эга бўлган фермер хўжаликлари бўлиб, тузилмавий жиҳатдан доимий ёлланма ишчи кучига боғлиқ. Лицензиялаш мақсадларида ўрта фермер хўжаликлари Пахта етиширувчилар бирлашмаларига гурухланади.
- **Йирик фермер хўжаликлари:** Одатда, 200 гектардан ортиқ пахта майдонига эга бўлган фермер хўжаликлари бўлиб, уларда ишлаб чиқариш механизациялашган ёки тузилмавий жиҳатдан доимий ёлланма ишчи кучига боғлиқ бўлади. Йирик фермер хўжаликлари Better Cotton ташаббуси доирасида индивидуал асосда ёки (айрим шароитларда) Йирик фермер хўжаликлар гуруҳи кафолат модели орқали иштирок этади.

### Кенг қамровли устувор йўналишлар

Гендер тенглиги ва иқлим ўзгариши масалалари тамойил ва мезонларнинг кўп кўрсаткичлар учун долзарб ҳисобланади. Иқлим ўзгариши ёки гендер тенглиги масалалари алоҳида эътибор қаратилиши керак бўлган кўрсаткичлар юқорида тегишли кенг қамровли устувор йўналишлар билан белгиланади.

### Асосий атамалар

#### Фермер:

Better Cotton ташаббусининг тамойил ва мезонларида қўлланган «фермерлар» тушунчasi жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар барча шахсларни («Ижтимоий инклузивликни таъминлашга содиклик» бандига қаранг) ҳамда уларнинг фермерлик вазифаларини бажариш ва қарор қабул қилиш жараёнда иштирок этадиган оила аъзолари – турмуш ўртоқлари ва фарзандларини қамраб олади. Агар ишлаб чиқариш харажатларини қоплашда иштирок этса ва ишлаб чиқариш амалиёти учун бирламчи масъулиятга эга бўлса, ижарачи ва таъсисчилар ҳам фермерлар ҳисобланади.

#### Пахта етиширишда фермер хўжалиги даражасида шуғулланувчи шахслар қаторига:

Фермер хўжаликларининг барча аъзолари, ишчилар, ижарачилар, таъсисчи ва ишлаб чиқаришдаги роли, жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, Better Cotton пахтасини фермер хўжаликлари даражасида етишириш билан шуғулланадиган бошқа шахслар киради («Ижтимоий инклузивликни таъминлашга содиклик» бандига қаранг).

**Пахта етиширувчилар:** Better Cotton лицензияси эгалари. Қаранг: [Лицензия эгалари: Пахта етиширувчиларни Тамойил ва мезонлар талаблари асосида аниқлаш](#)

#### Пахта етиширувчилар раҳбарияти :

- Йирик фермер хўжалиги шароитида - фермер хўжалигининг раҳбарияти, одатда, фермерларнинг ўзи тушунилади.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг «Ижтимоий инклузивликка содиклик» деб номланган ҳужжатимиз ҳамда «фермерлар» ва «ишчилар» тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

- Пахта етиштирувчилар гурухи шароитида – ПЕГ даражасида стандартни жорий этишда иштирок этадиган ҳар қандай шахс, жумладан, ПЕГ раҳбари, жойлардаги мувофиқлаштирувчилар, Гендер масалалари бўйича етакчи ёки Гендер қўмитаси, етакчи фермерлар (айрим шароитларда) ва ПЕГнинг бошқа ходимлари тушунилади. У ПЕГ раҳбарияти атамаси билан тенг равища қўлланади.

#### Ишчилар:

Better Cotton ташаббуси ишчиларни жинси, келиб чиқиши ёки ўзига хослигидан қатъи назар, Пахта етиштирувчилар фермер хўжаликларида ишлайдиган барча шахслар сифатида таърифлайди («Ижтимоий инклюзивликни таъминлашга содиклик» бандига қаранг). Ишчилар вақтинчалик, мавсумий ёки доимий асосда бевосита фермерлар ёки субпурдатчилар, масалан, бандлик агенти орқали ёлланиши мумкин. Ишчиларга, одатда, меҳнати учун ҳақ тўланади, аммо ишчи - оила аъзоси ёки ҳамжамият доирасида алмашилган ишчи бўлса – унинг меҳнати учун ҳақ тўланмаслиги ҳам мумкин. Айрим ҳолатларда фермер хўжаликлари даражасидаги ишлаб чиқариш амалиётлари ва ишлаб чиқариш харажатлари юзасидан қарор қабул қилиш ваколатлари чекланган ёки умуман бўлмаган чоракорлар ҳам ишчилар сифатида таснифланиши мумкин. Чоракорнинг батафсил таърифи учун, илтимос, "Better Cotton ташаббусининг меҳнат профили" бўлимига мурожаат қилинг.

Атамаларнинг қўшимча таърифлари 3-иловадаги Луғатда келтирилган.

#### Хужжатни ишлаб чиқиш қоидалари

Тамойил ва мезонларнинг 3.0-таҳрири Жаҳон савдо ташкилотининг Савдодаги техник тўсиқлар тўғрисидаги битими 3-иловасида келтирилган "Стандартларни тайёрлаш, қабул қилиш ва қўллаш бўйича мақбул амалиёт кодекси" ҳамда Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ХСТ) ва Халқаро электротехника комиссиясининг (ХЭК) миллий органлар томонидан тавсия этилган стандартлаштириш амалиётлари бўйича кўрсатмаларига мувофиқ ишлаб чиқилган.<sup>2</sup>

#### Тегишли ташқи ҳужжатлар

- Глобал маълумот ҳужжати, имплементация ва/ёки жараёнлар масаласи бўйича глобал раҳбарий ҳужжатни қабраб олган Better Cotton ташаббусининг [www.bettercotton.org](http://www.bettercotton.org) веб-сайтидан топиш мумкин
- Better Cotton сифатини кафолат бўйича раҳбарий ҳужжат
- Better Cotton стандартини белгилаш ва қайта кўриб чиқиш жараёнлар тартиб-таомилларининг 2.0-таҳрири, 2021 йил, сентябрь

---

<sup>2</sup> ISO/IEC. 'ISO/IEC Guide 59, ISO and IEC Recommended Practices for Standardization by National Bodies.' (2019). 2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра. <https://www.iso.org/standard/71917.html>.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг "Ижтимоий инклюзивликка содиклик" деб номланган ҳужжатимиз ҳамда "фермерлар" ва "ишчилар" тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

- Ижтимоий-экологик аккредитация ва ёрлиқлаш (ISEAL) халқаро альянсининг Ижтимоий-экологик стандартларни белгилашнинг мақбул амалиёт кодекси, барча фойдаланиши учун очиқ бўлган 6.0-тахрири, 2014 йил, декабрь

### Қайта кўриб чиқиш ва таҳрирлар тарихи

Тамойил ва мезонларнинг 3.0-тахрири манфаатдор томонлар билан маслаҳатлашган ҳолда ISEALнинг Ижтимоий-экологик стандартларни<sup>3</sup> белгилаш бўйича мақбул амалиёт кодексига мувофиқ ҳамда ИСО ва МЭКнинг миллий органлар томонидан тавсия этилган стандартлаштириш амалиётлари кўрсатмалари асосида, аввалги стандартни чуқур қайта кўриб чиқишга асосланган.<sup>4</sup>

ТАМОЙИЛ ВА МЕЗОНЛАР ТАХРИРИ	САНАСИ	Изоҳ
<b>Better Cotton ташаббуси Тамойил ва мезонлари 1.0- тахрири</b>	2010	Better Cotton ташаббуси Тамойил ва мезонларининг биринчи таҳрири жорий этила бошланди.
<b>Better Cotton ташаббуси Тамойил ва мезонлари 2.0- тахрири</b>	2015 йил, сентябрь - 2017 йил, ноябрь	Қайта кўриб чиқиш жараёни, шу жумладан, манфаатдор томонлар билан маслаҳатлашувларнинг икки раунди
	2017 йил, ноябрь	Better Cotton ташаббуси кенгаси томонидан Тамойил ва мезонлар 2.0-тахрири тасдиқланиши
	2018 йил, март - 2019 йил, февраль	Тамойил ва мезонлар 2.0-тахрирининг расмий жорий этила бошланиши (2018 йил, март) ўтиш даври
	2019 йил 1 март	Better Cotton ташаббуси Тамойил ва мезонларининг 2.0-тахрири кучга кириши
<b>Better Cotton ташаббуси Тамойил ва мезонларининг 2.1-тахрири</b>	2019 йил, 17 апрель	Жиддий бўлмаган ўзгаришлар билан янгиланган; Тамойил ва мезонларнинг 2.1-тахрири кучга кириши
	2021 йил, октябрь	Қайта кўриб чиқиш жараёни бошланди

<sup>3</sup>ISEAL Alliance. 'ISEAL Standard-Setting Code of Good Practice Version 6.0.' (2014). 2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра. <https://www.isealalliance.org/get-involved/resources/iseal-standard-setting-code-good-practice-version-60>.

<sup>4</sup> ISO/IEC. 'ISO/IEC Guide 59, ISO and IEC Recommended Practices for Standardization by National Bodies.' (2019). 2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра. <https://www.iso.org/standard/71917.html>.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Кўшимча маълумот учун бизнинг "Ижтимоий инклузивликка содиклик" деб номланган ҳужжатимиз ҳамда "фермерлар" ва "ишчилар" тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

<b>Better Cotton ташаббуси Тамойил ва мезонларининг 3.0-таҳрири</b>	2021 йил, октябрь - 2023 йил февраль	Қайта кўриб чиқиш жараёни, шу жумладан, манфаатдор томонлар билан 60 кунлик маслаҳатлашувлар (2022 йил, август-сентябрь)
	2023 йил, февраль	Better Cotton ташаббуси Кенгashi томонидан тасдиқланиши
	2023 йил, июнь	Тамойил ва мезонлар 3.0-таҳрирининг расмий жорий этила бошланиши
	2023 йил, апрель - 2024 йил март	Ўтиш даври
	2024 йил март	Better Cotton ташаббуси Тамойил ва мезонларининг 3.0-таҳрири кучга кириши (2024-2025 йилги пахта мавсуми) <sup>5</sup>

## Қисқартмалар

BCCT: Better Cotton стандартлар тизими

KMP: канцероген, мутаген ёки репротоксик (моддалар)

ММ: Муносиб меҳнат

ФАО: Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти

ИГ: Иссиқхона газлари

КМТЁГУТ: Кимёвий моддаларни таснифлаш ва ёрлиқлашнинг глобал уйғунлаштирилган тизими

ТМЮҚ: Табиатни муҳофазасининг юқори қиймати

ЎХП: Ўта хавфли пестицидлар

ХМТ: Халқаро меҳнат ташкилоти

ЗҚҚҚ: Зааркунандаларга қарши комплекс курашиш

ЙФХ: Йирик фермер хўжаликлари

ЎФХ: Ўрта ҳажмдаги фермер хўжаликлари

<sup>5</sup> Better Cotton мавсумлари Пахта етиштириш масалалари бўйича Халқаро маслаҳат қўмитаси (ICAC) мавсусларига мос келади.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг ["Ижтимоий инклузивликка содиқлик"](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда "фермерлар" ва "ишчилар" тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.



МГДХ: Мөхнат гигиенаси ва техник хавфсизлик

ПҚКХТ: Пестицидларга қарши курашиш халқаро тармоғи

Т&М: Тамойил ва мезонлар

ШХВ: Шахсий ҳимоя воситалари

ПЕГ: Пахта етиштирувчилар гурӯҳи

ДХ: Дәхқон хўжаликлари

ЖССТ: Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг "[Ижтимоий инклузивликка содиклик](#)" деб номланган ҳужжатимиз ҳамда "фермерлар" ва "ишчилар" тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

# 1-тамойил: Бошқарув

Маълумотларга асосланган, самарали ва инклюзив бошқарув тизими нафақат T&M даги барча мезонларни муваффақиятли бажаришнинг асосий шарти, балки шаффоффлик ва маҳсулотнинг таъминот занжирини бўйлаб ҳаракатланишини кузатиш имкониятларини такомиллаштириш, истеъмолчилар ишончини мустаҳкамлаш ва барқарорликни таъминлаш соҳасидаги натижаларга эришиш мақсадида доимий такомиллаштиришга турткি берувчи асосий компонентдир. Бошқарув тамойилини режалаштириш ва мониторинг фаолияти ҳамда маълумотларни бошқариш ва шу мақсадда доимий такомиллаштириш борасидаги талабларни қамраб олади. Шунингдек, унда барқарорликни таъминлаш борасидаги узоқ муддатли мақсадларга эришиш учун фермерлар марказий ўринга олиб чиқилган ҳамкорлик ва инклюзив ёндашувни қўллаш мұхимлиги эътироф этилади. Шу маънода у қўшма ҳаракатлар, фермерлар билан инклюзив маслаҳатлашувлар ҳамда салоҳиятни мустаҳкамлашга қаратилган самарали ва инклюзив тадбирларни ўз ичига олади. Ушбу тамойилга, шунингдек, икки кенг қамровли устувор йўналиш – гендер ва иқлим ўзгариши масалалари ҳам киритилган. Бундан кўзланган мақсад – Better Cotton ёрлиғи остида пахта етиштириш бўйича амалга ошириладиган ҳар қандай фаолиятда ушбу икки йўналиш маҳаллий шароитдан келиб чиқсан ҳолда ҳисобга олиниши кераклигига ургу бериш.

## 1.1-МЕЗОН – Пахта етиштирувчилар даражасидаги мукаммал маълумотга эгалик, самарали ва инклюзив тарзда тадбирларни бошқарилиши

### 1.1.1

Гендер тенглиги. Иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг оқибатларини юмшатиш.

Пахта етиштирувчилар гуруҳи (ПЕГ) учун аниқ ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, амалга оширилади. Мазкур режа:

- (i) долзарб ҳолда ушлаб турилади ҳамда барча тадбирлар, муддатлар ва вазифаларни ўз ичига олади;
- (ii) мониторинг натижаларини ҳисобга олган ҳолда камида бир йилда бир марта қайта кўриб чиқилади.

ДХ  
ЎФХ

Мақсад - ПЕГ раҳбарияти ПЕГ доирасидаги барча тадбирларни аниқ ташкиллаштирилган тарзда режалаштириш ва амалга оширишини таъминлаш. Бу - ПЕГ раҳбари, жойлардаги мувофиқлаштирувчилар ҳамда ИЧБнинг бошқа ходимлари ўз вазифалари ва тадбирни амалга ошириш муддатларини яхши тушунишига ёрдам бериб, куч ва ресурсларни мувофиқлаштиришга кўмаклашади.

Комплекс ёндашувни таъминлаш мақсадида, тадбирлар режаси Better Cotton дастурини амалга ошириш билан боғлиқ барча тадбирларни, жумладан, ўқитиш, маслаҳатлашувлар, фермерлар уй хўжаликларини қўллаб-куватлаш ҳамда T&M нинг барча Тамойиллари ва кенг қамровли йўналишлар билан боғлиқ бўлган бошқа тегишли тадбирларни ўз ичига олиши керак. 1.3-мезонга мувофиқ, Доимий

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклюзивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

такомиллаштиришнинг мақсадли кўрсаткичлари ва улар билан боғлиқ тадбирлар ҳам киритилиши керак. ПЕГ раҳбарияти режани бир йилда камидан бир марта кўриб чиқиши ва мониторинг (1.1.2-кўрсаткич) натижасида олинган маълумотлар, дала даражасидаги маслаҳатлашувлар (1.1.3-кўрсаткич), иқлим ўзгариши билан боғлиқ устувор вазифалар (1.7-мезон) ҳамда Гендер масалалари бўйича етакчи ёки Гендер қўмитаси тавсияларига (1.5-мезон) асосланган ҳолда, режага зарур тузатишлар киритиши талаб этилади. Тадбирлар режаси фермер хўжалигининг кундалик фаолиятида қўлланма сифатида фойдаланиладиган ишчи ҳужжат бўлиши керак. ПЕГ раҳбарияти режа ва уни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш усувлари билан таниш бўлиши керак.

## 1.1.2

## Гендер тенглиги

Номувофиқликлар хавфини аниқлаш, эришилаётган ютуқларни ўлчаш ва ПЕГ фаолияти самарадорлигини тушунишда фойдаланиладиган маълумотлар ва усувларни белгилаб берадиган мониторинг режаси ишлаб чиқилган ва жорий этилган.

Ахборот ва маълумотлар қайд этилади ва олинган сабоқлар 1.1.1-кўрсаткичдаги тадбирлар режасини тузишда фойдаланилади.

ДХ  
ЎФХ

Мақсад - ПЕГ раҳбарияти ўз фаолияти самарадорлигини ва дала даражасидаги ютуқларни мунтазам равиша кузатиб бориш учун кучли қайта алоқа тузилмаларига эга бўлиш.

Фаолият ва эришилаётган ютуқларнинг доимий мониторинги (маълумотлар, маслаҳатлашувлар ва бошқа усувлар асосида) самарали ишлайдиган бошқарув тизимининг муҳим қисмидир. Бу - ПЕГ раҳбариятига қайси тадбир ва ёндашувлар даладаги вазиятни яхши томонга ўзгартираётган, қай бири эса самара бермаётганини тушунишга ёрдам беради. Ушбу маълумот ИЧБга ўз тадбирлари самарадорлигини ошириш учун уни қайта кўриб чиқиш ва тегишли тузатишлар киритишга ёрдам бериши керак.

Мониторинг режасида қайси маълумот қандай усувлар билан тўплангани аниқ кўрсатилиши лозим. Мониторинг усувлари маълумотларнинг кенг қамровли ва инклюзив бўлишини таъминлаши лозим (айниқса, ҳимояга муҳтоҷ вазиятга тушган ва /ёки жамиятдан четлаштирилган аёл ва шахслар) бўлиб, сўровлар, фокус-гуруҳлар таркибидаги учрашувлар, фермерлар учун мўлжалланган дала китоблари, (фақат аёллар учун) мўлжалланган маслаҳатлашув тадбирлари, маҳаллий аҳолидан олинган маҳаллий хатарлар тўғрисидаги маълумотлар, лойиҳаларни баҳолаш маълумотлари ва бошқа манбаларни ўз ичига олиши

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

мумкин. Мониторинг давомида ҳам миқдорий, ҳам сифат билан боғлиқ маълумотлар тўпланиши керак. Камида, аввалги икки мавсум бўйича мониторинг маълумотлари сақланиши керак.

Ушбу Кўрсаткичнинг бажарилишида нафақат режа сифати ва аниқлиги, балки мониторинг режага мувофиқ амалга оширилаётгани ёки йўқлиги ҳам ҳисобга олинади. ПЕГ раҳбари, жойлардаги мувофиқлаштирувчилар ҳамда ИЧБнинг бошқа ходимлари режа билан таниш бўлиши ва мониторингдан олинган асосий натижалардан, 1.1.1-кўрсаткичда кўрсатилганидек, ПЕГ даражасидаги тадбирларни ташкиллаштиришда қандай фойдаланилганини тушунтира олиши лозим.

### 1.1.3

### Гендер тенглиги

Фермер хўжаликларида пахта етиштириш жараёнида иштирок этувчи шахсларнинг кенг қамровли ва инклузив танланмаси билан уларнинг устувор мақсадлари ва эҳтиёжлари тўғрисида йилига камида бир марта маслаҳатлашувлар ўтказилади. Ушбу маслаҳатлашувлардан олинган асосий хulosалар ҳужжатлаштирилиб, барча тамойиллар доирасидаги тадбирларни режалаштириш ва доимий такомиллаштириш учун устувор вазифаларни белгилашда фойдаланилади.

ДХ  
ЎФХ

Мақсад - ПЕГ даражасидаги бошқарув ва қарор қабул қилиш жараёнида пахта етиштиришда дала даражасида иштирок этадиган барчанинг манфаатлари ҳисобга олинишини таъминлаш. Фермерлик фаолиятида иштирок этадиган одамлар пахта етиштириш табиат учун безарар бўлишини таъминлайдиган асосий субъектлардир. Шундай экан, уларнинг тажрибаси, эҳтиёжлари ва манфаатларини инобатга олиш – атроф-муҳит барқарорлигига нисбатан узоқ муддатли ижобий таъсир ўтказилишини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Фермер ва ишчи аёллар, ёшлар ва ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ вазиятда бўлган ва/ёки жамиятдан четлаштирилган шахсларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Маслаҳатлашув усуслари, вақти ва жойлари маҳаллий шароитлар ҳамда иштирокчилар гуруҳларига мослаштирилиши лозим.

Маслаҳатлашувларни ташкил этаётганлар тил ва саводхонлик, гендер, шунингдек, иштирокчилар орасидаги ҳамда мувофиқлаштирувчилар билан иштирокчилар ўртасидаги потенциал муносабатлар тузилмасини ҳисобга олиши керак (масалан, бошқа аёллар билан сұхбат олиб борадиган аёллар ҳамда аёллар билан сұхбат олиб борадиган эркаклар). Маслаҳатлашув тадбирлари билан боғлиқ бўлган ҳар қандай салбий оқибатлар (масалан, ишга бормагани туфайли даромадни йўқотиш ёки

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

сафар давомидаги хавфсизлик билан боғлиқ муаммолар) имкон қадар олди олиниши лозим.

Маслаҳатлашувлар давомида дастурни амалга ошириш билан боғлиқ муаммо ва имкониятлар, афзал кўриладиган ўқитиш ва бошқа турлари, эҳтиёжлар ёки устувор мақсадлар бўйича муҳокамалар ўтказилиши мумкин. Иштирокчиларга муҳокамалардан кўзланган мақсад ва уларнинг фикр-мулоҳазаларидан қай тарзда фойдаланилиши тўғрисида маълумот берилиши лозим.

Маслаҳатлашувларда фермерларнинг камида 10 фоизи (бундан ҳам кўпроқ бўлиши тавсия этилади) қамраб олиниши ва уй хўжаликларининг қарор қабул қилишда ўз овозига эга бўлган барча тегишли аъзолари, айниқса аёллар ҳам иштирок этиши лозим. Бундан ташқари, Пахта етиштирувчилар ишчилар, уй хўжаликларининг жалб қилинган бошқа аъзолари ҳамда маҳаллий аҳоли орасидаги бошқа манфаатдор томонлар, айниқса ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ вазиятда бўлган ва/ёки жамиятдан четлаштирилган шахслар билан маслаҳатлашувлар ўтказилганини намойиш эта олиши даркор.

Пахта етиштирувчилар маслаҳатлашувлардан олинган хуносаларни тадбирларни режалаштириш ва доимий такомиллаштириш учун устувор йўналишларни белгилаш жараённига киритиш усулларини тушунтириб бера олиши керак. Ушбу кўрсаткич бўйича маслаҳатлашувлар гендер масалалари бўйича етакчи ёки гендер қўмитаси томонидан амалга ошириладиган тадбирлар билан ўхшаш бўлиши мумкин (1.5 мезонга қаранг) ва шунингдек, даромад топиш воситаларини таъминлаш бўйича фаолиятда асос сифатида фойдаланилиши мумкин (6-принципга қаранг).

#### 1.1.4

Фермер хўжалиги фаолиятини режалаштириш ва амалга ошириш учун самарали бошқарув тизими яратилган. Тизим Better Cotton Кўрсаткичлари ва доимий такомиллаштириш мақсадларига эришиш

#### ЙФХ

Мақсад - Пахта етиштирувчилар фаолиятни режалаштириш ва бошқариш, натижаларни кузатиш ва T&M доирасида қамраб олинган барча йўналишлар бўйича номувофиқликлар хавфини аниқлашнинг ташкилий усулига эга бўлишини таъминлаш.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

билин боғлиқ натижаларни күзатиб бориш имконини беради.

Тизим фермер хўжалиги фаолиятини режалаштириш ва бошқаришни, шунингдек, 1.3-мезонда келтирилган атроф-муҳит барқарорлигини таъминлашдаги ижобий ўзгаришларни қамраб олиши лозим. Агар Пахта етиштирувчилар ушбу талабларга жавоб берадиган самарали бошқарув тизимиға эга бўлса, Better Cotton учун мўлжалланган тизимларни яратишга ҳожат йўқ.

### 1.1.5

Пахта етиштирувчилар амалдаги барча қонун ва қоидаларга амал қиласди.

ДХ  
ЎФХ  
ЙФХ

Қонунларга риоя қилиш - барча Better Cotton Пахта етиштирувчилари тааллуқли бўлган биринчи навбатдаги талаб ҳисобланади.

Амалдаги қонунлар қаторига маҳаллий, туман, вилоят ёки мамлакат даражасидаги қонун ва меъёрий ҳужжатлар, шу жумладан давлат томонидан халқаро шартнома имзоланиши натижасида миллий қонунчиликка киритилган ёки юридик жиҳатдан устун деб эътироф этилган қонун ва меъёрий ҳужжатлар киради. Кўрсаткич, шунингдек, ҳар қандай амалдаги жамоавий битимларни ҳам ўз ичига олади.

Агар амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатлар ёки жамоавий битимлар Т&М талабларига мос келмаган тақдирда, Кўрсаткичда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, қатъйроқ талаблар тўплами қўлланади.

### 1.1.6

Пахта етиштирувчилар фермер хўжалиги фаолияти натижасида маҳаллий аҳоли ва ерларга етказилиши мумкин бўлган ҳар қандай ижтимоий ва/ёки экологик хатарларни аниқлаш ва минималлаштириш чораларини кўради.

ЎФХ  
ЙФХ

Мақсад - Пахта етиштирувчиларнинг раҳбарияти фермер хўжалиги ўз ҳудудидан ташқаридаги одамлар ёки экотизимга ўтказиши мумкин бўлган ҳар қандай салбий таъсиридан хабардор бўлиши ва уни минималлаштиришини таъминлаш.

Фермер хўжалигида бажариладиган тадбирлар ундан ташқаридаги ҳудудларга ҳам таъсири қилиши мумкин. Пахта етиштирувчилар салбий таъсиirlарни (масалан, маҳаллий аҳоли ёки ёввойи табиатга салбий таъсири кўрсатадиган пестицидлар оқими ёки сепиш чегарасидан чиқиш) аниқлаш ва минималлаштириш чораларини кўришда ёрдам бериши талаб этилади. Таъсиirlарни баҳолаш учун Пахта етиштирувчилар ижтимоий ва экологик таъсири таҳлили, аҳоли шикоятларини кўриб

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Кўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

чиқиш механизмлари ёки зарар кўрган аҳоли вакиллари билан маслаҳатлашувлар ўтказиш каби воситалардан фойдаланиши мумкин. Атрофдаги маҳаллий аҳолининг ҳуқуқлари, ерлари, ресурслари, худудлари, даромад манбалари ёки озиқ-овқат хавфсизлиги нуқтаи назаридан уларга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳар қандай тадбирни ўтказишдан аввал, Пахта етиштирувчилар манфаатдор ва зарар кўрган манфаатдор томонларнинг ихтиёрий, олдиндан ва онгли равишда берилган розилигини олиш учун уларга маълумот бериши ва улар билан маслаҳатлашиши лозим.

Пахта етиштирувчилар маҳаллий аҳоли вакиллари томонидан билдирилган хавотирлар қай тарзда кўриб чиқилгани ва ҳал қилинганини намойиш эта олиши даркор.

## 1.2-МЕЗОН – Маълумотлардан мувофиқ ва самарали бошқариш орқали қарор қабул қилиш жараёнини такомиллаштириши

### 1.2.1

Гендер тенглиги

Better Cotton ташаббусининг “Фермер ҳўжаликларида маълумотларни бошқаришга қўйиладиган талаблар” ҳужжатига мувофиқ, аниқ ва тўлиқ маълумотлар Пахта етиштирувчилар даражасида тўпланади, текширилади ва ҳисботларга киритилади.

ДХ  
ЎФХ  
ЙФХ

Мақсад - ПЕГ ёки “Фермер ҳўжаликларида маълумотларни бошқаришга қўйиладиган талаблар” ҳужжатида кўрсатилганидек, сифатли маълумотларни тўплаш, текшириш ва ҳисботларга киритишнинг самарали тизими мавжуд бўлишидир. ДХ ва ЎФХ шароитида ушбу Кўрсаткич ПЕГ даражасида тўпланадиган ва ҳисботга киритиладиган барча тегишли маълумотларни қамраб олади. ЙФХда ушбу Кўрсаткич маълумотларни бошқаришга қўйиладиган барча талабларни қамраб олади.

Мақсад - Пахта етиштирувчилар ўз даражасида долзарб, аниқ ва сифатли маълумотларни тўплашини таъминлаш. Тўлиқ ва долзарб маълумотлар Пахта етиштирувчиларга барқарорликни таъминлаш соҳасида эришилаётган натижаларни кузатиб бориш ва қайси соҳалар самарали ишлаётгани, қайсилари учун эса янги ёки тузатиш киритилган ёндашувлар зарурлигини аниқлашда ёрдам

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклюзивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

беради. Сифатли ва аниқ маълумотлар бошқа манфаатдор томонларни хабардор қилиш ва натижаларни намойиш этишда ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Пахта етиштирувчилар даражасида талаб қилинадиган аниқ маълумотлар Better Cotton ташаббусининг “Фермер хўжаликларида маълумотларни бошқаришга қўйиладиган талаблар” ҳужжатида белгиланган. Маълумотларни тўплаш, текшириш ва ҳисботга киритиш жараёнлари кенг қамровли бўлиши ва фермер хўжаликларида пахта етиштиришга жалб қилинган барчани, хусусан, ижтимоий ҳимояга муҳтож вазиятда бўлган ва/ёки жамиятдан четлаштирилган аёллар ва шахсларни қамраб олиши керак. Тизимлар тўпланган маълумотлар ўрганиш мақсадида тегишли манфаатдор томонлар (масалан, ПЕГ доирасида - жойлардаги мувофиқлаштирувчилар, Гендер масалалари бўйича етакчи ёки Гендер қўмитаси ва/ёки фермерлар ва ишчилар) билан улашилиши таъминланадиган тарзда ишлаб чиқилиши керак. Жинс кесимида ажратилган маълумотлар аёлларни барча тадбирларга жалб қилишни таъминлашдаги муҳим биринчи қадам ҳисобланади.

Агар Пахта етиштирувчиларда маълумотларни бошқаришнинг самарали тизими мавжуд бўлса, Better Cotton учун маҳсус тизимларни яратишига ҳожат йўқ.

Қўшимча маълумот учун:

“Фермер хўжаликларида маълумотларни бошқаришга қўйиладиган талаблар” ҳужжати

## 1.2.2

Гендер тенглиги

Better Cotton ташаббусининг “Фермер хўжаликларида маълумотларни бошқаришга қўйиладиган талаблар” ҳужжатига мувофиқ, фермер хўжалиги даражасидаги аниқ ва тўлиқ маълумотлар қайд этиб борилади.

ДХ  
ЎФХ

Мақсад - ПЕГдаги фермерлар томонидан фермер хўжалиги даражасида долзарб, аниқ ва сифатли маълумотлар тўпланишини таъминлаш. Ушбу Кўрсаткич ЙФХга нисбатан қўлланмайди, негаки барча тегишли маълумотлар 1.2.1-кўрсаткичда қамраб олинади.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Фермер хўжалиги даражасидаги тўлиқ ва долзарб маълумотлар ПЕГ раҳбариятига атроф-муҳит барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ мақсадларга эришиш борасидаги натижаларни кузатиш имконини беради. Маълумотлар, шунингдек, фермер уй хўжаликлари нуқтаи назаридан - жорий этилган амалиётларни ўрганиш ва кузатиб бориш, ПЕГ нуқтаи назаридан эса - ўқитиш ва бошқа тегишли тадбирларни баҳолаш ва тузатишлар киритиш учун фойдали бўлиши мумкин.

ПЕГда фермерлар томонидан тўпланиши керак бўлган маълумотлар Better Cotton ташаббусининг “Фермер хўжаликларида маълумотларни бошқаришга қўйиладиган талаблар” ҳужжатида келтирилган. Тўпланган маълумотлар кенг қамровли бўлиши ва фермер хўжаликларида пахта етиширишга жалб қилинган барчани, хусусан, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ вазиятда бўлган ва/ёки жамиятдан четлаштирилган аёллар ва шахсларни қамраб олиши лозим. ПЕГ раҳбарияти тўпланган маълумотлар ўрганиш мақсадларида фермер хўжаликлари билан улашиларини таъминлаши даркор.

Қўшимча маълумот учун:

Better Cotton ташаббусининг “Фермер хўжаликларида маълумотларни бошқаришга қўйиладиган талаблар” ҳужжати.

### 1.3-МЕЗОН – Маҳаллий нуқтаи-назардан долзарб бўлган атроф-муҳит барқарорлигини таъминлаш соҳаларида доимий такомиллаштириш намойиш этилиши

#### 1.3.1

#### Гендер тенглиги. Иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг оқибатларини юмшатиш

Доимий такомиллаштириш талаб қилинадиган муайян устувор йўналишлар ва тегишли уч йиллик мақсадли кўрсаткичлар аниқланган ва 1.1.1- ҳамда 1.1.2-кўрсаткичлардаги умумий фаолият ва мониторингни режалаштириш ҳамда амалга ошириш жараёнига уларга эришишга қаратилган йиллик

ДХ  
ЎФХ  
\*

Мақсад - вақт ўтиши билан ПЕГ маҳаллий шароит ва аҳоли учун долзарб бўлган соҳаларда атроф-муҳит барқарорлигини яхшилаш мажбуриятини ўз зиммасига олинишини таъминлаш.

Доимий такомиллаштириш талаб қилинадиган муайян устувор йўналишлар ИЧБ даражасида белгиланиб, бу орқали маҳаллий шароит нуқтаи назаридан энг

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклюзивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

тадбирлар тўлиқ кирилган ва амалга оширилади. Устувор йўналишларда қуидагилар инобатга олинади:

- (i) Атроф-муҳит барқарорлигини таъминлаш бўйича маҳаллий нуқтаи-назардан долзарб аҳамиятга эга бўлган устувор йўналишлар;
- (ii) Мониторинг натижасида аниқланган устувор йўналишлар (1.1.2-кўрсаткич);
- (iii) 1.1.3-кўрсаткичга мувофиқ, дала даражасида ўтказиладиган инклузив маслаҳатлашувлар ҳамда Гендер масалалари бўйича етакчи ёки Гендер қўмитаси томонидан амалга ошириладиган иш натижасида аниқланган устувор вазифалар (1.5-мезон).

долзарб ва аҳамиятли масалаларни танлашдаги бир қадар мослашувчанлик таъминланади. Устувор йўналишларни танлашда атроф-муҳит барқарорлигини таъминлаш соҳасидаги маҳаллий нуқтаи-назардан долзарб бўлган масалалар ёки устувор йўналишлар, шунингдек, гендер тенглиги ва иқлим ўзгариши масалалари бўйича дала даражасида ўтказилган маслаҳатлашувлар (1.1.3-кўрсаткичга қаранг) жараёнида олинган маълумотлар ҳисобга олинниши керак. Доимий такомиллаштириш талаб қилинадиган йўналишлар бўйича қарорлар қабул қилиш жараёнида Гендер масалалари бўйича етакчи ва Гендер қўмитаси, шунингдек, Муносиб меҳнат (ММ) мониторинги учун масъул шахс(лар) иштирок этиши даркор. Гарчи доимий такомиллаштириш талаб қилинадиган йўналишлар ҳамда T&M талаблари ўртасида ўхшашлик бўлиши мумкин эса-да (бу, айниқса, янги ПЕГларга тааллуқли бўлиши мумкин), ПЕГлар атроф-муҳит барқарорлигини таъминлаш борасида T&M доирасидан ташқарига чиқадиган йўналишларни кўриб чиқишга рағбатлантирилади. Улар, шунингдек, доимий такомиллаштириш талаб қилинадиган йўналишлар сонини учтадан бештагача чеклашга ҳаракат қилиши лозим бўлиб, бу орқали эътиборни керакли соҳага йўналтириш, ресурсларни самарали тарзда сафарбар этиш ва ривожланишга эришиш таъминланади.

Доимий такомиллаштириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар, тадбирлар ва мониторинг 1.1.1 ва 1.1.2-кўрсаткичлардаги ПЕГнинг умумий режалаштириш ва мониторинг тизимларига интеграция қилиниши лозим.

Янги ПЕГларда бу кўрсаткич ПЕГ иккинчи лицензиялаш циклига киргандан сўнг баҳоланади (одатда, иштирокнинг учинчи ёки тўртинчи йилида). Биринчи лицензиялаш муддати давомида ПЕГ ушбу Кўрсаткич бўйича баҳоланмайди. Бироқ улар маслаҳатлашувлар ўтказиб, иккинчи марта лицензиялаш учун баҳоланадиган муддатга қадар устувор йўналишлар, мақсадли кўрсаткичлар ва тадбирларни аниқлаб олиши керак бўлади.

\*ПЕГлар учун иккинчи лицензиялаш циклидан бошлаб амал қиласди

### 1.3.2

### Гендер тенглиги. Иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг оқибатларини юмшатиш

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Доимий такомиллаштириш мақсадида, атроф-мухит барқарорлигини таъминлаш соҳасидаги алоҳида эътибор қаратилиши керак бўлган аниқ ва маҳаллий нуқтаи-назардан долзарб мақсадли кўрсаткичлар аниқланган. Уларга эришиш бўйича тадбирлар амалга оширилмоқда ва натижалар 1.1.4-кўрсаткич доирасидаги умумий бошқарув тизими доирасида назорат қилинади.

ЙФХ

Мақсад - вақт ўтиши билан барча Пахта етиштирувчилар маҳаллий шароит ва аҳоли учун долзарб бўлган соҳаларда атроф-мухит барқарорлигини яхшилаш мажбуриятини ўз зиммасига олинишини таъминлаш.

Пахта етиштирувчилар Т&М талабларига шунчаки риоя қилиш билан чекланмасдан, атроф-мухит барқарорлигини таъминлаш борасидаги ижобий таъсирни янада яхшилаши мумкин бўлган асосий йўналишларни аниқлаши талаб этилади. Доимий такомиллаштириш талаб қилинадиган муайян устувор йўналишлар Пахта етиштирувчиларнинг ўзи томонидан белгиланиши мумкин бўлиб, бу орқали маҳаллий шароит нуқтаи назаридан энг долзарб ва аҳамиятли масалаларни танлашдаги бир қадар мослашувчанлик таъминланади. Устувор йўналишларни танлашда атроф-мухит барқарорлигини таъминлаш борасидаги маҳаллий долзарб масалалар ёки устувор йўналишлар, **ишчилар** ва/ёки аҳоли орасидаги манфаатдор томонларнинг фикри ҳамда гендер тенглиги ва иқлим ўзгариши билан боғлиқ мавзулар инобатга олиниши даркор.

Фермерлар ушбу асосий йўналишларни қандай аниқлагани, режалаштирилган ва бажарилган тадбирларни ҳамда натижаларни қай тарзда кузатиб боришини тушунириб бера олиши керак. Улар, шунингдек, доимий такомиллаштириш талаб қилинадиган йўналишлар сонини икки-учтагача чеклашга ҳаракат қилиши лозим бўлиб, бу орқали эътиборни керакли соҳага йўналтириш, ресурсларни самарали тарзда сафарбар этиш ва ривожланишга эришиш таъминланади.

#### 1.4-МЕЗОН –Инклузив ва самарали ёндашув ҳисобига салоҳиятни мустаҳкамланиши

1.4.1

Гендер тенглиги. Иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг оқибатларини юмшатиш

Фермер хўжалигига пахта етиштиришга жалб этилган шахсларнинг салоҳиятини ошириш бўйича самарали дастур амалга оширади. Тренинг ва тегишли

ДХ  
ЎФХ

Мақсад - тренинглар ва салоҳиятни мустаҳкамлашга қаратилган бошқа тадбирлар долзарб, инклузив ва дала дараҷасидаги ўзгаришларга турткি беришда самарали бўлишини таъминлаш.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг "Ижтимоий инклузивликка содиклик" деб номланган ҳужжатимиз ҳамда "фермерлар" ва "ишчилар" тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

тадбирлар:

- (i) Маҳаллий нуқтаи-назардан долзарб бўлган амалиёт ва инновацияларга алоҳида эътибор қаратилади;
- (ii) 1.1.3-кўрсаткичга мувофиқ, дала даражасидаги инклюзив маслаҳатлашувлар, шунингдек, аввалги тренинглар тўғрисидаги фикр-мулоҳазалардан фойдаланилади;
- (iii) Дала даражасидаги таъсирни ошириш нуқтаи-назаридан самарали бўлган ёндашув ва воситалардан фойдаланилади.

Амалиёт ва ёндашувларни ўзгартириш мураккаб ва қийин вазифа, негаки бу фермер хўжалигига меҳнат қиласиганларнинг иши ва ҳаётига тўғридан-тўғри ва билвосита таъсир қиласи.

Салоҳиятни мустаҳкамлаш жараёни самарали бўлиши учун қўлланадиган ёндашувда ўзгаришлар таъсир қиласиган одамларга тўқнаш келиши мумкин бўлган хатарлар инобатга олиниши даркор. Бу нафақат катта техник билим ва тажрибани, балки тадбирларни амалга оширувчи шахсларнинг асосий функционал кўнікмаларни (мулоқот, модерация ва тренинг кўнікмалари, гендер тенглиги ва ижтимоий қамров масалаларини ҳисобга олиш, шунингдек катталарга таълим бериш, хулқ-атворни ўзгартириш, иштирокчилик асосидаги ёндашувлар ва билимларни тарқатишнинг инновацион усусларини билиш) ҳам талаб қиласи.

Мазмун нуқтаи назаридан, салоҳиятни мустаҳкамлаш тадбирлари атроф-муҳит барқарорлигини таъминлаш соҳасида маҳаллий даражада долзарб аҳамиятга эга бўлган муаммоларни ҳал қилиш, иштирокчиларнинг таълим соҳасидаги эҳтиёжлари ва мурожаатларини кўриб чиқиш ва маҳаллий шароитда самарадорлиги исботланган амалиётларни тарғиб қилишга қаратилиши керак. Зарур ҳолатларда мавзулар гендер тенглиги, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш, тадбиркорлик, молия ва фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби, бизнес ва тадбиркорлик, иш жойидаги ҳуқуқлар, меҳнат гигиенаси ва техник хавфсизлик каби соҳаларни қамраб олиш учун агрономлик масалаларидан ташқарига чиқиши мумкин ва керак.

Фойдаланиладиган ёндашув ва воситалар иштирокчилар учун қизиқарли ва тушунарли бўлиши керак (шунингдек, 1.4.2-кўрсаткичга қаранг). Уларда классик йўриқчи-фермер шаклидаги тренинглар доирасидан ташқарига чиқиб, кенгроқ усусларни, масалан, фермерлар ўртасида ўзаро ўрганиш, кўргазма майдонлари, ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш ёки аҳоли даражасидаги кенг иштирокчиликка асосланган тадбирлардан фойдаланиш лозим. ПЕГ бошқаруви инновацион бўлиши ва дастурнинг долзарблиги, инклюзивлиги ҳамда

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклюзивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

самарадорлигини ошириш учун турли воситалар орқали фикр-мулоҳазаларни олишга қаратилиши керак.

Инклузивликни таъминлаш ҳамда гендер масалалари бўйича хабардорликни оширишга қаратилган тадбирларни киритиш учун салоҳиятни мустаҳкамлаш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнига Гендер масалалари бўйича етакчи ёки Гендер қўмитаси жалб этилиши лозим (шунигдек, 1.4.2-кўрсаткичга қаранг).

#### 1.4.2

#### Гендер тенглиги

Тренинглар ва бошқа тегишли тадбирлар инклузив ва улардан ўзи учун фойда олиши мумкин бўлган ҳар бир шахс учун teng ва очиқ тарзда ишлаб чиқилган.

ДХ  
ЎФХ

Мақсад - ПЕГ раҳбарияти фермер хўжалигида пахта етиширишга жалб қилинган ҳар бир шахсга ўз кўникма ва билимларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш имкониятини тақдим этишини таъминлаш.

Better Cotton ташаббуси доирасидаги барча тадбирларда инклузивликни таъминлаш ва дала даражасидаги таъсирга эришиш учун тренинглар ёки тегишли тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда, айниқса, аёллар, ёшлар, шунигдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож вазиятдаги ва/ёки жамиятдан четлаштирилган шахсларга алоҳида эътибор қаратиш жуда муҳим. Мазмун, ёндашув ва воситалар маҳаллий шароитга ва тегишли шахслар гуруҳларига мослаштирилгани тўғрисидаги далиллар мавжуд бўлиши керак. Улар тил ва саводхонлик муаммолари, гендер масаласи ва уларнинг пахта етиширишдаги роли ва потенциал иштирокчилар орасидаги ҳамда мувофиқлаштирувчилар ва иштирокчилар ўртасидаги ҳокимиёт динамикаси каби элементларни ҳам ҳисобга олиши керак. Мисол учун, фақат аёллардан иборат ўқув гуруҳларини ташкил этиш орқали. Тренингга келиб-кетиш билан боғлиқ ҳар қандай салбий таъсирлар (масалан, ишга бормаганлиги сабабли даромадни йўқотиши ёки сафар туфайли хавфсизлик билан боғлиқ муаммолар) юмшатилиши керак. Тадбирларда иштирокчиларнинг ишлаб чиқариш билан боғлиқ бошқа самарали ролларни ўз зиммасига олиши мумкин бўлган янги кўникма ва билимлар (масалан, агар хоҳласалар, ишчи аёлларни кўпроқ механизациялашган ишларни бажаришга,

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Кўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

			аёлларнинг уй хўжалиги даромадларини қўллаб-куватлаш кўнилмалари ва бошқаларга ўргатиш) бўйича сўровлари ҳисобга олиниши керак.
1.4.3			Гендер тенглиги
Иштирокчилар тренинглар ва бошқа тегишли тадбирлар орқали илгари суриладиган билим, кўнилма ва амалиётларнинг аҳамияти ва афзаликларини тушунади.	ДХ ЎФХ	Мақсад - салоҳиятни мустаҳкамлаш бўйича тадбирлар барча иштирокчиларнинг хабардорлиги, билим ва кўнилмаларини оширишда самарали бўлишини таъминлаш.	ИЧБ раҳбарияти билимлар, муносабатлар ва амалиётлардаги ўзгаришларни бевосита кузатиши ва ўрганилган сабоқлар тренинглар ва бошқа тегишли тадбирлар мазмуни, ёндашувлари ва воситаларига ўзгартиришлар киритишда фойдаланилишини таъминлаши керак. Мониторинг фаолиятини такомиллаштиришда алоҳида эътибор ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ вазиятдаги ва/ёки жамиятдан четлаштирилган аёллар ва одамларга қаратилиши керак – шу боис гендер масалалари бўйича етакчи ёки гендер қўмитаси ва муносаб мөхнат мониторинги учун масъул шахслар жалб қилиниши керак.
1.4.4			Гендер тенглиги
Ишчилар салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган самарали дастур амалга оширилади. Тренинг ва тегишли тадбирларда:	ЙФХ *	Мақсад ПЕГ раҳбарияти ишчиларга ўз салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган тегишли тренинг ва бошқа тадбирлардан тенг ва инклюзив равишда фойдаланиш имкониятини тақдим этишини таъминлашдан иборат.	Салоҳиятни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар иштирокчиларнинг эҳтиёжлари, сўровлари ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ ролларига мос келиши керак. Уларда асосий иш кўнилмалари доирасидан ташқарига чиқилиши ва, масалан, ишчилар ҳуқуқлари, мөхнат гигиенаси ва техника хавфсизлиги, гендер тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Кўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклюзивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

- фикр-мулоҳазалардан асос сифатида фойдаланилади;
- (iii) самарали ёндашув ва воситалардан фойдаланилади;
  - (iv) инклюзив ва фойда кўриши мумкин бўлган барча ишчилар фойдаланиши учун тенг равишда очик бўладиган тарзда ишлаб чиқилади.

тенглиги ва қишлоқ хўжалигини юритишнинг барқарор амалиётлари каби мавзулар киритилиши керак.

Better Cotton ташаббуси доирасидаги барча тадбирларда инклюзивликни таъминлаш ва дала даражасидаги таъсирга эришиш учун, тренинглар ёки тегишли тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда, айниқса, аёллар, ёшлар, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож вазиятдаги ва/ёки жамиятдан четлаштирилган шахсларга алоҳида эътибор қаратиш жуда муҳимдир. Таркиб, ёндашувлар ва воситалар маҳаллий шароитга ва тегишли одамлар гуруҳларига мослаштирилгани борасида далиллар мавжуд бўлиши керак.

Уларда тил ва саводхонлик, гендер, шунингдек, иштирокчилар орасидаги ҳамда мувофиқлаштирувчилар билан иштирокчилар ўртасидаги потенциал муносабатлар тузилмасини ҳисобга олиниши керак.

Тренингга келиб-кетиш билан боғлиқ ҳар қандай салбий таъсирлар (масалан, ишга бормаганлиги сабабли даромадни йўқотиши ёки сафар давомидаги хавфсизлик билан боғлиқ муаммолар) минималлаштирилиши керак. Тадбирларда иштирокчиларнинг ишлаб чиқариш жараёнида бошқа вазифаларни бажариш учун янги кўнишка ва билимларни әгаллаш (масалан, агар ишчи аёллар ўзи истаса - механизациялашган ишларни бажаришни ўргатиш, аёлларга уй хўжалигининг даромадларини кўпайтиришга ёрдам берадиган кўникамларни әгаллашга ёрдамлашиш) борасидаги истаклари ҳам инобатга олиниши лозим.

Гендер масалалари бўйича етакчи ёки Гендер қўмитаси ва Муносиб меҳнат мониторинги учун масъул бўлган шахслар билан маслаҳатлашилиши ва улар қарор қабул қилиш жараёнига жалб этилиши даркор.

\* 15 нафардан зиёд ишчи билан.

## 1.5-МЕЗОН – Аёлларнинг тенг иштироки ва аҳамияти эътироф этилиши

### 1.5.1

### Гендер тенглиги

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклюзивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Аёлларнинг тенг иштироки ва эътироф этилишига кўмаклашиш мақсадида Гендер масалалари бўйича етакчи ёки Гендер қўмитаси тайинланган бўлиб, унинг асосий вазифаларига қўйидагилар киради:

- (i) Гендер тенглиги билан боғлиқ маҳаллий даражадаги муаммолар ва такомиллаштириш имкониятларини аниқлаш мақсадида, фермер хўжалигида пахта этиштиришга жалб қилинган аёллар, шунингдек, маҳаллий аҳоли даражасидаги бошқа тегишли иштирокчилар (шу жумладан эркаклар) билан маслаҳатлашиш;
- (ii) Пахта этиштирувчилар раҳбарияти ва фермерларнинг маҳаллий даражадаги гендер муносабатлари, шу жумладан турфа хил қишлоқ хўжалиги амалиётлари ва ишлаб чиқаришда бажариладиган вазифалар тўғрисидаги хабардорлигини ошириш;
- (iii) Аниқланган муаммоларни бартараф этиш ва имкониятлардан фойдаланиш учун Пахта этиштирувчилар раҳбарияти билан ишлаш.

ДХ  
ЎФХ  
ЙФХ\*

Мақсад - Пахта этиштирувчилар раҳбарияти зиммасига асосий муаммо ва имкониятларни аниқлаш, шунингдек, Better Cotton ташаббуси томонидан ташкиллаштирилган ҳамда бошқа тадбирлар доирасида аёлларнинг мавқеи, иштироки ва ҳуқуқлари эътироф этилишини мустаҳкамлаш бўйича тегишли чоралар кўриш юзасидан жавобгарлик юклаш.

Қўшимча маълумот олиш учун қўйидаги йўриқномага қаранг.

\*фақат 10 дан ортиқ аёл ишчиси бўлган ЙФХ учун.

## 1.5.2

## Гендер тенглиги

Гендер масалалари бўйича етакчи ёки Гендер қўмитаси билан яқин ҳамкорликда Пахта этиштирувчилар тадбирлар ва мониторинг режалари доирасида гендер тенглиги ва инклузивликни кучайтириш бўйича тавсия этилган чораларни амалга оширади.

ДХ  
ЎФХ  
ЙФХ\*

Мақсад - Пахта этиштирувчилар раҳбарияти томонидан 1.5.1-кўрсаткич доирасида белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ва мониторингни таъминланиш.

Қўшимча маълумот олиш учун қўйидаги йўриқномага қаранг.

\*фақат 10 дан ортиқ аёл ишчиси бўлган ЙФХ учун.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

## 1.5-мезон бўйича кўрсатма: Гендер масалалари бўйича етакчи ёки Гендер қўмитаси

Аёллар пахтачиликда муҳим аҳамият касб этиб, тармоқни атроф-муҳит учун безарар қилишга ёрдам бериш борасида катта салоҳиятга эга. Шундай бўлса-да, уларда бу жараёнга каттароқ ҳисса қўшиш учун керак бўладиган ресурслар, билимлар, ваколатлар ва танлаш имконияти мавжуд эмас (масалан, ерга эгалик ҳуқуқи, қарор қабул қилиш ваколати берилган раҳбарлик лавозимлари ёки, ҳатто, ўқитиш имкониятлари чеклангани туфайли). ИЧБ ҳамда йирик фермер хўжаликлари аёллар ҳуқуқларининг тўлиқ тан олиниши ва пахта етиштириш жараёнига интеграциялашувига тўсқинлик қилаётган тўсиқларни бартараф этишда фаол роль ўйнаши мумкин.

Пахта етиштирувчилар Гендер масалалари бўйича етакчини, яъни гендер масалалари билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилиш ҳамда хабардорликни ошириш учун масъул бўлган шахс ёки Қўмитани тайинлаши кутилади. Бу шахс/гуруҳ Пахта етиштирувчилар раҳбариюти билан яқиндан ҳамкорлик қили, зарур ҳолларда, фуқаролик жамияти ташкилотлари ҳамда бошқа тегишли ҳамкор ва шериклардан ёрдам олиши даркор. Мисол учун, аҳолининг фермерлар ва ишчилар яхши танийдиган ва уларнинг ишончига сазовор бўлиб ултурган аёл вакиллари Гендер масалалари бўйича етакчи /Қўмита вазифаларини бажариш учун идеал номзодлар бўлиб, улардан мавжуд гендер қўмиталари ёки тузилмаларини қайта тузиб чиқиш учун бошланғич нуқта сифатида фойдаланиш мумкин.

Гендер масалалари бўйича етакчи ёки Гендер қўмитасини тайинлаш ва тузиш Пахта етиштирувчиларининг масъулияти ҳисобланади. Бироқ улар:

- (i) маҳаллий даражадаги гендер муносабатлари тўғрисида билим ва тажрибага эга бўлиши;
- (ii) юкланган вазифаларни бажариш учун вақт ва ресурсларга эга бўлиши;
- (iii) ҳаракатларни амалга ошириш учун Пахта етиштирувчилар раҳбариюти томонидан тан олиниши ва қўллаб-қувватланиши лозим бўлади.

Қўмита таркибига, камида, битта аёл (идеал ҳолатда, фермерлар ёки ишчилар вакили) ва Пахта етиштирувчилар раҳбариютининг битта аъзоси киритилиши тавсия этилади.

Гендер масалалари бўйича етакчи ёки Гендер қўмитасининг иши бир марталик тадбир эмас, балки доимий, узоқ муддатли фаолиятни англатади. Тадбирлар маҳаллий шароитларга мослаштирилиши ва қўйидаги элементларни ўз ичига олиши керак:

- **Маҳаллий даражадаги гендер муаммо ва имкониятларни баҳолаш ҳамда устувор йўналишларни белгилаш:** Аёлларнинг пахтачилик тармоғига ҳамда Better Cotton дастури доирасидаги саъй-ҳаракатларга жалб этилиши ва иштироки, шунингдек, уларнинг етакчилик ва қарор қабул қилиш жараёнларидағи иштирокига тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Самарали ечимларни ишлаб чиқиш учун кенг қамровлилик, яъни инсоннинг турфа хил хусусиятлари ўзаро кесишиб, потенциал зулмнинг турли кўринишларини келтириб чиқариши ҳисобга олиниши лозим. Дала даражасидаги маслаҳатлашувларга қўшимча

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклюзивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

равишида, асосий йўналишларни аниқлаш ва эришилган натижаларни ўлчаш учун бошланғич баҳолашлар фойдали восита бўлиб хизмат қилиши мумкин. Устувор муаммоларни аниқлашда ишни қисқа ва узоқ муддатли истиқболда энг кўп зарар келтирадиган таъсиrlардан бошлаш тавсия этилади. Пахта етиширувчилар ёки Гендер масалалари бўйича етакчи /Гендер қўмитаси муаммо ва имкониятлар қандай аниқлангани ва устувор йўналишлар қандай белгиланганини кўрсатиши лозим.

- **Хабардорликни ошириш:** Бу доимий фаолият бўлиши керак. Унинг доирасида Гендер масалалари бўйича етакчи ва Пахта етиширувчилар бошқа тадбирлар, жумладан, барча даражадаги (хусусан, ПЕГ раҳбари, жойлардаги мувофиқлаштирувчилар ва ПЕГнинг бошқа ходимлари) салоҳиятни мустаҳкамлаш тадбирлари орқали гендер тенглиги ва аёлларни қамраб олиш тўғрисидаги хабардорликни ошириш йўлларини аниқлаши, йиллик режалаштириш ва мониторинг ҳамда доимий такомиллаштириш юзасидан ҳамкорлик қилиши даркор.
- **Чора-тадбирларни ишлаб чиқиш:** Гендер масалалари бўйича етакчи аниқланган муаммоларни бартараф этиш ва имкониятлардан фойдаланиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун Пахта етиширувчилар раҳбарияти, маҳаллий аҳоли ва, зарур ҳолларда, Муносиб меҳнат мониторинги учун масъул шахс(лар) билан ҳамкорлик қилиши лозим. Мазкур чора-тадбирларни ишлаб чиқиш жараёнига эркакларни ҳам жалб қилиш муҳим, негаки улар гендер тенглигига эришишда муҳим аҳамиятга эга.
- **Амалга ошириш:** тадбирлар турига қараб, чора-тадбирларни амалга ошириш учун масъул шахслар маҳаллий даражадаги гендер масалалари бўйича тегишли маълумотлар ва билимлар, шунингдек, чора-тадбирларни амалга ошириш учун тегишли амалий воситалар билан жиҳозланган бўлиши керак. ЎФХ ёки ЙФХ шароитларида Хулқ-атвор кодекслари каби тегишли сиёсий қарорларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тавсия этиладиган тадбирларнинг долзарб қисми бўлиши мумкин. Гендер масалалари бўйича етакчи ёки гендер қўмитаси чора-тадбирларни амалга ошириш, мониторинг қилиш ва такомиллаштиришда раҳбариятни қўллаб-қувватлаши керак.

Мақсадли тадбирлардан ташқари, Гендер масалалари бўйича етакчи ёки гендер қўмитаси барча принциплар бўйича бир нечта талабларни амалга ошириша иштирок этиши керак. Ушбу йўналишларнинг тўлиқ рўйхатини [А иловада](#) топишингиз мумкин.

## 1.6-МЕЗОН – Маҳаллий аҳамиятга эга бўлган атроф-муҳит барқарорлигини таъминлаш масалаларининг ҳамкорлик асосида ҳал этилиши

### 1.6.1

Гендер тенглиги. Иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг оқибатларини юмшатиш

Пахта етиширувчилар маҳаллий аҳамиятга эга бўлган атроф-муҳит барқарорлигини таъминлаш

ДХ  
ҮФХ  
ЙФХ

Мақсад - Пахта етиширувчиларни ҳамкорликдаги ҳаракатлар орқали атроф-муҳит барқарорлигини таъминлаш муаммоларини ҳал қилиш учун бошқа манфаатдор томонлар билан ҳамкорлик қилишга ундаш.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

масалалари юзасидан бошқа тегишли манфаатдор томонлар билан ҳамкорликни намойиш этади.

Пахта етиштириш билан боғлиқ экологик, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларнинг аксарияти маълум бир экин, фермер хўжалиги ёки ПЕГ доирасидан ташқарига чиқади (масалан, сув етишмаслиги, талабга жавоб бермайдиган меҳнат шароитлари, гендер муаммолар ёки зааркунандалар). Бошқа манфаатдор томонлар билан саъй-ҳаракатларни бирлаштириш муаммоларни янада самарали ҳал қилиш имконини бериб, бу янада конструктив ва узоқ муддатли ечимларни ишлаб чиқишига хизмат қилади. Бошқа иштирокчилар қаторига худуддаги бошқа Пахта етиштирувчилар, маҳаллий муассасалар (масалан, тиббий марказлар, мактаблар ва бошқалар), қишлоқ хўжалиги соҳасидаги маҳаллий маслаҳат хизматлари, аёллар гуруҳлари ёки бошқа фуқаролик жамияти ташкилотлари, илмий-тадқиқот муассасалари ва хусусий субъектлар (масалан, пестицидлар таъминотчилари) киради.

Пахта етиштирувчи ҳамкорликнинг устувор йўналишларини маҳаллий муаммо ва имкониятлар ва/ёки ўзи иштирок этиб келаётган тармоқ муносабатларига асосланган ҳолда аниқлаши мумкин. ИЧБ раҳбарияти ҳамкорлик учун танланган йўналишларни асослаб бера олиши ва амалга оширилган тадбирлар, натижаларни кузатиш усуслари ва эришилган натижаларни тушунтириб бера олиши лозим.

## 1.7-МЕЗОН – Иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг оқибатларини юмшатишни такомиллаштиришга қаратилган чоралар кўрилиши

### 1.7.1

Пахта етиштирувчилар иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича маҳаллий даражада долзарб бўлган чоратадбирлардан хабардор ва уларни тадбирлар ва мониторинг режаларига мувофиқ амалга оширади.

ДХ  
ЎФХ  
ЙФХ

### Гендер тенглиги. Иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг оқибатларини юмшатиш

Мақсад - Пахта етиштирувчилар ҳамда фермерлар иқлим ўзгаришининг пахта етиштириш жараёнига ўтказадиган таъсирини тушунтира олиши ва уларга иқлим ўзгаришига мослашиш ва чидамлиликни оширишга кўмаклашадиган усувларни жорий этиш.

Иқлим ўзгаришининг аниқ таъсири шароитга боғлиқ бўлса-да, иқлим ўзгариши деярли барча пахта етиштирувчи худудларга сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда ёки кўрсатади. Иқлим ўзгариши дехқончилик ва фермерларнинг

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

даромад манбалари учун хавф туғдиришини тушуниш иқлим ўзгаришига мослашиш чораларини тайёрлаш ва қабул қилишда муҳим қадам ҳисобланади. Идеал ҳолатда, Пахта етиштирувчилар иқлим ўзгариши таъсирини баҳолашни фермер хўжалиги ёки ИЧБ даражасида ўтказиши даркор. Улар, шунингдек, маҳаллий даражадаги иқлим ўзгариши хатарлари ва турли аҳоли гуруҳларининг улар олдидаги ҳимоясизлигини тушуниш учун ишончли воситалар ёки ахборот манбаларидан фойдаланиши мумкин.

Иқлим ўзгаришига мослашиш чора-тадбирлари томорқа хўжаликларининг чидамлиликни ошириш ва иқлим ҳодисаларига яхшироқ тайёрланишга қаратилган барча тадбирларини ўз ичига олади. Улар, жумладан, сув ресурсларини самарали бошқариш (қурғоқчилик ҳамда кучли ёғингарчилик кузатилган вазиятларда), эрозия ёки сув йўқотилишининг олдини олишга ёрдамлашадиган усувларни ўз ичига олиши, шунингдек, маҳаллий шароитларга мослаштирилган уруғлардан фойдаланиш ёки хўжалик ва ундан ташқарида даромад манбаларини диверсификация қилишни рағбатлантиришни назарда тутиши мумкин.

Хотин-қизларнинг иқлим ўзгариши оқибатлари олдидаги ҳимоясизлик даражаси бироз юқорироқ бўлиб, одатда, улар иқлим ўзгариши оқибатларини ўзида ҳис қилиб, вазиятни юмшатиш ва мослашиш чораларини амалга оширади. Шу боис хотин-қизлар ушбу тадбирлар ва қарор қабул қилиш жараёнига жалб этилиши айниқса муҳим. Гендер масалалари бўйича етакчи ёки Гендер қўмитаси билан маслаҳатлашувлар ўтказилиши даркор.

Кўпгина усувлар T&M доирасида илгари сурилган бошқа усувлар билан ўхшаш бўлиши мумкин. Имкон бўлганда, иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг оқибатларини юмшатишга қаратилган усувларни илгари суриш лозим.

### 1.7.2

#### Гендер тенглиги. Иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг оқибатларини юмшатиш

Пахта етиштирувчилар иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш бўйича маҳаллий даражада долзарб бўлган чора-тадбирлардан хабардор ва уларни тадбирлар ва

ДХ  
ЎФХ  
ЙФХ

Мақсад - Пахта етиштирувчилар пахта етиштириш жараёни иқлим ўзгаришига қандай ҳисса қўшишини тушуниши ва бу ҳиссани камайтиришга хизмат қиласидиган тадбирларни амалга ошириш.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклюзивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

мониторинг режаларига мувофиқ амалга оширади.

Пахта етиштириш ва, умуман, қишлоқ хўжалиги ИГ ташланмаларига энг кўп ҳисса қўшадиган соҳалар ҳисобланади. Пахта етиштириш жараёнидаги ташланмаларни келтириб чиқарадиган асосий омиллар тупроқни тайёрлаш, экин қолдиқларини ёқиш, ўғит ишлаб чиқариш ва қўллаш, суфориш ва пестицидларни қўллаш кабиларни ўз ичига олиб, маҳаллий шароитга қараб фарқ қиласди. Талабларга жавоб берадиган даражадаги амалиётлар (масалан, тупроққа ишлов беришни қисқартириш, органик моддалардан фойдаланиш ёки дуккакли экинлар билан алмашлаб экиш) ҳам углерод ютилиш даражасини ошириб, ИГ ташланмалари ҳажмини қисқартиши мумкин.

Пахта етиштирувчилар ўз фермер хўжалиги ёки ПЕГ билан боғлиқ бўлган ИГ ташланмалари/ютилишининг асосий манбаларини яхшироқ тушуниш учун зарур чораларни кўриши даркор. Бу мақсадда улар углерод изи ёки бошланғич шароитлар таҳлилини ҳамалга ошириши ёки очиқ ахборот манбалари ва воситаларидан фойдаланиши мумкин.

Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш чоралари тупроқ саломатлигини (жумладан, тупроқ углерод ютувчи вазифасини бажариш қобилияти) сақлаш ва мустаҳкамлаш; самарали суфориш усулларидан фойдаланиш; қазиб олинадиган ёқилғи турларидан босқичма-босқич воз кечиш ва дехқончиликнинг механизациялашган усуллари учун янада барқарор энергия манбалари ва технологияларидан фойдаланиш; ерни тозалашга воз кечиш ва биологик хилмачилликни ошириш, шунингдек экин қолдиқларини ёқиш ёки «ёқиб тозалаш»нинг олдини олиш каби усулларни ўз ичига олиши мумкин. Пахта етиштирувчилар углерод ташланмаларини камайтириш борасидаги маҳаллий ёки минтақавий лойиҳаларида ҳам иштирок этиши мумкин. Ушбу чора-тадбирларнинг аксарияти аёлларга таъсир қилиши мумкинлигини ҳисобга олсан, уларни ушбу тадбирларга жалб этиш ўта муҳим ҳисобланади. Шундай экан, Гендер қўмитаси ёки Гендер масалалари бўйича етакчи билан маслаҳатлашувлар ўтказилиши керак.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Кўпгина усуллар Т&М доирасида илгари сурилган бошқа усуллар билан ўхшаш бўлиши мумкин. Имкон бўлганда, иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг оқибатларини юмшатишга қаратилган усулларни илгари суриш лозим.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

# 2-тамойил: Табиий ресурслар

Кишлоқ хўжалигида табиий ресурслардан атроф-муҳит учун безарап тарзда фойдаланиш ер юзида ҳаёт барқарорлиги ва одамзод фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Бу, шунингдек, фермерларнинг иқлим ўзгариши олдидағи чидамлилигини ошириб, қишлоқ хўжалигининг иқлимга салбий таъсирини юмшатишга ёрдам беради. Мазкур принципда асосий эътибор тупроқ саломатлиги, сув миқдори ва сифати ҳамда биологик хилма-хилликни ҳимоя қилиш ва оширишга қаратилган қишлоқ хўжалиги усувларига қаратиласди. Тамойил доирасида деҳқончиликдаги регенератив усувларнинг асосий принциплари қамраб олиниб, улар ўғитлардан фойдаланишни оптималлаштириш ва камайтириш ҳамда фермер хўжаликларининг лалмикор ва суғориладиган ерларида сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлашга қаратилган. Шу билан бирга, мазкур принципда биологик хилма-хиллик ва табиий экотизимларни асраш ва яхшилаш муҳимлиги, шу жумладан, табиий экотизимлар ва юқори даражали муҳофаза қийматига эга ҳудудларни ўзgartирмаслик мезони алоҳида таъкидланади. Бу усувлар бирлашиб, пахтачилик тармоғи ҳамда фермерлар учун энг муҳим бўлган ресурсларни ҳимоя қилиш ва яхшилашга хизмат қиласди.

## Better Cotton ташаббусининг регенератив қишлоқ хўжалигига нисбатан ёндашуви

Регенератив қишлоқ хўжалиги - Better Cotton ташаббусининг пахта етиширувчиларга атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва тиклашга ҳисса қўшган ҳолда даромад топиш ва ривожланишга ёрдам бериш борасидаги мақсадининг ажralmas қисмидир. Better Cotton ташаббуси регенератив қишлоқ хўжалиги ғоясини тарғиб қилиб, унга кўра, деҳқончилик табиат ва жамиятдан олишдан кўра, унга қайтариб бериш имкониятлари кўпроқ. Better Cotton ташаббусининг асрлар давомида маълум бўлган билим ва усувлар билан уйғунлашган регенератив қишлоқ хўжалиги тўғрисидаги ёндашувида одамлар билан табиат ўртасидаги алоқаларга кучли урғу берилиб, қишлоқ хўжалигини юритишнинг табиат учун безарап усувлари билан барқарор даромад манбалари ўртасидаги икки томонлама боғлиқлик таъкидланади.

Ушбу яхлит ёндашув орқали Better Cotton ташаббуси регенератив қишлоқ хўжалигини 2030 йилгача бўлган давр учун бўлган стратегиясига ва унинг барча мақсадли йўналишларига, жумладан, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатишга эришишнинг асосий омилларидан бири сифатида кўради, негаки қишлоқ хўжалигини юритишнинг регенератив усувлари иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг оқибатларини юмшатишга ҳам ҳисса қўшиши мумкин. Better Cotton ташаббусинингadolatli ўтишини таъминлашга интилиши ҳам юқоридаги ёндашув билан ўзаро боғлиқ. Бу - томорқа хўжаликларига ўз даромад манбаларини такомиллаштиришда кўмак кўрсатилаётганини англатиб, натижада, улар қишлоқ хўжалигини юритиш амалиётларини ўзgartириши мумкин бўлади.

Better Cotton дастурида асосий эътибор тупроқ саломатлигини яхшилаш, биологик хилма-хилликни ошириш, пестицидлардан фойдаланишни камайтириш, углерод ютилиш даражасини ошириш ва фермерлик фаолияти билан шуғулланувчиларнинг ижтимоий ва иқтисодий фаровонлигини

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Кўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

оширишга (шу жумладан, меңнат шароитлари ва ижтимоий ҳимояга муҳтож вазиятдаги ва/ёки жамиятдан четлаштирилган аёллар ва шахсларни яхшироқ қамраб олиш) қаратилади.

T&M Better Cotton ташаббусининг регенератив қишлоқ хўжалиги соҳасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-кувватлашда муҳим роль ўйнайди. Қайта кўриб чиқилган T&M га пахта етиштириладиган барча мамлакатларда долзарб бўлган регенератив қишлоқ хўжалигининг асосий тамойиллари, масалан, экинлар хилма-хиллигини (шу жумладан, агротехнологиянида) максимал даражада ошириш, тупроқка ишлов беришни минималлаштириш ҳамда тупроқ қопламини максимал даражада ошириш киритилган. Тирик илдизларни сақлаш юқоридаги учта талабнинг ажралмас қисми сифатида қаралиб, тегишли шароитларда чорвачилик соҳаси интеграцияси тарғиб қилинади. Қишлоқ хўжалигини юритиш усулларидан ташқари, Better Cotton ташаббуси T&M нинг барча мезонларида регенератив қишлоқ хўжалигига хос бўлган ижтимоий элементни киритади. Тегишли сабоқларни чиқариш ва қарорлар қабул қилиш жараёнида асос қилиб олиш мақсадида, у фермер хўжаликлари даражасидаги тадбирларда иштирок этадиган шахсларнинг турли гуруҳлари билан мунтазам ва инклюзив маслаҳатлашувлар ўтказиш тўғрисидаги талабни ўз ичига олади. Қайта кўриб чиқилган T&M га, шунингдек, муносиб меңнат ва даромад манбалари тамойилига алоқадор бўлган қатъий талаблар киритилган. Ниҳоят, унда ижтимоий ҳимояга муҳтож вазиятдаги ва/ёки жамиятдан четлаштирилган аёллар ва шахсларнинг роли, иштироқи ва эътироф этилишини кучайтиришга қаратилган бир қатор талаблар батафсил баён қилинган бўлиб, кўп ҳолатларда, айнан мана шу қатлам вакиллари энг муҳим деҳқончилик амалиётлари тўғрисидаги маълумот манбаи ва фермерлар ҳамжамиятларининг негизи ҳисобланади.

## 2.1-МЕЗОН – Тупроқ саломатлигининг яхшиланиши

### 2.1.1

#### Иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг оқибатларини юмшатиш

Экинлар хилма-хиллигини максимал даражада ошириши таъминлайдиган маҳаллий шароитлар учун долзарб бўлган усуллар жорий этилган.

ДХ  
ЎФХ  
ЙФХ

Мақсад - фермерлар қишлоқ хўжалиги ерларида экинлар хилма-хиллигини максимал даражада ошириши орқали тупроқ саломатлигини яхшилаш.

Муайян ер участкасига экилган экинларни диверсификация қилиш усуллари, жумладан, кўп йиллик экинларни экиш ёки агротехнология орқали мураккаб алмашлаб экиш, экинларни навбат билан экиш, қоплама экинлар экиш ва тирик илдиз тизимини сақлаш кабиларни ўз ичига олиши мумкин. Мазкур усуллар озуқавий моддаларнинг айланмасини яхшилашга, биологик хилма-хиллик ва тупроқ таркибидаги органик моддалар миқдорини оширишга, шунингдек, сувни сақлаш ёки дренажлаш имкониятларини такомиллаштиришга, шу жумладан тупроқ эрозияси ва сув йўқотилишининг чекланиши хизмат қилиши мумкин. Бу,

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклюзивликка содиқлик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

шунингдек, ўғитлар ва пестицидларни қўллашни оптималлаштириш ва камайтириш, тупроқнинг СО<sub>2</sub>ни сақлаш ва ушлаб қолиш имкониятларини ошириш имконини беради.

Танланган усулларда тупроқ тури, топография, иқлим, мавжуд экин турлари, ишчи кучи, маданий ва ижтимоий муносабатлар ҳамда ҳосилдорлик нуқтаи назаридан энг мос келадиган маҳаллий шароитлар ҳисобга олинини керак. Мониторинг натижалари (1-принципга қаранг), маҳаллий билимлар, синовлар жараёнида олинган маълумотлар ва/ёки малакали мутахассислар билан маслаҳатлашувлар турли усулларнинг афзалликлари ва муаммоларини тушунишни яхшилашга ёрдам бериши ва қарор қабул қилишда қўл келиши мумкин. 2.1.2 ва 2.1.3-кўрсаткичларида илгари сурилган усуллар ва Зааркунандаларга қарши курашиб бўйича қатъий ёндашувга мувофиқ бўлган усуллар бир-бирига ўхшаши ва энг яхши натижаларга эришиш учун улар ўзаро аралаштирилиб, таққосланиши мумкин.

Мазкур кўрсаткичга мувофиқ бўлиш учун Пахта этиштирувчилар вақт ўтиши билан ушбу усулларни синовдан ўтказиш ва жорий этишдаги натижаларни намойиш этиши ёки уларни максимал даражада татбиқ этиш қишлоқ хўжалигини юритишнинг бошқа табиат учун безарар усуллари билан биргаликда тупроқ саломатлигига фойда келтираётганини кўрсата олиши керак.

## 2.1.2

Қишлоқ хўжалигини юритишнинг тупроқ қопламини максимал даражада оширишни таъминлайдиган маҳаллий шароитларга мос усуллари жорий этилмоқда.

ДХ  
ЎФХ  
ЙФХ

## Иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг оқибатларини юмшатиш

Мақсад - фермерлар тупроқ устида қоплама экинлар бўлиши орқали унинг очик қолмаслигини таъминлайдиган усуллар воситасида тупроқ саломатлигини яхшилаши.

Тупроқ қопламини максимал даражада оширишга ёрдам берадиган усуллар орасида қоплама экинлар экиш, агро-ўрмончилик, кўп йиллик ўсимликларни экиш, экинлар оралаб экиш ёки мулчалаш киради. Улар тупроқнинг сувни ушлаб турish салоҳиятини кучайтириш, сув оқиб кетиши ва эрозияни камайтириш (сув ва шамол туфайли), озукавий моддалар ювилишининг олдини олиш ва биологик хилмаликни ошириш орқали (ер остидаги ва устидаги - масалан, қушлар ва

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

ҳашаротлар учун яшаш мұхитларини таъминлаш орқали) умумий тупроқ саломатлигига ҳисса құшади.

Танланған усулларда тупроқ тури, топография, иқлим, мавжуд әкін турлари, ишчи күчи, маданий ва ижтимоий динамика ҳамда ҳосилдорлик нұқтаи назаридан әнг мос келадиган маҳаллий шароитлар ҳисобга олинниши керак. Мониторинг натижалари (1-принципга қаранг), маҳаллий билимлар, синовлар жараёнида олинған маълумотлар ва/еки малакали мутахассислар билан маслаҳатлашувлар турли усулларнинг афзalліктері ва муаммоларини тушунишни яхшилашга ёрдам беріши ва қарор қабул қилишда құл келиши мүмкін. 2.1.2 ва 2.1.3-күрсаткічларда илгари сурілған усуллар ва Заарқунандаларга қарши курашиб буйича қатъий ёндашувга мувофиқ бўлған усуллар бир-бирига ўхшаши ва әнг яхши натижаларга эришиш учун улар ўзаро аралаштирилиб, таққосланиши мүмкін.

Мазкур күрсаткічга мувофиқ бўлиш учун Пахта етиштирувчилар вақт ўтиши билан ушбу усулларни синовдан ўтказиш ва жорий этишдеги натижаларни намойиш этиши ёки уларни максимал даражада табиқ этиш қишлоқ хўжалигини юритишнинг бошқа табиат учун безарар усуллари билан биргаликда тупроқ саломатлигига фойда келтираётганини кўрсата олиши керак.

### 2.1.3

Қишлоқ хўжалигининг тупроққа ишлов берішда маҳаллий шароитларга мос усуллари жорий қилиб тупроқни бузишни камайтиришни таъминлайди.

ДХ  
ҮФХ  
ЙФХ

### Иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг оқибатларини юмшатиш

Мақсад - фермерлар тупроқни бузишни минималлаштирувчи усуллар ёрдамида тупроқ саломатлигини яхшилашини таъминлаш.

Тупроққа ишлов берішни минималлаштирадиган усулларга тупроққа минимал даражада ишлов беріш, тупроққа ишлов бермасдан экиш, тупроққа зонали ишлов беріш ёки мульчалаш ва әкін қолдиқларини аралаштириб ташлаш ёки компостлаш орқали бошқариш кабилар киради. Ушбу усуллар тупроқ тузилмасини асраш ва сув динамикасини яхшилаш, тупроқ таркибидаги органик моддаларни сақлаш ва озукавий моддаларнинг айланишини яхшилашга ёрдам беради.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки түшүнчә жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланған ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” түшүнчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Танланган усулларда тупроқ тури, топография, иқлим, мавжуд экин турлари, ишчи кучи, маданий ва ижтимоий муносабатлар ҳамда ҳосилдорлик нұқтаи назаридан әнг мос келадиган маҳаллий шароитлар ҳисобга олинishi керак. Мониторинг натижалари (1-принципга қаранг), маҳаллий билимлар, синовлар жараёнида олинган маълумотлар ва/әки малакали мутахассислар билан маслаҳатлашувлар турли усулларнинг афзalлуклари ва муаммоларини тушунишни яхшилашга ёрдам бериши ва қарор қабул қилишда қўл келиши мумкин. 2.1.2 ва 2.1.3-кўрсаткичларида илгари сурилган усуллар ва Заараркунандаларга қарши курашиб бўйича қатъий ёндашувга мувофиқ бўлган усуллар бир-бирига ўхшаси ва энг яхши натижаларга эришиш учун улар ўзаро аралаштирилиб, таққосланиши мумкин.

Мазкур кўрсаткичга мувофиқ бўлиш учун Пахта этиштирувчилар вақт ўтиши билан ушбу усулларни синовдан ўтказиш ва жорий этишдаги натижаларни намойиш этиши ёки уларни максимал даражада татбиқ этиш қишлоқ хўжалигини юритишнинг бошқа табиат учун безарар усуллари билан биргаликда тупроқ саломатлигига фойда келтираётганини кўрсата олиши керак.

## 2.1.4

Фойдали жиҳатларни максимал даражада ошириш ва салбий таъсирларни камайтириш учун тупроқ ва ўсимлик эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда, ўғитларни оптимал равишда қўллашда қуйидагилар ҳисобга олинади ва танлаб олинади:

- (i) тўғри озуқа манбаи;
- (ii) тўғри миқдор;
- (iii) тўғри вақт;
- (iv) тўғри қўллаш жойи.

### ДХ ЎҒХ ЙФХ

Мақсад - органик ёки ноорганик ўғитлар қўлланган тақдирда, тупроқ ва экиннинг озуқавий эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда, томорқа хўжаликлари тўғри қарор қабул қилиши учун ўғитлардан улардан фойдаланиши оптималлаштириш.

Ўғитлар тупроқ саломатлиги, сув ва биологик хилма-хилликка таъсир қилиши мумкин бўлиб (масалан, сув билан оқиб, тупроққа сингиб кетиши орқали), ИГ ташланмаларининг асосий манбаи ҳисобланади. Шунингдек, уларнинг нархи қиммат бўлиб, устига-устак, улар инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин. Умумий узоқ муддатли мақсад ўғитларни қўллашга бўлган эҳтиёжни минималлаштирадиган табиат учун безарар дехқончилик тизимини яратиш бўлсада (шунингдек, 2.1.5-кўрсаткичга қаранг), ўғитларни қўллаш бўйича қарор қабул қилиш ва амалга оширишда ишончли маълумотларга асосланиш керак. Ўғитларни қўллаш ҳар доим тупроқ ёки ўсимликлар ҳолатини мунтазам синовдан ўтказиш ва таҳлил қилиш орқали тупроқ ва ўсимликларнинг озуқавий эҳтиёжларини

### Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклюзивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

кузатишга, идеал ҳолатда эса, ўғитларни қўллаш режасига асосланиши керак. Қарор қабул қилишда “4Т” ёндашувидан фойдаланган ҳолда қуидаги элементлар ҳисобга олиниши керак:

- Тўғри озуқа манбай: тўғри компонентлар (ортиқча азот қўлланишига йўл қўймаслик) ва тўғри турдаги ўғит (органик ўғитларга афзаллик бериш ва турли ўғитларнинг ташланма коэффициентларини ҳисобга олиш);
- Тўғри миқдор: қўлланадиган ўғит миқдори экиннинг озуқавий моддаларни ўзлаштириш имкониятига мос келиши керак;
- Тўғри вақт: мавсумий шароитлар, экинларни етиштириш босқичи ва об-ҳаво ҳисобга олиниши керак;
- Тўғри қўллаш жойи: Ўғит турига қараб, энг самарали бўлиши мумкин бўлган жойда қўлланиши керак (масалан, илдиз ёки баргга яқин жойда). Тўғри қўллаш жойи, дегандা нафақат ўсимлиқдаги тўғри жой, балки табиий яшаш муҳити ва сув ҳавзаларига яқинлик ҳам ҳисобга олиниши керак.

Ушбу Кўрсаткич фақат ўғитлар мавжуд бўлган ва фермерлар улардан фойдаланиш имкониятига эга бўлган шароитларга дахлдор эканига эътибор беринг.

Қўшимча маълумот учун:

[FAO, The International Code of Conduct for the Sustainable Use and Management of Fertilisers \(2019\)](#) (2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра).

## 2.1.5

## Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш

Ўсимлик ва тупроқнинг **озуқавий** эҳтиёжларини қондириш учун муқобил усуслар (синтетик ўғитлардан ташқари) қўлланади. Вақт ўтиши билан синтетик ўғитлардан фойдаланишни минималлаштириш чоралари кўрилмоқда.

ДХ  
ЎҒХ  
ЙФХ

Мақсад - вақт ўтиши билан фермерларнинг синтетик ўғитларга бўлган эҳтиёжи ва мазкур ўғит турининг амалда қўлланишини камайтириш учун инновациялар ва такомиллаштиришга интилишини таъминлаш.

Тупроқ унумдорлигини сақлайдиган ва яхшиладиган дехқончилик усуслари жорий этилиши ва тарғиб қилиниши даркор (шунингдек, 2.1.1-2.1.3 кўрсаткичларга тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг).

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиқлик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

қаранг). Агар озуқавий моддаларга эҳтиёж мавжуд бўлса, биринчи навбатда, органик ўғитлар ёки тупроқ тузилмасини яхшилайдиган моддаларни қўллаш кўриб чиқилиши, синтетик ўғитлар фақат охирги чора сифатида ва/ёки ҳосилдорлик билан боғлиқ энг долзарб муаммоларни ҳал қилишининг энг мақбул усули бўлгандағина қўлланиши керак. Қисқа муддатли истиқболда усулларни ўзгартириш имкони бўлмаса, Пахта етиштирувчилар синтетик ўғитлар қўллашни камайтириш бўйича узоқ муддатли режа ишлаб чиқишига асос бўладиган далил ва маълумотларни излаши лозим.

Бошқа тегишли муқобил усуллар қаторига дуккакли экинларни ёки бошқа азот тўплайдиган экинларни алмашлаб экиш, замбууруғ, бактерия ёки бошқа биологик ўғитлардан фойдаланиш, чорва молларини алмашлаб боқиш, далада кўпроқ биомасса қолдириш, вермикультурани кучайтириш, био-кўмирдан фойдаланиш ва/ёки компост ёки гўнг билан ўғитлаш каби қишлоқ хўжалигини юритишининг табиат учун безарар усуллари (шунингдек, 2.1.1-2.1.3 кўрсаткичларга қаранг) киради.

Изоҳ: Ушбу Кўрсаткич фақат ўғитлар мавжуд бўлган ва фермер хўжаликлари улардан фойдаланиш имкониятига эга бўлган шароитларга дахлдор .

## 2.2-МЕЗОН – Сув сифати ва фойдаланиш имкониятларини оптималлашиши

### 2.2.1

Суғориш самарадорлигини ошириш ва сув унумдорлигини максимал даражага кўтариш учун суғориш усуллари, технологиялари ва муддатлари режалаштирилди ва жорий этилади.

ДХ  
ЎФХ  
ЙФХ  
(фақат  
лалмикор  
ерлардаги  
фермер  
хўжаликл

Иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг оқибатларини юмшатиш.

Мақсад - суғориш усулларини танлашда маҳаллий шароитларни ҳисобга олиш, экинлар учун максимал фойда келтириш ва атроф-муҳит ва иқлимга салбий таъсиrlарни минималлаштириш.

Суғориш - экинлар ҳосилдорлигини оширишнинг асосий воситасидир. Бундан ташқари, суғориш - ортиб бораётган сув танқислиги оқибатларига қарши курашиш ва ёғингарчиллик эҳтимоли камроқ бўлган ҳамда экстремал об-ҳаво ҳодисалари даврида чидамлиликни ошириш учун иқлим ўзгаришига

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг ["Ижтимоий инклюзивликка содиклик"](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда "фермерлар" ва "ишчилар" тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

<p>ары)</p> <p><b>2.2.2</b></p> <p>Ёғингарчилик миқдори ўзгарувчанлиги, ёғиши вақті ва интенсивлігінің самарапаралық башкариш усуулариниң қўллаш.</p>	<p>ДХ ЎФХ ЙФХ (фақат лалмикор ерлардаги фермер хўжаликл ари)</p>	<p>мослашишнинг асосий чораси ҳисобланади. Шу билан бирга, суғориш ҳавзалардаги чучук сувга ҳам катта таъсир кўрсатгани, яъни сув ҳажмини камайтиргани боис самарапаралық суғориш тизимларини яратиш жуда муҳим. Самарапаралық суғориш тизимлари сувдан самарапаралық фойдаланиш ва уни тўғри вақтда қўллашга ёрдам беради. Улар, шунингдек, энергия ва/ёки бошқа ресурсларни (масалан, дизелда ишлайдиган тизимлар ўрнига қўёш энергиясида ишлайдиган суғориш тизимлари) камроқ сарфлагани боис иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатишга ҳисса қўшади.</p> <p>Суғориш усули, вақти ва технологиясини танлашда экинларнинг турли ўсиш босқичларида сувга бўлган талаби, топография, тупроқ турни ва намлиги, ёғингарчилик шакллари, сув манбай ва мавжудлиги ҳамда иқлим ўзгариши хавфи билан боғлиқ бўлган маҳаллий шароитлар ҳисобга олиниши керак. Суғоришни режалаштириш тупроққа ишлов беришнинг инфильтрация, тупроқ намлигини башкариш, сувни ушлаб туриш ва қўёш нуридан фойдаланишнинг табиат учун безарар усуулари билан ўйғунлаштирилиши керак.</p> <p><b>Иқлим ўзгаришига мослашиш</b></p> <p>Мақсад - фермерлар томонидан ёғингарчилик миқдорининг ўзгариши, жумладан, сув мавжудлиги, вақт давомидаги тақсимот шакллари ва ёғингарчилик интенсивлігінинг ўзгариши оқибатларига мослашишга ёрдам берадиган самарапаралық усуулар жорий этилишини таъминлаш.</p> <p>Сув пахта етиштиришда асосий чекловчи омилга айланиб бўлган эса-да, иқлим ўзгаришининг оқибатлари фермерлар учун ёмғир суви ҳажмининг камайиши (масалан, қурғоқчилик пайтларида), ёғингарчилик вақти (масалан, муссон ёки ёмғирлар мавсумларининг ўзгариши) ва интенсивлігі (масалан, экстремал обҳаво ҳодисалари) кўринишида қўшимча қийинчиликларни тұғдиради. Ушбу ўзгаришлар тўғрисида маълумотта эга бўлиш ва уларга мослашишга тайёр бўлиш юқори ҳосилдорликка ҳисса қўшиш билан бир қаторда, иқлим ўзгариши олдидағи чидамлиликни оширишга ҳам ёрдам беради.</p>
---	--	--

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклюзивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Ушбу Кўрсаткични муваффақиятли жорий этиш учун фермерлар ёғингарчилик миқдори, интенсивлиги ва вақтининг ўзгариши, шунингдек, инфильтрация таъсири тўғрисида хабардор бўлиши керак. Улар, шунингдек, сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш усувлари натижалари уларнинг даромад манбаларига қанчалик фойдали эканини тушуниши керак. Шароитга қараб, сув ресурсларидан самараали фойдаланиш усувлари самарали дренажни таъминлаш, сув йўқотилиши ва эрозияга қарши курашиш, ёмғир сувини суфориш мақсадларида тўплаш ва сақлаш усувлари ҳамда тупроқнинг сувни инфильтрация қилиш ва ютиш қобилиятини ошириш бўйича тадбирларни ўз ичига олиши мумкин. Имкони бўлган ва долзарб шароитда, табиатга асосланган ечимларга устунлик берилиши керак (масалан, эрозияга қарши курашиш учун цемент ўрнига агроўрмон хўжалигидан фойдаланиш). Ёмғир сувини бошқариш усувлари инфильтрация, тупроқ намлигини бошқариш, сувни ушлаб туриш ва қўёш нурининг таъсирини камайтиришга хизмат қиладиган тупроқни бошқариш усувларини тўлдириши керак.

## 2.3-МЕЗОН – Биологик хилма-хиллик ва табиий яшаш муҳитларининг сақлаш ва ҳолатини яхшиланиши

### 2.3.1

#### Иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг оқибатларини юмшатиш

Сув ҳавзаларини муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

ДХ  
ЎФХ  
ЙФХ

Мақсад - Пахта етиштирувчилар сув ҳавзаларининг аҳамиятини тушуниши, уларнинг сифати, ҳолати ва тегишли биологик хилма-хилликни дехқончилик фаoliyatinining салбий таъсиридан ҳимоя қилиш чораларини кўришини таъминлаш.

Чучук сув ҳавзаларига мавсумий ва доимий дарё, сой, қўл, ҳовуз, сувли-ботқоқ ерлар, канал ва сув омборлари киради. Улар биологик жиҳатдан бой, ўта муҳим экотизимлар бўлиб, бошқа экотизимлар ва даромад манбалари учун жуда муҳим аҳамият касб этади. Соғлом сув ҳавзалари сув оқимини бошқариш, эрозияни камайтириш ва тошқинлардан ҳимоя қилишга ёрдам беради, шунингдек, турли хил ўсимлик ва ҳайвонлар учун яшаш муҳитларини таъминлайди. Шу билан бирга, сув ҳавзалари деградация, ифлосланиш ва заҳарланишга мойил бўлиб, бу, ўз

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

навбатида, сув ҳавзаларининг умумий экотизимига, шу жумладан қишлоқ ҳўжалиги ерларига салбий таъсир кўрсатади.

Сув ҳавзаларини аниқлаш ва улардаги сув сифати, сув етарли ҳажмда бўлиши ва биологик хилма-хиллигини ҳимоя қилиш чоралари кўрилиши керак. Очиқ сув оқимлари бўйидаги табиий ўсимликлар (яъни, қиртоқ бўйи буфер зоналари) сув йўллари ва сойларни барқарорлаштириш, эрозиянинг олдини олиш ва сув сифатини ҳимоя қилиш учун ифлослантирувчи моддаларни фильтрлашда муҳим роль ўйнайди. Буфер зоналарининг кенглиги буфер функцияси (масалан, биологик хилма-хилликни асраш ёки кимёвий оқимларни фильтрлаш), буфер зонасининг нишаблиги ва дарё ёки сойнинг ўлчами билан аниқланиши керак. Баъзи мамлакатларда буфер зонаси ўлчамлари миллӣ, минтақавий ёки маҳаллий қоидалар билан белгиланади. Очиқ сув оқимлари ва сувли-ботқоқ ерларни ҳимоя қилишининг қўшимча усуулларига пестицид ва ўғитлар "қўллаш мумкин бўлмаган" зоналар, пестицидлар ва ўғитлардан хавфсиз фойдаланиш ва сақлаш (шунингдек, 3-принципга қаранг) ва дренаж сувларини фильтрлаш кабилар киради.

Ушбу чора-тадбирларга қўшимча равишда тупроқ ва сувни бошқаришнинг мақбул усууллари муҳим бўлиб қолаверади.

### 2.3.2

Табиий яшаш муҳитлари ва биологик хилма-хиллик сақланади ҳамда уларни маҳаллий ёки минтақавий устуворликларга мувофиқ вақт давомида яхшилаб бориш чоралари кўрилади.

ДХ  
ЎФХ  
ЙФХ

### Иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг оқибатларини юмшатиш

Мақсад - Пахта етиширувчилар фермер ҳўжалиги ва унинг атрофидаги асосий экотизимларни, жумладан, табиий яшаш муҳитлари ва биологик хилма-хилликни асраш ва яхшилаш учун маҳаллий даражада долзарб бўлган самарали чораларни амалга оширишини таъминлаш.

Биологик хилма-хиллик - ҳайвонлар, ўсимликлар, замбуруғлар ва микроорганизмлар - соғлом экотизимларни тартибиға солиш, узоқ муддатли экотизим хизматларига кўмаклашиш ва экотизимлар чидамлилигини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг "[Ижтимоий инклузивликка содиқлик](#)" деб номланган ҳужжатимиз ҳамда "фермерлар" ва "ишчилар" тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Пахта етиштирувчилар табиий яшаш мұхитлари ва биологик хилма-хиллик қолатини аниқлаш ва бақолашнинг самарави тизимидан фойдаланиш имкониятiga эга бўлиши керак. Бу – маҳаллий аҳоли даражасида ўзаро ҳамкорлик, хариталаш ва/ёки билимларни алмашиш соҳасидаги маҳаллий шериклар билан ҳамкорлик қилиш орқали амалга оширилиши мумкин.

Пахта етиштирувчилар ва фермерлар ўз деҳқончилик усуллари ва даромад манбаларига ўтказиладиган таъсирни билиш учун аниқланган биологик хилма-хиллик ва табиий яшаш мұхитларининг экотизим функциялари тўғрисида маълумотга эга бўлиши керак. Шунингдек, улар ўзининг деҳқончилик усуллари биологик хилма-хиллик ва табиий яшаш мұхитларининг экотизим функцияларига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги тўғрисида хабардор бўлиши керак (фермер хўжалиги ҳудуди ва ундан ташқарида, масалан, очиқ сув оқимларининг ифлосланиши орқали). Ушбу билимларга асосланган ҳолда, улар вақт давомида табиий яшаш мұхитлари ва биологик хилма-хилликни асраш ва яхшилаш учун тегишли чораларни кўриши керак. Ушбу амалиётлар чанглатувчилар учун маҳсус ажратилган майдонларни қўшиш, инвазив турлар тарқалишининг олдини олиш чоралари (Халқаро табиатни мұхофаза қилиш иттифоқи [ХТМИ]/турларнинг омон қолиш комиссияси инвазив турлар бўйича эксперт груҳи томонидан маълумот берилганидек), унумдор бўлмаган қишлоқ хўжалиги ерларида биологик хилма-хилликни қўллаб-қувватлаш, касалликлар билан ўзаро заҳарланишига йўл қўймаслиқ, тақир ерларни маҳаллий ва эндемик турлар билан қайта тиклаш ёки дараҳтлар қатори, «яшил» тўсиқлар ва ёввойи ҳайвонлар ҳаракатланувчи йўлакларини сақлаб қолиш ва боғлаш мақсадларида фойдаланиш уммекин бўлган ерларга айлантиришни ўз ичига олиши мумкин. Алоҳида эътибор юқори даражадаги мұхофаза қийматига эга бўлган ҳудудларга, шунингдек, табиатни мұхофаза қилиш нұқтаи назаридан мұхим бўлган (масалан, қўриқланадиган турлар), таҳдидлар (масалан, деҳқончилик амалиёти) олдида ҳимоясиз бўлган ёки экотизим саломатлиги ва яшаш мұхити кўрсаткичлари сирасига киритилган асосий турларга қаратилиши лозим.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Танланган тадбирлар маҳаллий ёки минтақавий устувор вазифа ва лойиҳаларга мувофиқ келиши ва, идеал ҳолатда, бошқа тегишли маҳаллий субъектлар билан ҳамкорликда амалга оширилиши керак.

Ушбу чора-тадбирларни тўлдириш учун тупроқ ва сув ресурсларини бошқаришнинг илфор усуллари ҳануз муҳим аҳамият касб этади.

Қўшимча маълумот учун:

[БМТ, Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги конвенция \(1992\) \(2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра\)](#)

[ХТМИ веб-сайти, Биологик хилма-хиллик бўйича манбалар \(2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра\)](#)

### 2.3.3

### Иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг оқибатларини юмшатиш

Экин майдонларининг деградацияга учраган қисмлари аниқланиб, вақт ўтиши билан уларни маҳаллий ёки ҳудудий устувор йўналишларга мувофиқ қайта тиклаш чоралари кўрилади.

ДХ  
ЎФХ  
ЙФХ

Мақсад - Пахта етиширувчиларнинг деградацияга учраган экин майдонларини аниқлаш ва деградация давом этишига йўл қўймаслик ҳамда уларни вақт ўтиши билан қайта тиклаш чораларини кўриш салоҳиятини таъминлаш.

Деградацияга учраган ерлар - инсон фаолияти натижасида бевосита ёки билвосита тарзда келтириб чиқарган жараёнлар натижасида ўзининг табиий унумдорлиги ёки бошқа экологик қийматларининг бир қисмини йўқотган ерлар. Пахта етишириладиган фермер хўжаликларидағи деградацияга учраган майдонлар эрозия, зичлашиш ёки шўрланиш даражаси юқори бўлган ерларни ўз ичига олиб, узоқ муддатли салбий оқибатларни, жумладан, экинлар ўсишининг секинлашиши (тупроқ саломатлигининг ёмонлашиши туфайли) ва аҳоли саломатлигининг ёмонлашишига (сув сифати ёмонлиги туфайли) олиб келиши мумкин.

Деградацияга учраган ерлар аниқланиб, бошқа майдонлардан ажралиб турадиган тарзда белгилаб чиқилиши керак. Деградация жараёни давом этишининг олдини

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклюзивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

олиш ва вақт ўтиши билан ерларни қайта тиклаш чоралари кўрилиши керак. Бунда қайта тиклаш ернинг қишлоқ хўжалиги нуқтаи-назаридан унумдорлигини ошириш ҳамда табиий экотизимларни қайта тиклаш чораларини ҳам ўз ичига олади. Тегишли ҳолатларда қайта тиклаш режалари маҳаллий ёки миңтақавий устувор йўналишлар ва лойиҳаларни тўлдириши керак.

## 2.4-МЕЗОН – Табиий экотизимлар ва юқори муҳофаза қийматига эга бўлган ҳудудларнинг асралиши

### 2.4.1

### Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш

Better Cotton ташаббусининг Ерларни ўзлаштириш бўйича намунавий ҳужжатларига мувофиқ, Пахта етиштирувчи 2019 йил 31 декабрь ёки ундан кейин табиий экотизимларни ўзлаштириш орқали ҳосил қилинган ерларда пахта етиштирилмаслигини кафолатлайди.

ДХ  
ЎФХ  
ЙФК

Мақсад - Пахта етиштирувчилар 2019 йил 31 декабрдан кейин табиий экотизимларни ўзлаштириш орқали ҳосил қилинган ерларда пахта етиштирилмаслигини таъминлаш.

Ушбу Кўрсаткични амалга ошириш учун Пахта етиштирувчилар Better Cotton ташаббусининг Ерларни ўзлаштириш бўйича намунавий ҳужжатларига мурожаат қилиш лозим.

Қўшимча маълумот учун:

[Хисобдорлик механизми ташаббуси, онлайн ресурслар \(2023 йил 7февраль ҳолатига кўра\)](#)

Better Cotton ташаббусининг Ерларни ўзлаштириш бўйича намунавий ҳужжатлари

### 2.4.2

### Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиқлик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Хар қандай ер ўзлаштирилишидан аввал табиий экотизимлар ва юқори даражадаги муҳофаза қийматига эга ҳудудлар асралышини таъминлаш мақсадида, Better Cotton ташаббусининг Ерларни ўзлаштириш таҳлили ўтказилиши керак. Бунинг натижасида кўриладиган чора-тадбирлар 1-тамойилда кўрсатилган тадбирлар ва мониторинг режалари доирасида тўлиқ амалга оширилган.

ДХ  
ЎФХ  
ЙФХ

Мақсад - Пахта етиштирувчилар томонидан табиий экотизимлар ва юқори даражадаги муҳофаза қийматига эга ҳудудлар асралышини таъминлаш мақсадида, Better Cotton ташаббусининг Ерларни ўзлаштириш таҳлили ўтказилиши керак. Бунинг натижасида кўриладиган чора-тадбирлар 1-тамойилда кўрсатилган тадбирлар ва мониторинг режалари доирасида тўлиқ амалга оширилган.

Ушбу Кўрсаткич доирасида Пахта етиштирувчилардан таклиф қилинган ҳар қандай ерни ўзлаштиришдан аввал Better Cotton ташаббусининг Ерларни ўзлаштириш таҳлилидан фойдаланиш талаб қилинади. Таҳлил ер умуман ўзлаштирилиши мумкин ёки йўқлигини аниқлаш, юқори даражадаги муҳофаза қийматига эга ҳудудлар мавжудлигини аниқлаш ва ер ўзлаштирилган тақдирда амалга оширилиши керак бўлган потенциал оқибатларни юмшатиш чораларини аниқлашга қаратилган соддлаштирилган ёндашувни ўз ичига олади (2.4.1-кўрсаткичга мувофиқ).

Таҳлил доирасида Пахта етиштирувчи ерни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай маълумот ва қарорларни ҳужжатлаштириши талаб қилинади. Таҳлил натижасида аниқланган оқибатларни юмшатиш бўйича чоралар тадбирлар ва мониторинг режалари доирасида тўлиқ амалга оширилиши ва назорат қилиниши даркор.

Қўшимча маълумот учун:

Better Cotton ташаббусининг Ерларни ўзлаштириш бўйича намунавий ҳужжатлари.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

# 3-тамойил: Ҳосилларни ҳимоя қулиш

2-тамойилда қамраб олинган табиий ресурслардан атроф-мухит учун безарар тарзда фойдаланиш ҳамда иқлим ўзгаришига қарши курашиш чоратадбирлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган мазкур тамойилда ҳосилларни ҳимоя қилишнинг иқтисодий жиҳатдан самарали бўлган ҳамда инсон саломатлиги ва атроф-мухит учун зарарли таъсир хавфини минималлаштирадиган усуллари батафсил баён қилинади. Синтетик пестицидларни қўллаш билангина чекланиб қолмасдан, ҳосилларни ҳимоя қилиш усулларидан ҳам фойдаланиш бир қатор ижобий натижалар беради. Бу орқали нафақат табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва кўпайтиришга ҳисса қўшилади, балки ҳосилдорликни ошириш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва аҳоли саломатлиги билан боғлиқ муаммолар хавфини камайтириш орқали фермерларнинг даромад манбалари мустаҳкамланади. Шуни инобатга олган ҳолда, мазкур тамойилда Заараркунандаларга қарши комплекс курашиш ёндашувини қабул қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, унинг доирасида синтетик пестицидларга бўлган эҳтиёжни камайтириш учун биологик, маданий, механик ёки жисмоний усуллар комбинацияси илгари сурилади. Шунингдек, унда қайси пестицидлардан ва қандай шароитларда фойдаланишга рухсат берилиши, шу жумладан, инсон саломатлиги ва атроф-мухитга нисбатан бўлган хатарларни камайтириш учун пестицидлар ва уларни қўллаш материаллари билан хавфсиз ишлаш талабларини баҳолаш механизми тақдим этилади.

## 3.1-МЕЗОН – Заараркунандаларга қарши комплекс курашиш стратегияси амалга оширилиши

### 3.1.1

### Иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг оқибатларини юмшатиш

Заараркунандаларга қарши комплекс курашиш (ЗҚКК) стратегияси ишлаб чиқилиб, жорий этилган ва:

- (i) 3.1.2-3.1.6-кўрсаткичларини қамраб олади;
- (ii) ЗҚКК амалиётлари тўғрисидаги хабардорликни ошириш ва уларни босқичмабосқич жорий этишга кўмаклашади;
- (iii) 1-тамойил доирасидаги тадбирлар ва мониторинг режаларини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

ДХ  
ЎФХ

Мақсад - ПЕГ раҳбарияти томонидан ЗҚКК принциплари билан уйғунлаштирилган (қўйидаги кўрсатмалар жадвалига қаранг) ва дала даражасидаги тадбирларга устувор аҳамият қаратилган заараркунандаларга қарши курашиш стратегияси ишлаб чиқилишини таъминлаш. Натижада, фермерлар вақт ўтиши билан экинларни ҳимоя қилишнинг ЗҚККга асосланган усуллари тўғрисидаги хабардорлик даражаси оширилгани ва тегишли амалиётлар жорий этилганини намойиш эта олиши керак.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Кўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қиласди.

Табиий ресурсларни атроф-муҳит учун безарар тарзда бошқариш (2-принципга қаранг) билан чамбарчас боғлиқ бўлган ЗҚҚДа ҳосилни агроэкотизимларга имкон қадар камроқ зарар келтирган ҳолда етиширишга урғу берилиб, зараркунандаларга қарши курашишнинг табиий усуслари рағбатлантирилади. ЗҚҚга асосланган ёндашувни жорий этиш нафақат атроф-муҳитга фойда келтиради, балки фермерларга ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва фойдани оширишга ёрдам беради.

ЗҚҚ стратегиясида фермерлар орасида ЗҚҚни тушуниш даражасини ошириш ва уни жорий этиш учун ИЧБнинг умумий ёндашувни тушунтирилиши керак. Ушбу стратегиянинг амалга оширилишига кўмаклашадиган махсус тадбирлар, шу жумладан маҳаллий даражада тан олинган илфор амалиётлар (масалан, тренинг, кўргазма участкалари, хабардорликни ошириш ва бошқалар) умумий тадбирлар ва мониторинг режаларининг доирасида амалга оширилиши керак (1.1.1 ва 1.1.2-кўрсаткичларда бўлгани каби).

ПЕГ раҳбарияти ЗҚҚ стратегияси қандай ишлаб чиқилгани, шу жумладан техник маслаҳатлар манбаларини тушунтириб бера олиши керак. ПЕГ раҳбарияти, шунингдек, дала даражасидаги тадбирлар умумий стратегия билан қай тарзда боғлиқлиги ва уни амалга ошириш учун фермерлар билан маълумот алмашиб қайт тарзда кечишини тушунтириб бера олиши керак.

ПЕГда камида ҳар йили кўриб чиқиладиган ва янгилаб бориладиган ҳужжатлаштирилган ЗҚҚ стратегияси мавжуд бўлиши тавсия этилади.

Қўшимча маълумот учун:

[ФАО веб-сайти, ЗҚҚ бўйича манбалар \(2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра\)](#)

[PAN UK \(Буюк Британиянинг Пестицидларга қарши курашиш бўйича харакатлар тармоғи\) веб-сайти, ЗҚҚ бўйича манбалар \(2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра\).](#)

### 3.1.2

Иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг оқибатларини юмшатиш

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Соғлом ҳосил етиширишга кўмаклашадиган, зааркунандалар популяцияси ва касалликлар кўпайишининг олдини оладиган, фойдали организмлар популяциясини сақлаб қолиш ва кўпайишишга ёрдам берадиган усуллар жорий этилмоқда.

ДХ  
ЎФХ

Мақсад - томорқа хўжаликлари, аввало, зааркунандалар томонидан заарланишнинг олдини оладиган ёки минималлаштирадиган усулларни тушуниши ва жорий етишини таъминлаш.

ЗҚҚК нуқтаи назаридан, устуворлик доимо профилактика чораларига берилиши керак, негаки улар аралашувларга бўлган эҳтиёжни камайтиради. Соғлом экинларнинг чидамлилик даражаси юқорироқ бўлиб, улар зааркунанда ва касалликлардан камроқ зарар кўради.

Соғлом экинларни кўпайишиш усулларига экин танлаш, уруғлик танлаш (шунингдек, 3.1.3-кўрсаткичда келтирилган), тупроқ, сув ва биохилма-хилликни табиат учун безарар тарзда бошқариш, тупроқни тайёрлаш ва экиш усуллари, сугориш, озуқа моддаларини бошқариш ва бегона ўтларга қарши курашиб кабилар киради (2-тамойилда кўрсатилганидек). Дала гигиенасини таъминлаш, шу жумладан экин қолдиқларини олиб ташлаш зааркунандалар популяцияси кўпайишининг олдини олишга ёрдам беради. Қишлоқ хўжалиги ерлари атрофидаги табиий яшаш мұхитларини ҳимоя қилиш, дала чегараларида ўсимликлар хилма-хиллигини ошириш ва пестицидларни эҳтиёткорлик билан танлаш ва қўллаш фойдали ҳашаротлар популяциясини кўпайишишга ёрдам беради.

ПЕГ раҳбарияти ва фермерлар экинлар саломатлиги учун қандай профилактика чораларини кўраётгани ва улардан кутилаётган самарани тушунтириб бера олиши керак.

### 3.1.3

ДХ  
ЎФХ

Фермерларга уруғлик навлари тўғрисидаги маълумотлар маҳаллий шароитларга мос келиш ҳамда зааркунанда ва/ёки касалликларнинг асосий турлари олдиаги ҳимоясизликни камайтишиш нуқтаи назаридан келиб чиқсан ҳолда тақдим этилади.

### Иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг оқибатларини юмшатиш

Мақсад - фермерлар соғлом ва чидамли ҳосил етишириш учун яхши уруғлик танлаш нақадар мұхим эканини тушунишини таъминлаш.

Маҳаллий шароитларга мос уруғлик навлари яхши ҳосил беради, маҳаллий зааркунанда ва касалликлар етказадиган заарга нисбатан чидамлироқ бўлади ва иқлим ўзгаришига мослашишга хизмат қилиши мумкин.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг “[Ижтимоий инклюзивликка содиклик](#)” деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Шу боис уруғларни танлаш ЗҚҚК ёндашувининг асосий компоненти ҳисобланади. Идеал ҳолатда, уруғлик навлари зааркунанда ва касалликларга нисбатан генетик жиҳатдан чидамлилигини ҳисобга олган ҳолда танланиши керак. Уруғнинг униб чиқиши қобилияти ҳамда бошқа физиологик хусусиятлар, масалан, уруғ пўстлоғининг қаттиқлиги зааркунандалардан заарланишнинг олдини олишга ёрдам беради.

Better Cotton ташаббуси айрим шароитларда фермерлар бозор тузилмалари, нарх ёки бошқа тўсиқлар туфайли керакли уруғларни сотиб олишда муаммоларга дуч келиши мумкинлигини эътироф этади. Улар уруғликни имкон қадар ишончли манбалардан сотиб олиши керак ёки уруғликни ўзлари етиштириши мумкин. Агар уруғлик фермер даласидаги экинлардан йиғиб олинадиган бўлса, фақат соғлом экинларнинг уруғлари танлаб олиниши керак. Касалланиш эҳтимолини камайтириш учун уруғларга ишлов бериш мумкин бўлса-да, бу жараёнда тақиқланган пестицлардан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги керак.

ПЕГ раҳбари, жойлардаги мувофиқлаштирувчилар ва ПЕГнинг бошқа ходимлари ЗҚҚК бўйича умумий ёндашуви доирасида уруғлик танлашнинг муҳимлиги ва маҳаллий даражада мавжуд бўлган уруғлик навлари ҳақидаги фикрларни тушунтира олиши керак. Фермерлар, ҳеч бўлмагандан, мос уруғлик навларининг аҳамияти ва уруғларни танлашда эътиборга олиниши керак бўлган жиҳатларни тушунтира олиши керак.

### 3.1.4

Экинларнинг саломатлиги, зааркунандалар ва фойдали организмлар даражасининг мунтазам мониторинги юритилади. Дала кузатишлари ва қарор қабул қилиш воситаларидан зааркунандаларга қарши қачон ва қай тарзда курашиб лозимлигини аниқлашда фойдаланилади.

ДХ  
ЎФХ

Мақсад - фермерлар зааркунандаларга қарши курашиб чораларини фақат ўта зарур ҳолатларда қўллаши учун самарали мониторинг ва кузатувдан фойдаланишни таъминлаш. ЗҚҚК ёндашувининг асосий концепцияси шундан иборатки, зааркунандалар борлиги уларга қарши курашиб чораларини автоматик равишда қўллаш лозим дегани эмас.

Экинларнинг ривожланиши, шу жумладан зааркунандалар ва фойдали организмларнинг тарқалганлик даражасини яқиндан кузатиб бориш тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклюзивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

зааркундалар популациясига қарши курашиш ва иқтисодий йўқотишларнинг олдини олиш учун чоралар зарур ёки йўқлиги, уларни қачон ва қай тарзда қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиш учун зарур. Фермерлар минимал даражадаги дала кузатувлари ва таҳлиллар асосида зааркундаларга қарши - индивидуал асосда ёки эксперт кўмагида - курашиш бўйича қарор қабул қилиш салоҳиятига эга бўлиши керак. Улар йиртқичлар ва зааркундалар нисбати каби тушунчаларни қўллаши ва зааркундаларга қарши кураш чоралари учун иқтисодий чегаралардан (3.1.6-кўрсаткичда изоҳланган) фойдаланиши керак.

Пестицидларни аввалдан белгиланган саналарда, кузатувлар ўтказмасдан қўллаш ушбу Кўрсаткичнинг мақсадига жавоб бермайди. Пестицидларни жуда истисно ҳолатларда аввалдан белгиланган жадвал асосида ишончли тадқиқот органининг қатъий тавсияларига асосланган ҳолда чекланган кўламда қўллашга рухсат берилиши мумкин. Жадвал асосида пуркаш ҳужжатлаширилган ва асосланган бўлиши керак.

### 3.1.5

### Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш

Фермерлар асосий зааркунанда турларига қарши курашишнинг кимёвий бўлмаган (масалан, биологик, жисмоний ва маданий) усувларидан хабардор ва улар ЗҚҚК стратегияси доирасида устувор йўналишлар ҳисобланади.

ДХ  
ЎФХ

Мақсад - фермерлар зааркундалар профилактикаси ва уларга қарши курашишнинг кимёвий бўлмаган усувлари афзалликларини тушуниши ва улардан пестицидларни қўллашдан аввал илк қадам сифатида фойдаланишини таъминлаш. Бу усувлар нафақат атроф-муҳит ва инсон саломатлиги учун яхшироқ, балки, одатда, кимёвий воситалар қўллашга нисбатан арzonроқ ҳамдир.

Зааркундаларга қарши курашнинг кимёвий бўлмаган усувлари маҳаллий шароитга мослаштирилган бўлиши ҳамда биологик, жисмоний ва маданий амалиётларнинг комбинациясини ўз ичига олиши мумкин (қўйидаги кўрсатмалар жадвалига қаранг).

ПЕГ раҳбарияти ва фермерлар асосий зааркунанда турларининг босимини аниқлай олиши, кимёвий бўлмаган усувларни қай тарзда қўллаш мумкинлигига мисоллар келтира билиши ва уларнинг пестицидларни қўллашга нисбатан

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг ["Ижтимоий инклузивликка содиклик"](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда "фермерлар" ва "ишчилар" тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

### 3.1.6

Пестицилдар фақат зааркунандалар тарқалғанлық даражасининг муайян чегарасига етганда қўлланади.

Пестицилдар қўлланганда:

- (i) Токсиклик даражаси паст бўлган фаол моддаларга афзалик берилади;
- (ii) Улар экин ўсишига қаршиликни камайтириш мақсадида танланади ва қўлланади.

ДХ  
ЎФХ

афзаликларини тушунтириб бера олиши даркор. Кимёвий бўлмаган усуллар ЗҚКК ёндашувининг асосий қисми сифатида амалга оширилиши керак.

### Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш

Мақсад - фермерлар пестициллардан фақатгина зааркунандаларнинг тарқалғанлық даражаси иқтисодий чегарага етганда (куйида тавсифланган) ва 3.1.5-кўрсаткичда бўлгани каби кимёвий бўлмаган усуллар қўллангандан кейингина фойдаланишини таъминлаш. Иқтисодий чегарага етилганда, фермерлар пестицилларни ЗҚКК принципларига мувофиқ қўллаши ва, бунда биринчи, навбатда токсиклик даражаси энг паст бўлган моддаларни танлаб, экин ўсишига қаршилик даражаси ҳамда одамлар ва атроф-муҳитга зарар етказиш хавфини минималлаштириш даркор (масалан, аниқ қўллаш ва фаол моддаларни алмаштириб қўллаш орқали).

ЗҚКК стратегиясига кўра, фермерлар зааркунандалар пайдо бўлишининг биринчи белгиларини кўриши биланоқ пестицилларни қўллаши мумкин эмас. Пахта, кўпгина экинлар сингари, зааркунандалар томонидан етказиладиган зарарнинг маълум даражасигача чидамли бўлиши ва бунда ҳосилдорликка салбий таъсир кузатилмаслиги мумкин. Бинобарин, мониторинг маълумотларига (3.1.4-кўрсаткич) асосланган ҳолда, фермер пестицилларни фақатгина зааркунандалар ҳосилга етказадиган зарар даражаси уларга қарши кураш чоралари учун кетадиган харажатлардан (иқтисодий чегара) юқорироқ даражага етганида қўллаши лозим.

Фермерлар пестицилларни малакали мутахассис ва/ёки тренинг давомида олинган йўл-йўриқ ва маслаҳатлар асосида танлаши ва қўллаши керак. Шунингдек, улар пестициллар билан ишлашда масъулиятни таъминлаши керак (3.5-мезонга қаранг). Пестицилларнинг токсиклик даражасини ёрлиқлар, қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги маслаҳат хизматлари ёки тадқиқот органларидан олинган маълумотлар ва токсик юклама кўрсаткичлари ҳисоб-китоблари асосида баҳолаш мумкин.

Қўшимча маълумот учун:

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклюзивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

[ФАО, Халқаро хулқ-атвор кодекси – Ўта хавфли пестицидлар бўйича йўрикнома \(2016 йил\) \(2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра\)](#)

[ФАО, Халқаро хулқ-атвор кодекси – Пестицидларга чидамлиликнинг олдини олиш ва бошқариш бўйича йўрикнома \(2012 йил\) \(2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра\)](#)

[Хигли, Педиго. Иқтисодий зарап даражаси тушунчалари ва улардан атроф-мухит сифатини сақлашда фойдаланиш \(1993 йил\) \(2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра\).](#)

### 3.1.7

Заараркунандаларга қарши комплекс курашиш стратегияси жорий этилган бўлиб, у:

- (i) Заараркунандалар популацияси ва касалликларнинг кўпайишини олдини олади ва фойдали организмларни сақлайди;
- (ii) Экинлар саломатлиги, заараркунандалар, касалликлар ва фойдали организмларнинг мунтазам мониторингини ўз ичига олади;
- (iii) Кимёвий бўлмаган усусларга устунлик беради;
- (iv) Пестицидлар фақат заараркунандалар тарқалганлик даражасининг белгиланган чегарасига этилганда қўлланишини назарда тутади;
- (v) Токсиклик даражаси паст бўлган фаол моддаларга устунлик беради ва пестицидлар ишлатилганда экин ўсишига қаршилик даражасини назорат қиласди.

ИФХ

Мақсад - фермер заараркунандаларга қарши курашиш бўйича ёндашуви ҳамда далада қўлланадиган экинларни ҳимоя қилиш усусларини ЗҚҚК тамойилларига мослаштиришини таъминлаш (қўйидаги кўрсатмалар жадвалида батафсил келтирилган).

Пахта етиштирувчи соғлом ҳосил етиштириш, заараркунандалар кўпайишининг олдини олиш ва фойдали организмларни қўллаб-куватлаш орқали заараркунандалар томонидан етказиладиган зарарнинг олдини олиши керак. Фермерлар заараркунандаларга қарши курашишнинг биологик, маданий ва физик усусларини билиши ва ЗҚҚК стратегиясида улардан қай тарзда фойдаланишни тушунтириб бера олиши керак.

Пестицидлар қўлланилган тақдирда, фермерлар улар синчковлик билан ўтказилган мониторинг ва иқтисодий чегаралар асосида қўлланиши ва токсиклик даражаси энг паст бўлган моддаларга афзаллик берилиши борасида далиллар келтириши керак. Фермерлар, шунингдек, фаол моддаларни алмашлаб қўллаш ва аниқ қўллаш усуслари орқали экин ўсишига қаршиликни бошқариш усусларини тушунтириб бера олиши керак.

Вақт ўтиши билан ЗҚҚК ёндашувини жорий этиш экинларнинг саломатлиги ва чидамлилигини яхшилаши ва кимёвий назорат чораларига боғлиқликни камайтириши даркор.

Иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг оқибатларини юмшатиш

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қиласди.



### **3.1-мезон бўйича раҳбарий ҳужжат: Better Cotton ташаббусининг Зааркунандаларга қарши комплекс курашиш бўйича ёндашуви**

Better Cotton ташаббуси узоқ муддатли истиқболда зааркунандалар пайдо бўлиши ёки улар келтирадиган заарнинг олдини олишга биологик назорат, яшаш муҳитларининг ўзгариши, маданий усуллар ва чидамли экин навларидан фойдаланиш каби усулларнинг комбинацияси орқали ҳисса қўшилади. Пестицидлар фақат белгиланган кўрсатмаларга мувофиқ ва зааркунандаларнинг тарқалганлик даражаси иқтисодий чегарага етганда (яъни, зааркунандалар ҳосилга етказадиган зарар уларга қарши кураш учун кетадиган харажатлардан ошганда) қўлланиши керак. Иқтисодий чегаралар зааркунандалар популяцияси ва зарар даражаси мониторингини юритиш ва баҳолаш комбинацияси орқали аниқланади. Пестицидларни танлаш ва қўллашда таъсир фақат тегишли организмга қаратилиши ҳамда одамлар, атроф-муҳит ва далада мавжуд бўлган бошқа ҳар қандай организмлар (айниқса, фойдали организмлар) учун хатарлар минималлаштирилиши керак.

#### **ЗҚККнинг асосий тамоиллари**

- Экотизимни бошқариш орқали узоқ муддатли истиқболда зааркунандалар пайдо бўлиши ва улар томонидан етказиладиган заарнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратиши**

ЗҚКК ёндашуvida ҳар қандай кураш усулларини қўллашдан аввал, зааркунандалар муаммоси юзага келмаслиги учун тегишлиchorалар кўрилиши назарда тутилади. Чоралар зааркунандалар ҳужумига бардош бера оладиган соғлом пахта навини етиштириш, касалликларга

Қачонки Тамоил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг "[Ижтимоий инклузивликка содиклик](#)" деб номланган ҳужжатимиз ҳамда "фермерлар" ва "ишчилар" тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

чидамли ўсимликлардан фойдаланиш ёки ҳашаротлар ва кемирувчиларни экинларга яқинлаштириласлик учун мўлжалланган репеллентлардан фойдаланишни ўз ичига олиши мумкин. Аниқланган зааркунандаларни шунчаки йўқ қилиш ўрнига, ЗҚҚК ёндашувига амал қилиш зааркунандалар ва уларнинг кўпайиш қобилиятига таъсир қилувчи атроф-муҳит омилларини бартараф этиш ва бошқаришни англатади.

- **Қарор қабул қилишда мониторинг натижаларидан фойдаланиш**

Мониторинг далада қайси зааркунандалар мавжудлиги, уларнинг сони ва қандай зарар келтиришини аниқлашни ўз ичига олади. Зааркунанда турини тўғри аниқлаш зааркунанда муаммо келтириши мумкини ёки йўқлигини аниқлаш ва унга қарши курашнинг энг яхши стратегиясини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Вазиятни кузатиб, зааркунанда биологияси ва унга боғлиқ бўлган атроф-муҳит омилларини ҳисобга олгандан сўнг, экинлар ушбу зааркунандага нисбатан чидамлими ёки йўқми ёки уларнинг сони назорат талаб этиладиган иқтисодий чегарадан ортиб кетганми ёки йўқлиги (яъни, зааркунандаларга қарши курашиш харажатлари ҳосилга етказиладиган иқтисодий зарар миқдоридан юқори бўлса) борасида қарор қабул қилиниши мумкин. Агар назорат зарур бўлса, мониторинг давомида тўпланган маълумотлар зааркунандаларга қарши курашиш усувлари ва вақтини белгилашда асос сифатида ишлатилиши лозим.

- **Самарадорликни ошириш учун қарши курашиш усувларининг комбинациясидан фойдаланиш**

Зааркунандаларга қарши курашишнинг энг самарали ва узоқ муддатли усули - бу алоҳида усувлардан кўра биргаликда қўлланганда яхшироқ самара берадиган усувлар комбинациясидан фойдаланишdir. Ушбу усувлар табиий ресурсларни атроф-муҳит учун безарар бошқариш усувлари билан чамбарчас боғлиқ ва ҳатто бир-бирига ўхшаш бўлиши мумкин (2-принципга қаранг). Зааркунандаларга қарши курашиш усувлари, кўпинча, қўйидаги тоифаларга бўлинади:

- **Биологик назорат**

Зааркунандалар ва уларнинг заарига қарши курашиш учун уларнинг табиий душманлари - йиртқичлар, паразитлар, патогенлар ва рақобатчилар ёрдамидан фойдаланиш. Умуртқасизлар, патоген ўсимликлар, нематодалар, бегона ўтлар ва умуртқали ҳайвонларнинг табиий душманлари кўп.

- **Маданий назорат**

Зааркунандаларнинг пайдо бўлишини, кўпайишини, тарқалишини ва омон қолишини камайтирадиган усувлар. Масалан, сугориш усувларини ўзгаририш қўзиқорин ва бегона ўтлар билан боғлиқ муаммоларни камайтириши мумкин.

- **Механик ва жисмоний назорат**

Зааркунандани тўғридан-тўғри йўқ қилиш, зааркунандаларни тўсиб қўйиш ёки зааркунанда ривожланиши учун яроқсиз муҳит яратиш усули. Механик назорат усувлари кемирувчилар учун тузоқлар қўйишни ўз ичига олса, жисмоний назорат

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Кўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

усулларига бегона ўтларга қарши курашиб учун мульчалаш, касалликнинг олдини олиш учун тупроқни буғлаш ёки қушлар ва ҳашаротлардан ҳимоя қиласидиган экранлар бўлиши мумкин.

- **Кимёвий назорат**

Пестицидлардан фойдаланиш. ЗҚҚК стратегияси доирасида пестицидлар фақат зарур ҳолатларда ҳамда самарали ва узоқ муддатли назорат учун бошқа ёндашувлар билан биргаликда қўлланади. Қўлланадиган пестицидлар самарадорлик мезонини ҳисобга олган ҳолда танланиши ва одамлар, бошқа организмлар ҳамда атроф-муҳит учун минимал хавф туғдириши керак.

### 3.2-МЕЗОН – Пестицидлар рўйхатдан ўтказилиш ва тегишлича ёрлиқни мавжудлиги

#### 3.2.1

Пестицидлар қўлланилишида фойдаланиладиган:

- (i) Камида битта миллий ёки минтақавий тилда тўғри ёрлиқланган;
- (ii) Мамлакатда пахта етиштиришда қўллаш учун рўйхатдан ўтказилган.

Пестицид аралашмалари фақат қўйидаги ҳолатларда қўлланиши мумкин:

- (i) Аралашма рўйхатдан ўтказилган бўлса; ёки
- (ii) Маҳаллий қонун-қоидаларга мувофиқ, рўйхатдан ўтказилган пестицидларнинг жойларда тайёрланадиган аралашмаларига рухсат берилган бўлса.

ДХ  
ЎФХ  
ЙФХ

Мақсад - барча пестицид турлари миллий даражада рўйхатга олиниши, аниқ ёрлиқланиши ва ҳар қандай аралашма рухсатнома асосида қўлланишини таъминлаш орқали пестицидларнинг заарли таъсирини минималлаштириш.

Рўйхатдан ўтказилган пестицидлар - бу тегишли тартибга солувчи орган томонидан муайян экин(лар)га нисбатан қўллаш билан боғлиқ хатарлар баҳолангандан ва қўллаш бўйича йўриқномалари ишлаб чиқилган пестицидлар. Расмий рўйхатдан ўтказилган пестицидлар ёрлиқларида маҳсулот хусусиятлари, қўллаш кўрсатмалари ва эҳтиёт чоралари ёки риоя этилиши керак бўлган тартиб-қоидалар тўғрисидаги муҳим маълумотлар кўрсатилади.

Пестицидлар ёрлиқлари камида битта де-факто ёки де-юре расмий миллий ёки минтақавий тилда бўлиши керак. Фермерлар ёрлиқлардаги кўрсатмаларни тушуниши ва барча пестицидлар ёрлиқлардаги кўрсатмаларга мувофиқ қўлланаётганини тасдиқлай олиши керак.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг ["Ижтимоий инклузивликка содиклик"](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда "фермерлар" ва "ишчилар" тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Пестицидлар аралашмалариға ўз ичига бир нечта фаол моддани олган тијорий маҳсулотлар, шунингдек, фермерлар томонидан фермер хўжалигининг ўзида тайёрланган аралашмаларни қўллаш ҳолатлари (масалан, пестицид коктейллари ёки баклардаги аралашмалар) киради.

Пестицидлар аралашмаларидан фойдаланиш инсон саломатлигига нисбатан бўлган хатарларни ошириши, айрим ҳолатларда алоҳида ингредиентларнинг самарадорлигини пасайтириши ёки бошқа салбий таъсиrlарга олиб келиши мумкин, негаки аралаштириладиган ингредиентлар рўйхатдан олиш жараёнида бўлгани сабабли синовдан ўтказилмайди. Пестицидлар жойларда аралаштирилганда, тегишли ҳимоя чоралари ва шахсий ҳимоя воситаларидан (ШҲВ) фойдаланиш даркор.

Зааркунандалар ва касалликларга қарши курашда қўлланадиган табиий моддалар ҳисоби юритилиши лозим бўлиб, бу рўйхатга олиш жараёни мавжуд бўлмаган мамлакатлар учун айниқса муҳим.

Қўшимча маълумот учун:

(Европа Иттифоқининг 1272/2008-сонли Регламенти (ЕС) - моддалар ва аралашмаларни таснифлаш, ёрлиқлаш ва қадоқлаш (2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра).

### 3.3-МЕЗОН – Ўта хавфли пестицидлардан фойдаланишдан фаол тарзда босқичма-босқич воз кечилиши

#### 3.3.1

Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш

Ўта хавфли пестицидлар (ЎХП), агар улар Better Cotton ташаббусининг Тақиқланган пестицидлар рўйхатига киритилган бўлса, қўлланмайди.

ДХ  
ЎФХ  
ЙФХ

Мақсад - фермерлар инсон саломатлиги ёки атроф-муҳит учун энг хавфли деб ҳисобланадиган пестицидлардан (халқаро қабул қилинган шартномалар ёки таснифлаш тизимларига мувофиқ) фойдаланишига йўл қўймаслик.

Барча пестицидлар инсон саломатлиги ва атроф-муҳит учун хавф туғдириб, шу жумладан, иқлим ўзгаришига бевосита ва билвосита ҳисса қўшади. Ушбу хавфларни атроф-муҳитга таъсирини юмшатиш чоралари ҳамда ШҲВдан

Качонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг ["Ижтимоий инклузивликка содиклик"](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда "фермерлар" ва "ишчилар" тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

фойдаланиш орқали маълум даражада камайтириш мумкин. Бироқ таъсирни юмшатиш чоралари мукаммал эмас ва айрим пестицидлар одамлар ва атрофмуҳит учун шу даражада жиддий хавф туғдирадики, улардан фойдаланишга умуман йўл қўйиб бўлмайди.

Ушбу Кўрсаткич доирасида тақиқланган деб ҳисобланган пестицидлар сирасига Стокгольм конвенциясининг А ва Б иловалари, Монреаль протоколи иловалари ёки Роттердам конвенциясининг III иловасига киритилган пестицидлар киради. Буларнинг бари - энг хавфли пестицидлар ва бирикмалардан фойдаланишга барҳам бериш ёки чеклашга қаратилган халқаро кўп томонлама шартномалар ҳисобланади. Тақиқланган пестицидларга, шунингдек, Кимёвий моддаларни таснифлаш ва ёрлиқлашнинг глобал уйғунлаштирилган тизими (ГУТ) 1 ёки 2-тоифасидаги "ўткир заҳарли" пестицидлар ёки ЖССТ таснифининг 1а ва 16 тоифасига киритилган пестицидлар ҳам киради.

Пестицидларни қўллаётганлар ЎХПлар, шунингдек, Т&Мга мувофиқ тақиқланган ёки босқичма-босқич воз кечилиши мўлжалланган ҳар қандай пестицидлар хавфидан хабардор бўлиши ва тушуниши керак. Бунга пестицидлар ёрлиқларини ўқиш бўйича тренинглар, хавфли пестицидлар рўйхатини маҳаллий тилларда тақдим этиш, пестицидлар ёрлиқларида шартли белгилардан фойдаланиш ва бошқалар киради.

Тақиқланган пестицидларнинг самарали муқобиллари бўлмаган тақдирда, Better Cotton ташаббуси истисно ҳолатларида фойдаланишнинг ўрнатилган жараёни орқали улардан истисно тариқасида фойдаланишга рухсат бериши мумкин. Истисно ҳолатларида фойдаланиш жараёни мурожаатларни қатъий ва шаффоф тарзда баҳолашни, шу жумладан самарали муқобилларни кўриб чиқиш, таъсирни юмшатиш чораларини қўллаш ҳамда вақт ўтиши билан фойдаланишни камайтириш ёки босқичма-босқич воз кечиш чораларининг кўрилишини таъминлайди. Агар муайян ҳолатларда пестицидлардан истисно сифатида фойдаланишга рухсат берилса, келишилган шартларга қатъий риоя қилиниши ва улар бўйича ҳисобот берилиши лозим.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг "[Ижтимоий инклузивликка содиклик](#)" деб номланган ҳужжатимиз ҳамда "фермерлар" ва "ишчилар" тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Қўшимча маълумот учун:

Better Cotton ташаббусининг йиғулинига тартиби  
Better Cotton ташаббусининг Тақиқланган пестицидлар рўйхати

### 3.3.2

### Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш

2028 йилга келиб, Кимёвий моддаларни таснифлаш ва ёрлиқлашнинг глобал уйғунлаштирилган тизимиға (ГУТ) мувофиқ канцероген (1а ёки 1б тоифаси), мутаген (1а ёки 1б тоифаси) ёки репротоксик (1а ёки 1б тоифаси) сифатида белгиланган пестицидларни қўллашдан босқичма-босқич воз кечиш режаси амалга оширилмоқда.

ДХ  
ЎФХ  
ЙФХ

Мақсад - Пахта етиштирувчилар ва фермерлар канцероген, мутаген ёки репротоксик (КМР) моддаларнинг инсон саломатлигига нисбатан бўлган жиддий хавф-хатарларини тушуниши ва уларни қўллашга умуман йўл қўймаслиги ёки -agar самарали муқобиллари бўлмаса - 2028 йилгача ёки ундан аввалроқ уларни қўллашдан босқичма-босқич воз кечиш учун фаол чоралар кўришини таъминлашдан.

КМР моддалари сифатида таснифланган пестицидлар инсон саломатлиги учун узоқ муддатли жиддий хавф туғдириши мумкин. Маълум ёки потенциал канцерогенлар таъсири саратон касаллигини келтириб чиқариши ёки у билан касалланиш эҳтимолини ошириши мумкин. Мутагенлар наслий ирсий нуқсонларни келтириб чиқариши ёки у билан касалланиш эҳтимоли ортишига олиб келиши мумкин. Репротоксик кимёвий моддалар таъсири репродуктив тизимга салбий таъсир кўрсатиши ва наслда нуқсонлар юзага келишига олиб келиши мумкин. Гарчи ҳимоя воситаларидан фойдаланиш (масалан, ШҲВ ва ёпиқ кабинадан пуркаш) бу хавфларни камайтириши мумкин бўлса-да, энг яхши йўл - ушбу кимёвий моддаларни қўллашга умуман йўл қўймаслик.

Пестицидларни қўллаётгандар ЎХПлар, шунингдек, Т&М га мувофиқ тақиқланган ёки босқичма-босқич воз кечилиши мўлжалланган ҳар қандай пестицидлар хавфидан хабардор бўлиши ва тушуниши керак. Бунга пестицидлар ёрлиқларини ўқиш бўйича тренинглар, хавфли пестицидлар рўйхатини маҳаллий тилларда тақдим этиш, пестицидлар ёрлиқларида шартли белгилардан фойдаланиш ва бошқалар киради.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг ["Ижтимоий инклузивликка содиклик"](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда "фермерлар" ва "ишчилар" тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Қўшимча маълумот учун:

[БМТнинг Кимёвий моддаларни таснифлаш ва ёрлиқлашнинг глобал уйғуллаштирилган тизими \(ГУТ, 9-таҳрир, 2021 йил\) \(2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра\).](#)

[ХМТнинг Эрқак ва аёлларнинг репродуктив саломатлигига нисбатан иш жойидаги таҳдидлар бўйича манбалар \(2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра\).](#)

### 3.4-МЕЗОН – Ўта хавфли пестицидлар экологик хавф-хатарларининг юмшатилиши

#### 3.4.1

Better Cotton ташаббусининг Юқори экологик хавф даражасига эга моддалар рўйхатига киритилган пестицидлар қўлланганда, экологик хавфларни минималлаштириш чоралари кўрилади.

ДХ  
ЎФХ  
ЙФХ

#### Иқлим ўзгаришига мослашиш. Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш

Мақсад - фермерлар пестицидларнинг атроф-муҳитга нисбатан бўлган салбий таъсирини тушуниши ва уни минималлаштириш чораларини кўришини таъминлаш. Якуний мақсад - пестицидлар қўлланишига умуман йўл қўймаслик ёки улардан бутунлай воз кечиш.

Better Cotton ташаббусининг Юқори экологик хавф даражасига эга моддалар рўйхати Пестицидларга қарши курашиб ҳаракати тармоғи (PAN) ЎҲПлар халқаро рўйхатининг 3-гуруҳи (Экологик токсиклик даражаси) асосида тузилган. 3-гуруҳ пестицидлари чанглатувчилар ва сув экотизимлари учун юқори хавф туғдирадиган ва ўта барқарор хусусиятларга эга (улар тупроқда, сувда ёки чўкиндига узоқ вақт сақланади) ёки ўта биоаккумулятив хусусиятларга эга (уларнинг организмда тўпланиш суръати йўқ қилинишдан кўра тезроқ бўлиб, хавф даражаси ҳам юқорироқ) пестицидлардир. Better Cotton ташаббусининг Юқори экологик хавф даражасига эга моддалар рўйхати PAN рўйхатига мувофиқ 3-гуруҳ сифатида таснифланган пестицидларни ўз ичига олиб, улар Better Cotton талабига мос пахта етиштирувчи фермерлар орасида кенг қўлланади, шу жумладан, таъсирни юмшатиш бўйича тавсия ва мисоллар.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Ушбу Кўрсаткич фақат 3.3.1-кўрсаткичга мувофиқ қўлланиши тақиқланмаган пестицидларга нисбатан амал қиласди.

Кўшимча маълумот учун:

[Пестицидларга қарши курашиш ҳаракати халқаро тармоғининг \(PAN International\) йута хавфли пестицидлар рўйхати \(2021 йил\) \(2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра\).](#)

[Буюк Британиянинг Пестицидларга қарши курашиш бўйича ҳаракатлар тармоғи \(PAN UK\) "Пестицидларнинг атроф-муҳитга тъсири" веб-саҳифаси \(2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра\).](#)

[Буюк Британиянинг Пестицидларга қарши курашиш бўйича ҳаракатлар тармоғи \(PAN UK\) "Биологик хилма-хилликни сақлаш" веб-саҳифаси \(2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра\).](#)

Better Cotton ташаббусининг Юқори экологик хавф даражасига эга моддалар рўйхати.

### Better Cotton ташаббусининг ўта хавфли пестицидларга нисбатан ёндашуви

Ўта хавфли пестицидлар (ЎХП) инсон саломатлиги ва атроф-муҳит учун жиддий хатарларни келтириб чиқарадиган ҳпестицидлардир. Экинларда қўлланадиган пестицидларнинг умумий токсиклик даражасини камайтириш ва, пировардида, ЎХПлардан фойдаланишдан воз кечиш фермерлар, **ишчилар** ва фермерлик ҳамжамиятлари вакилларининг саломатлигини ҳимоя қилиш, шу билан бирга, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш жараёнининг ажралмас қисми. ЗҚҚК стратегияси доирасида инсон саломатлиги ва атроф-муҳит учун токсиклик даражасидан келиб чиқсан ҳолда пестицидларнинг айрим турларидан фойдаланишни тақиқлаш ёки чеклаш юқоридаги мақсадларга эришиш усусларидан бири ҳисобланади. Better Cotton ташаббусининг ёндашуви, самарали муқобиллар мавжуд бўлмаган тақдирда, пестицидлардан босқичма-босқич воз кечиш билан боғлиқ бўлган муросаларни тан олади ва уларни ҳал қилишга интилади.

### ЎХПлар қай тарзда аниқланади

Одатда, ЎХПлар қуийидаги мезонлар асосида аниқланади:

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Кўшимча маълумот учун бизнинг "[Ижтимоий инклузивликка содиқлик](#)" деб номланган ҳужжатимиз ҳамда "фермерлар" ва "ишчилар" тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

- Ўткир токсиклик: Бу – модданинг бир марталик ёки қисқа муддатли таъсиридан кейин организмга заарли таъсир кўрсатиш қобилияти.
- Сурункали токсиклик: Бу - модданинг кўп марталик ёки узоқ муддатли таъсиридан кейин организмга заарли таъсир кўрсатиш қобилиягини англатади. Буларга саратон, репродуктив ёки ривожланиш билан боғлиқ муаммолар ҳамда неврологик касалликлар каби соғлиқ учун узоқ муддатли таъсиrlар киради.
- Барқарорлик: Бу - модданинг атроф-муҳит таъсирида деградацияга ёки парчаланишга қаршилик кўрсатиш ва, бинобарин, тупроқ, сув ва бошқа табиий ресурсларда узоқ муддат давомида сақланиб қолиш қобилиягини англатади.
- Биоаккумуляция ва биомагнификация: Биоаккумуляция деганда модданинг вақт ўтиши билан организмлар тўқималарида тўпланиш қобилияти тушунилса, биомагнификация - озиқ-овқат занжири бўйлаб юқорига кўтарилган сари модданинг концентрацияси ортиб бориш жараёнини англатади.
- Хавфли хусусиятлар: ЎХПлар қўшимча хавфли хусусиятларга эга бўлиши мумкин, масалан, ёнувчанлик ёки портлаш хавфи ёки хавфли қўшимча маҳсулотларни келтириб чиқариш учун бошқа кимёвий моддалар билан реакцияга киришиш.

Кўпгина мамлакатларда ЎХПларга нисбатан қатъий қоида ва назорат чоралари амал қиласа-да, ЎХПларни аниqlаш учун ишлатиладиган мезонлар меъёрий-хуқуқий база ва муайян мамлакат ёки минтақага қараб фарқ қилади. T&M да қуидаги асослардан фойдаланилади. Кўпинча, пестицидлар қуидаги рўйхатларнинг бир нечтасида келтирилишига эътибор қаратинг. Ихтиёрий стандарт сифатида, айrim ҳудудларда Better Cotton ташаббуси томонидан атроф-муҳит барқарорлигини таъминлаш борасида маҳаллий ёки миллий қоидаларга қараганда юқорироқ стандартлар белгиланиши мумкин.

- Стокгольм конвенцияси: Стокгольм конвенцияси - **турғун органик ифлослантирувчи моддаларни (ТОИМ)** ишлаб чиқариш, уларни қўллаш ва ташланмаларига барҳам бериш ёки чеклашга қаратилган юридик жиҳатдан мажбурий шартнома. ТОИМлар - атроф-муҳитда сақланиб турадиган, биоаккумуляция ва биомагнификация бўладиган ҳамда инсон саломатлиги ва атроф-муҳитга зарар етказиш хавфини туғдирадиган кимёвий моддалар. Ҳужжатнинг "А" ва "Б" иловаларида келтирилган пестицидларни қўллаш T&M га кўра тақиқланган.
- Роттердам конвенцияси: Роттердам конвенцияси - муайян хавфли кимёвий моддалар ва пестицидларнинг **халқаро савдоси** тартиблари баён этилган юридик жиҳатдан мажбурий бўлган халқаро шартнома. Унда асосий эътибор хавфли деб топилган ва Конвенция иштирокчилари томонидан тақиқланган ёки қатъий чекланган кимёвий моддалар ва пестицидларга қаратилган. Ҳужжатнинг III иловасида келтирилган пестицидлардан фойдаланиш T&M га мувофиқ тақиқланган.
- Монреаль протоколи: Монреаль протоколи - 198 мамлакат ва Евropa Иттифоқи томонидан ратификация қилинган юридик жиҳатдан мажбурий бўлган халқаро шартнома бўлиб, **озон қатламини емирувчи моддалар** ва уларнинг муқобилларидан босқичма-босқич воз кечиша қаратилган. Унинг иловаларида келтирилган пестицидлардан фойдаланиш T&Mга мувофиқ тақиқланган.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг "[Ижтимоий инклузивликка содиклик](#)" деб номланган ҳужжатимиз ҳамда "фермерлар" ва "ишчилар" тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

- ЖССТнинг 1а ва 16 синфлари:** ЖССТ кимёвий моддаларнинг инсон саломатлиги учун хавфларини аниқлайди ва баҳолайди. 1а ва 16 бандларда санаб ўтилган пестицидлар ҳақида сўз кетганда, оғиз, тери ёки нафас олиш йўли орқали таъсир қилганда ўлим ёки соғликка жиддий зарар етказиш каби **ўткир токсикликка** олиб келиши мумкин бўлган моддалар ёки аралашмалар тушунилади. Улардан фойдаланиш П&М га мувофиқ тақиқланганд.
- ГУТга мувофиқ пестицидларнинг "ўткир токсик" деб таснифланган 1- ва 2-гурухлари ва "канцероген", "мутаген" ва "репротоксик" пестицидларнинг 1а ва 16 тоифалари:** Кимёвий моддаларни таснифлаш ва ёрлиқлашнинг глобал уйғулаштирилган тизими (ГУТ) - хавфли кимёвий моддаларнинг кенг кўлами билан боғлиқ хавфларни таснифлаш ва улар тўғрисида хабар бериш учун стандартлаштирилган глобал тизим. ЖССТнинг 1а ва 16 синфларига ўхшаш ҳолда, **ўткир токсиклик ("ўткир токсиклик" синфининг 1- ва 2-тоифалари)** билан боғлиқ энг оғир хавфларни келтириб чиқарадиган кимёвий моддалар T&Mга мувофиқ тақиқланганд. 1а ёки 16 тоифасига кирувчи "канцероген", "мутаген" ёки "репротоксик" пестицидлардан 2028 йилга қадар босқичма-босқич воз кечилиши мақсад қилинган.
- Пестицидларга қарши қурашиб тармоғи (PAN)** Ўта хавфли пестицидларнинг ҳалқаро рўйхати 3-гурухи: PAN пестицидлар хавфини камайтириш бўйича тавсияларни аниқлайди ва тақдим этади. PANнинг 3-гурухи PANнинг **экологик токсиклик мезонларига** (уларнинг турғунлиги, биоаккумуляцияси ва биомагнификацияси, сув организмлари учун токсиклиги ва асаларилар учун токсиклиги ҳисобга олинган ҳолда) жавоб берадиган фаол моддаларни ўз ичига олади. Ушбу рўйхат 3.4-мезон доирасида таъсирни юмшатиш бўйича тегишли чоралар кўрилишини талаб қиласидиган пестицидларни аниқлашда ишлатилади.

Better Cotton ташаббус рўйхатларни мамлакатингизда қайси пестицидлар хавфли ҳисобланиши тўғрисидаги қўшимча маълумот билан бирга тақдим этади.

### 3.5-МЕЗОН – Пестицидлар билан муомала қилиш ва сақлашга масъулият билан ёндашиш

3.5.1		Гендер тенглиги
<p>Пестицидларни тайёрлайдиган ва қўллайдиган шахс қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:</p> <p>(i) Соғлом;</p> <p>(ii) Пестицидларни қўллаш малакасига эга ва тайёргарликдан ўтган;</p>	<b>ДХ ЎФХ ЙФХ</b>	<p>Мақсад - Пахта етиштирувчилар ва фермерлар пестицидлар билан муомала қиласидиган шахслар етарли даражада тайёргарликка эга бўлган катта ёшдаги соғлом одамлар бўлишини таъминлаш орқали инсон саломатлигига нисбатан зарарни минималлаштириш.</p>

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг "[Ижтимоий инклузивликка содиклик](#)" деб номланган ҳужжатимиз ҳамда "фермерлар" ва "ишчилар" тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

- (iii) 18 ёш ва ундан катта;
- (iv) Ҳомиладор ёки эмизикли эмас.

Эмизикли ёки ҳомиладор аёллар пестицидлар билан муомала қилиши мумкин эмас, негаки ҳимоя чоралариға риоя қилинган тақдирда ҳам ҳомила ёки бола учун хавф сақланиб қолади. Касал ёки қарчаган одамлар соғлом одамларга қараганда баҳтисиз ҳодисага дуч келиш хавфи юқоригоқ. Муайян турдаги касаллуктарга қалинган, жароҳат ёки яралари бўлган шахслар ҳам пестицид таъсиридан кўпроқ зарар кўради.

Пестицидларни қўлладиган шахслар учун маҳсус тайёргарлик ва/ёки сертификатлаш талаб қилинадиган мамлакатларда пестицидлар билан муомала қиласидиган барча шахслар тегишли малакага эга экани тўғрисидаги далиллар тақдим этилиши керак. Барча ҳолатларда Пахта етиштирувчи пестицидлар билан ким муомала қилишини, тренинг қандай ўтказилишини ва улар Кўрсаткич талаблари бажарилишини қай тарзда таъминлашини тушунира олиши керак. Тренинг ёки сертификатлаш бўйича қайдлар сақланиши керак.

Қўшимча маълумот учун:

[ФАОнинг Пестицидларни бошқариш бўйича халқаро хулқ-атвор кодекси \(2014 йил\)  
\(2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра\).](#)

[Crop Life International ташкилотининг "Масъулиятли ёндашув" веб-саҳифаси \(2023  
йил 7 февраль ҳолатига кўра\).](#)

### 3.5.2

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг ["Ижтимоий инклузивликка содиклик"](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда "фермерлар" ва "ишчилар" тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Пестицидлар билан ишлашда тегишли шахсий ҳимоя воситалари (ШҲВ) тўғри қўлланади.

ЎФХ  
ЙФХ

Мақсад - пестицидлар қўлланганда, тегишли шахсий ҳимоя воситаларидан эҳтиёткорлик билан ва изчил фойдаланиш орқали инсон саломатлигига етказиладиган зарарни камайтириш.

Одамларни пестицидлар таъсиридан ҳимоя қилишнинг энг яхши йўли - пестицидлардан бутунлай воз кечиш, улардан фойдаланиши минимал даражага тушириш ва токсиклик даражаси пастроқ турларини танлаш. Пестицидларни қўллашдан бошқа чора бўлмаган тақдирда, инсон саломатлиги учун хавфларни камайтиришга сифатли шахсий ҳимоя воситалари ёрдам бериб, бунинг учун улар тўғри кийилган ва тегишли техник хизмат кўрсатилган бўлиши керак. Пестицидлар таъсири оғиз, тери ёки нафас йўллари орқали содир бўлиши мумкин.

Пестицидлар билан муомала қиласидиган барча шахслар тегишли шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиши керак. Шунингдек, пестицидлар ёрлиқларидаги кўрсатмаларга мувофиқ қўлланиши керак. Ёрлиқлар мунтазам равишда текшириб турилиши (ҳеч бўлмаганда ҳар бир пуркаш мавсумида) ва улар билан муомала қилувчи барча шахсий ҳимоя воситаларининг аҳамияти, уларни тўғри қўллаш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича ўқитилиши керак. ШҲВнинг эскирганлиги ёки йўқлиги мунтазам текшириб турилиши ва, керак бўлганда, алмаштирилиши керак.

### 3.5.3

Минимал шахсий ҳимоя воситалари (ШҲВ) пестицидлар билан муомала қилишда тўғри қўлланиб, тананинг қуидаги қисмларини пестицидларнинг тери орқали кириши, ютилиши ва нафас йўллари орқали киришидан ҳимоя қилишни ўз ичига олади:

- (i) юз ва нафас олиш йўллари (кўзлар, қулоқ тешиклари, бурун ва бош териси);
- (ii) оёқ-қўллар (қўллар, билаклар, кафтлар, оёқлар);

ДХ

Мақсад - тегишли шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш имконияти бўлмаган шароитларда фермерлар ва ишчиларни пестицидлар таъсиридан ҳимояланишнинг минимал даражаси билан таъминлаш.

Узоқ муддатли мақсад - пестицидлардан фойдаланиши имкон қадар камайтириш ва тегишли ШҲВ мавжудлиги ва улардан фойдаланиш даражасини ошириш (3.5.4-кўрсаткичга ҳам қаранг). Шу билан бирга, мақсад - пестицидлар таъсири хавфлари тўғрисидаги хабардорликни ошириш ҳамда фермерлар ва ишчилар танасининг очик қисмларини имкон қадар ҳимоя қилиш. ШҲВ бажариладиган вазифага ҳамда мавжуд иқлим шароитига мос келиши керак.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

(iii) қорин соҳаси ва жинсий органлар қисми.

Пестицидлар билан муомала қиладиган фермер ва ишчилар пестицидларнинг терига тўкилиши, ютилиши ва нафас йўллари орқали кириши, шунингдек, кўзларга зарар етказишининг олдини олиш учун тананинг барча керакли қисмларини ёпиши керак. Материаллар сув ўтказмайдиган, тўқилмаган (пестицидларнинг ўтишига йўл қўймаслик учун), кимёвий моддаларга нисбатан чидамли бўлиши ва ҳар фойдаланишдан кейин заҳарли элементларни олиб ташлаш учун ювиладиган бўлиши керак. ШҲВ самарали бўлиши ва салбий таъсиrlар хавфини (иссиқлик стресси ёки тошмаларнинг кўпайиши каби) минималлаштириши керак. ШҲВ пестицидлар билан муомала қилишнинг барча босқичларида, жумладан идишларни очиш, пестицидларни ўтказиш, пестицидларни аралаштириш, жиҳозларни юклash, пуркаш ва жиҳозларни ювиш вақтида қўлланиши керак.

Пестицидларнинг кийимларга нисбатан таъсирининг олдини олиш учун фойдаланишдан аввал ШҲВ ювилиши ёки утилизация қилиниши ва ювиш учун ишлатилган сув ҳам тегишли тарзда утилизация қилиниши керак.

ИЧБ раҳбарияти фермер ва ишчиларни пестицидлардан фойдаланиш хавфи ва ШҲВнинг аҳамиятини тушуниш борасида қўллаб-қувватлаши, турли вазифаларни бажаришда ШҲВдан оқилона фойдаланишни тарғиб қилиши, шунингдек, ШҲВдан хўжалик даражасида фойдаланиш мониторингини юритиши (шу жумладан, масалан, иссиқлик ёки ноқулайлик туфайли доимий равиша ёпиб юрilmайдиган тананинг муайян қисмларини). Муомала қилиш ва қўллашда ноқулай, қиммат ёки маҳаллий бозордан харид қилиш имкони бўлмаган ШҲВдан фойдаланишни талаб қиладиган пестицидлардан, айниқса иссиқ иқлим шароитида, фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас.

Қўшимча маълумот учун:

[ФАО/ЖССТнинг Пестицидлар билан ишлаш ва уларни қўллашда шахсий ҳимояни таъминлаш бўйича тавсиялар - Пестицидларни бошқариш бўйича халқаро хулқ-атвор кодекси \(2020\) \(2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра\).](#)

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклюзивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

[ХМТ/ХООИ, Саломатлик, хавфсизлик ва экология: Касаба уюшмаларининг қишлоқ хўжалиги ишчилари учун ўқув қўлланмалари серияси \(2006 йил\) \(2023 йил 7 февраль холатига кўра\)](#)

[CropLife International, ШҲВ бўйича онлайн ресурслар \(видеолавҳа\) \(2023 йил 7 февраль холатига кўра\)](#)

### 3.5.4

SH

Пестицидлар билан муомала қиласидиган шахслар орасида тегишли шахсий ҳимоя воситаларидан (ШҲВ) фойдаланиш даражасини ошириш чоралари кўрилмоқда.

Гендер тенглиги

Мақсад – Пахта етиштирувчи тегишли ШҲВдан фойдаланиш имконияти ва даражасини ошириш орқали пестицидлар билан муомала қиласидиган шахслар саломатлигини яхшироқ ҳимоя қилиб боришини таъминлаш.

Минимал ШҲВдан фойдаланиш (3.5.3-кўрсаткичда бўлгани каби) пестицидларнинг зарарли таъсиридан махсус ШҲВга нисбатан сезиларли даражада камроқ ҳимоя қиласиди. Бироқ кўплаб дехқон хўжаликларида махсус ШҲВдан фойдаланиш даражаси харажатлар, фойдаланиш имконияти, ноқулайлик ва хабардорлик етишмаслиги билан боғлиқ муаммолар туфайли чекланган. Ушбу Кўрсаткич жорий бошланғич ҳолат қандай бўлишидан қатъи назар, тегишли махсус ШҲВдан фойдаланиш имконияти ва даражасини доимий ошириб боришини қўллаб-қувватлашга қаратилган.

ИЧБ раҳбарияти махсус ШҲВни жорий этиш билан боғлиқ муаммоларни, фойдаланиш имконияти ва даражасини ошириш чораларини аниқлаши ҳамда вақт ўтиши билан такомиллашиб жараёнини мониторинг қилиш тизимиға эга бўлиши керак (масалан, мазкур амалиёт фермерларнинг репрезентатив танланмаси томонидан қабул қилинишини қузатиб бориш орқали). ИЧБ раҳбарияти ушбу тадбирларни амалга оширишда Гендер масалалари бўйича етакчи ёки Гендер қўмитаси билан маслаҳатлашиши ва ҳамкорлик қилиши лозим.

### 3.5.5

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Фермер хўжалигида пестицидларни сақлаш, аралаштириш ва улар билан муомала қилиш ҳамда қўллаш ускуналарини сақлаш ва қайта ишлаш учун маҳсус жойлар ажратилган бўлиши керак. Ушбу жойлар пестицидларни сақлаш бўйича тегишли қонун ҳужжатларига тўлиқ жавоб бериши керак. Бу жойларда ювиш учун ишлатилган ва тўкиб юбориладиган сувлар ифлосланиш хавфини туғдирмаслиги учун тўлиқ утилизация қилиниши керак.

ҮФХ  
ЙФХ

Мақсад - пестицидларни сақлаш ва улар билан муомала қилиш учун масъулиятли тартиб-қоидаларни таъминлаш орқали одамлар ва атроф-муҳитга зарар етказиш хавфини камайтириш.

Пестицидлар бошқа барча моддалардан алоҳида сақланиши керак. Коррозия ёки пестицидларнинг парчаланиш хавфини камайтириш учун пестицидлар солинган идишлар об-ҳаво шароитларидан ҳимояланган ҳолда сақланиши керак. Пестицидлар рухсатсиз олинишининг олдини олиш ва улардан чиқадиган газлар хавф туғдирмаслиги учун пестицидлар хавфсиз ва яхши шамоллатиб туриладиган жойда сақланиши керак. Пестицидлар ҳеч қачон ичимлик ёки озиқ-овқат маҳсулотлари учун мўлжалланган идишларда сақланиши мумкин эмас. Агар пестицидни ўзининг маҳсус идишидан бошқа идишда сақлаш зарурияти туғилса, у ҳолда идишга аниқ ва тегишли белги қўйилиши керак.

Пестицидлар сақланадиган идишлар ва уларни қўллаш ускуналарини тозалаш фақат тегишли ШҲВни кийган ҳолда, турар-жой ва аҳоли пунктларидан, шунингдек экология нуқтаи назаридан муҳим жойлардан, хусусан, сув ҳавзалари ва очиқ сув оқимларидан узоқда амалга оширилиши керак, шунда ҳар қандай оқова сувлар сув таъминоти тизимиға тушмайди. Пестицидларни қўллайдиган шахслар пестицидлар ёки уларни қўллаш ускуналари билан муомала қилгандан сўнг қўл ювиш ва кийим алмаштириш учун маҳсус жойлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши керак.

Қўшимча маълумот учун:

[CropLife International, "Масъулиятли ёндашув" веб-саҳифаси \(2023 йил 7 февраль холатига кўра\).](#)

### 3.5.6

Агрокимёвий контейнерларни утилизация қилиш инсон саломатлиги ва атроф-муҳит учун хавфларни камайтиради. Мавжуд бўлган ҳолатларда, Фермерлар қайта ишлаш ёки таъминотчига қайтариш

ДХ  
ҮФХ  
ЙФХ

Мақсад - бўш пестицид идишларини одамлар ва атроф-муҳитга зарарни камайтирадиган тарзда сақлаш ва йўқ қилишни таъминлаш.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг "[Ижтимоий инклузивликка содиклик](#)" деб номланган ҳужжатимиз ҳамда "фермерлар" ва "ишчилар" тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

дастурларида иштирок этади.

Ишлатилгандан сўнг барча идишларни тегишли тарзда уч марта чайиб ташланиши керак (ШХВдан тўғри фойдаланиш таъминланган ҳолда). Ҳатто ювилган идишлар ҳам ҳеч қандай мақсадда қайта ишлатилмаслиги керак, негаки бу ифлосланиш ёки заҳарланишга олиб келиши мумкин.

Ишлатилган идишларни нотўғри утилизация қилиш ҳам ҳаво, тупроқ, сув ва маҳаллий экотизимларни ифлослантириши мумкин. Қайта ишлаш ёки таъминотчи томонидан қайтариб олиниш дастурлари идишларни хавфсиз утилизация қилишининг энг яхши усули ҳисобланади. Имкон бўлганда, Пахта етиштирувчилар қайта ишлаш дастурларини тарғиб қилиш ёки кенгайтириш тадбирларида иштирок этиши керак.

Қўшимча маълумот учун:

[ФАОнинг пестицидларни бошқариш бўйича халқаро хулқ-атвор кодекси – ўта хавфли пестицидлар бўйича йўриқнома \(2016\) \(2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра\).](#)

[CropLife International, "Идишларни бошқариш" веб-саҳифаси \(2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра\).](#)

### 3.5.7

Фермерлар пестицидларни қўллашнинг тегишли ва хавф даражаси камроқ усулларидан хабардор ва жорий этган.

ДХ

Мақсад - пестицидларни қўллашда тўғри ускуналар ва усуллардан фойдаланган ҳолда пестицидлар самараדורлигини максимал даражада ошириш ва зарарли таъсиrlарни минималлаштириш.

Фермерлар пестицидларни қўллашдан аввал об-ҳаво шароитларини, жумладан, шамол тезлиги ва йўналишини, ҳароратни, намликни ва атмосфера барқарорлигини қузатиши керак. Масалан, пестицидларни ёмғир ёғишидан аввал қўллаш мумкин эмас, негаки бу самараדורликни пасайтиради ва сув билан оқиб кетиш ва ифлосланиш хавфини оширади. Шунингдек, пестицидларнинг дала чегарасидан ташқарига тарқалиш хавфини ҳам ҳисобга олиш керак. Шамол ва юқори ҳарорат чегарадан ташқарига тарқалиш хавфини ошириши мумкин (негаки юқори

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг "[Ижтимоий инклузивликка содиклик](#)" деб номланган ҳужжатимиз ҳамда "фермерлар" ва "ишчилар" тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

хароратларда сув асосидаги моддалар тезроқ бұғланиб, осонроқ тарқаладиган кичик томчиларга айланади).

Пестицидларни құллаш ускунаси маълум параметрлар остида ишлаш учун мұлжалланган ва ишлатиладиган аниқ пестицид турларига мос бўлиши керак. Ускуна ҳам соз ҳолатда бўлиши, суюқлик сизиб чиқмаслиги ёки компонентлари эскирмаган бўлиши керак. Ифлосланиш хавфини камайтириш ва соз ҳолатда сақлаш учун ускуналар ҳар фойдаланишдан кейин тозаланиши керак.

Пестицидлар ва уларни құллаш ускуналари билан муомала қилганда, одамларга ва атроф-муҳитга салбий таъсир күрсатилмаслигига алоҳида эътибор берилиши керак (масалан, материалларнинг болалар қўлига тушиб қолиш хавфи, ичимлик суви учун ишлатиладиган қудуқларга тўкилиш хавфини камайтириш ва бошқалар).

Қўшимча маълумот учун:

[ФАОнинг "Пестицидларни құллаш бўйича кўрсатмалар" веб-саҳифаси \(2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра\)](#)

[ФАОнинг Пестицидларни ер юзасида құллаш бўйича мақбул амалиётлар бўйича кўрсатмалари \(2001 йил\) \(2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра\)](#)

### 3.5.8

Куйидаги талаблар бажарилған ҳолда пестицидларни құллашнинг салбий таъсирлари минималлаштирилган:

- (i) Ёрлиқлардаги талабларга риоя қилиш;
- (ii) Тегишли құллаш ускуналарини тўғри ишлатиш ва калибрлаш;
- (iii) Тегишли об-ҳаво шароитларини ҳисобга олиш;
- (iv) Заарланиш (масалан, пуркалганда ҳудуд

ЎФХ  
ЙФХ

Мақсад - пестицидларни құллашда тўғри ускуна ва усуулардан фойдаланган ҳолда пестицидлар самарадорлигини максимал даражада ошириш ва зарарли таъсирларни минималлаштириш.

Пестицидлар доим ёрлиқлардаги батафсил кўрсатмалар ёки **сотиб олинганда қўшиб бериладиган** Материаллар хавфсизлиги паспортига мувофиқ қўлланиши керак.

Заарланиш хавфи мавжуд бўлган жойларда (масалан, пуркалганда ҳудуд ташқарига тарқалиши орқали) моддаларнинг ҳудуддан ташқарига тарқалишини

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг "[Ижтимоий инклузивликка содиклик](#)" деб номланган ҳужжатимиз ҳамда "фермерлар" ва "ишчилар" тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

(v) ташқарисига тарқалиш орқали) даражаси камайтирилиб, одамлар ва атроф-муҳитга етказиладиган заарнинг олдини олиш бўйича тегишли чораларни кўриш; Пестицидлар қўллангандан кейин ҳудудга кириш тақиқланган вақт оралиқларига риоя қилиш.

камайтириш ва маҳаллий аҳоли ҳамда экотизимларни ҳар қандай салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш чоралари кўрилиши керак. Пестицидлар самолётлар ёки дронлар ёрдамида ҳаводан қўлланганда, заарланиш хавфи айниқса юқори бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда, маҳаллий аҳолига ёки экотизимларга нисбатан заарли таъсирларнинг олдини олиш учун тегишли буфер ва "қўллаш мумкин бўлмаган зоналар" ташкил этилиши керак.

Қўшимча маълумот учун:

[ФАОнинг "Пестицидларни қўллаш бўйича қўрсатмалар" веб-саҳифаси \(2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра\)](#)

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг "[Ижтимоий инклузивликка содиклик](#)" деб номланган ҳужжатимиз ҳамда "фермерлар" ва "ишчилар" тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

# 4-тамойил: Тола сифати

Тола сифати пахта харидоргирлиги ва яхши нархда сотилишининг асосий шарти ҳисобланади. Шу аснода, бу фермерларнинг даромад манбаларига ижобий таъсир кўрсатиш билан бир қаторда, бозорлардаги ишончни мустаҳкамлаш, маҳсулотнинг эътироф этилиши ва, пировардида, талабга ҳам ҳисса қўшади. Ушбу тамойил доирасида соғлом ва юқори сифатли ҳосил етиштириш ҳамда заарланиш ва ифлосланиш даражасини камайтириш мақсадида, экин экилишидан аввал, ўсиш даврида, йигим-терим ва йигим-теримдан кейинги даврларда маҳаллий шароитлар учун долзарб бўлган илғор усуllарга урғу берилади.

## 4.1-МЕЗОН – Тола сифатининг ҳимоя қилиниши ва яхшилаб борилиши

### 4.1.1

### Гендер тенглиги. Иқлим ўзгаришига мослашиш

Юқори сифатли тола етиштириш имкониятларини ошириш мақсадида, уруғлик танлаш (имкон бўлганда), экиш муддати, экиш меъёри, қатор оралиқлари, экинларнинг ўсиши ва бегона ўтларни бошқариш бўйича маҳаллий шароитларга мос илғор усуllар жорий этилмоқда.

ДХ  
ЎФХ  
ЙФХ

Мақсад - фермерлар толанинг табиий хусусиятларини яхшилашга ёрдам берадиган усуllарни кўриб чиқиши ва танлаши учун шароит яратиш.

Пахта, асосан, тола олиш мақсадида етиштирилиши боис тола сифати унинг харидоргирлиги ва юқори нархда сотилиши учун асосий шарт ҳисобланади. Пахта толасининг қиймати ундан ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган ипнинг сифатига, шунингдек, ипни ишлаб чиқариш самараదорлигига боғлиқ бўлиб, тола сифати ҳар иккала омилга ҳам катта таъсир қиласи. Пахта толасининг учта кенг кўламли характеристикаси муҳим аҳамиятга эга: толанинг табиий хусусиятлари (пишиқлик, узунлик, ингичкалик ва бир хиллик), ифлосланиш даражаси (пахта момифида топилган пахта толаси ёки пахта баргидан бошқа ҳар қандай нарса). Ушбу кўрсаткич толанинг табиий хусусиятларини яхшилашга қаратилган.

Толанинг сифати уруғлик танлашдан бошланса-да, тола сифатига деҳқончилик усуllари ҳам таъсир қилиши мумкин. Better Cotton ташаббуси тола сифати маҳаллий шароитга (иқлим, тупроқ, уруғлиқдан фойдаланиш имконияти ва бошқалар) боғлиқлигини эътироф этиб, фермерларни ўз шароитидан келиб чиқсан

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

#### 4.1.2

Заарланишнинг олдини олиш учун териш, сақлаш ва ташиш жараёнида маҳаллий шароитларга мос мақбул усууллар жорий этилмоқда.

ДХ  
ҮФХ  
ЙФХ

холда энг мақбул қарорни қабул қилишга рағбатлантиради. Мазкур ишларни бевосита бажарувчиларга – кўпинча, аёл ишчилар ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож вазиятларда ва/ёки жамиятдан четлаштирилган шахслар учун тренинглар ташкил этилиши лозим. Пахта етиштирувчи ушбу тадбирларда Гендер масалалари бўйича етакчи ёки Гендер қўмитаси билан маслаҳатлашиши ва ҳамкорлик қилиши даркор.

Мақсад - фермерлар пахта толасини ифлослантирадиган, заарланиш ва зарарни камайтирадиган усуулларни кўриб чиқиб, танлаши учун шароит яратиш.

Толанинг кўплаб хусусиятлари, масалан, узунлик ва пишиқлик, пахта ҳосилга киргунга қадар шаклланиб бўлади. Бироқ тола сифатини сақлаб қолиш ва пахта ифлосланмаслиги ёки унга зиён етмаслиги учун ҳосилни териб олиш ва йифимтеримдан кейинги бошқаришнинг илғор усууллари муҳим аҳамиятга эга. Йифимтерим муддатлари ва уни самарали ташкиллаштириш ҳамда бошқариш - ифлосланганлик даражаси, шунингдек, пахтани қадоқлаш ва сақлаш учун ишлатиладиган материаллар ва усуулларга таъсир қиласи. Полипропилен, полиэтилен ёки бошқа синтетик қоплардан фойдаланилганда, муқобил варианtlар илгари суримиши ва Пахта етиштирувчилар вақт ўтиши билан синтетик материаллардан воз кечиши керак. Пахтани сақлаш учун жой танлаш ҳам унга зиён етиши (юқори даражадаги намлик ёки ҳаддан ташқари қуруқлик натижасида юзага келиши мумкин бўлган ёнғинлар) хавфини минималлаштириш учун муҳим аҳамиятга эга.

Better Cotton ташаббуси Пахта етиштирувчиларнинг тола сифатига таъсир қилиш имкониятлари чегараланганини эътироф этади. Шу боис дефолиация ёки ташиш усууллари билан боғлиқ масалалар улар Пахта етиштирувчининг жавобгарлиги доирасида бўлсагина баҳоланади.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

# 5-тамойил: Муносиб меҳнат

Better Cotton ташаббусиadolатли ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш паҳтакорларнинг фаровонлиги ва даромад манбаларини яхшилашда энг муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблайди. Бу, шунингдек, Better Cotton ташаббуси аъзолар барқарорлигини таъминлаш борасидаги мақсадларига эришишга кўмаклашиб учун масъулиятли таъминот занжирларини тарғиб қилиш ҳамда бозорлардаги ишончни шакллантиришда ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этади. 5-тамойил замирида паҳта етиштиришни муносиб меҳнат шароитлари таъминланган, болалар меҳнати, мажбурий меҳнат, иш жойидаги таъқиблар, зўравонлик ва камситишлардан холи бўлган жараёнга айлантириш foяси жамланган. Бунга эришиш учун Тамойил доирасида фақат таъқибларга асосланган ёндашув чегарасидан чиқиб, Паҳта етиштирувчиларга меҳнат ҳуқуқлари бузилиши хавфлари ва ҳолатлари кузатиб бериладиган ва ушбу хавфлар тегишли тарзда бартараф этилиши таъминланадиган муносиб меҳнат мониторинги тизимини яратиш бўйича масъулият юкланди. Ушбу тамойил, шунингдек, муносиб меҳнат шароитларини яратиш ва мазкур масала бўйича музокаралар олиб бориш эркинлигини, шикоятларни кўриб чиқиш механизмлари ва ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш таъминланган иш муҳитини яратишга қаратилган. Энг кам иш ҳақини тўлаш ва/ёки мазкур йўналишдаги шаффофлик ва доимий тақомиллаштириш талабини киритиш орқали ушбу тамойил доирасида, шунингдек, Better Cotton ташаббусининг ишчилар кун кечириши учун зарур бўлган энг кам иш ҳақи олишини қўллаб-қувватлаш борасидаги узоқ муддатли мақсади сари илк қадам қўйилади. Ниҳоят, тамойил доирасида меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик масалалари, шу жумладан, иссиқлик стресси ва санитария-гигиена муаммоларини ҳал қилиш талаблари қамраб олинади. Тамойилнинг кенг қўламли мавзузи – кўрсаткичларга эришишда аёллар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож вазиятдаги ва/ёки жамиятдан четлаштирилган шахсларга ургу бериш талаб қилинишини эътироф этиш. Better Cotton ташаббуси ишчилар учун муносиб меҳнат шароитларини яратиш, даромад манбалари ва фаровонлигини ошириш фақатгина Паҳта етиштирувчиларнинг масъулият доираси билан чегараланмайдиган таркибий ва мураккаб мавзу эканини эътироф этади. 2030 йилгача бўлган давр учун мўлжалланган стратегияяга мувофиқ, Better Cotton ташаббуси T&M чегарасидан чиқиб, муносиб меҳнат мониторинги, уюшмаларга уюшиш ва жамоавий музокаралар ўтказиш эркинлиги, кун кечириш учун зарур бўлган энг кам иш ҳақи тўланиши ҳамда санитария-гигиена воситаларидан фойдаланиш имкониятларини яхшилаш каби соҳалардаги ишларни давом эттиришга содик қолади.

## Муносиб меҳнат тамоили бўйича кўрсатма:

Муносиб меҳнатдан (ММ) кутиладиган натижалар барча ишчиларга, шу жумладан оила аъзоларига, мавсумий, вақтинчалик ёки мигрант ишчиларга ҳамда субпудратчилар, бандлик соҳасидаги воситачилар ёки бошқа учинчи шахслар орқали ёлланган ҳар қандай ишчиларга нисбатан таалукли (шунингдек, [ишчилар таърифига](#) қаранг). [Ижтимоий инклузивликни таъминлаш борасидаги содиклигимизга](#) мувофиқ, бу жараён доимо аёл ишчилар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож вазиятдаги ва/ёки жамиятдан четлаштирилган ишчиларини қамраб олади.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

1.1.5-кўрсаткичга мувофиқ, барча Пахта етиштирувчилар тегишли меҳнат қонунчилиги ва меъёрий ҳужжатларга риоя этиши талаб қилинади. Агар мавжуд қонун ва меъёрий ҳужжатлар T&M талабларида мос келмаса, қатъийроқ талаблар тўплами қўлланилади.

Меҳнат соҳасидаги асосий тамойил ва ҳуқуқлар:

Better Cotton ташаббуси муносиб меҳнатни илгари суриб, барча **фермер ва ишчиларнинг** ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлашга интилади. Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) «Муносиб меҳнат» тушунчасини «аёл ва эркакларнинг эркинлик, тенглик, хавфсизлик ва инсон қадр-қиммати таъминланган шароитда амалга оширадиган унумдор меҳнати» сифатида таърифлайди. Better Cotton ташаббусининг муносиб меҳнатга нисбатан ёндашуви ХМТнинг ilk бор 1998 йилда қабул қилинган ва 2022 йилда сўнгги ўзгаришлар киритилган Меҳнат соҳасидаги асосий тамойил ва ҳуқуқлар тўғрисидаги декларациясида мос келади. Мазкур ҳужжат халқаро меҳнат стандартлари асосланган мезонлар борасидаги энг муҳим келишув ҳисобланади. Унда меҳнат соҳасидаги бешта асосий Тамойил келтирилган: уюшмаларга уюшиш эркинлиги ва жамоавий музокаралар ўтказиш ҳуқуқи, мажбурий меҳнатга барҳам бериш, болалар меҳнатига барҳам бериш, бандлик ва касбий камситишларга барҳам бериш, хавфсиз ва соглом меҳнат муҳити. Декларация ХМТга аъзо 187 та давлатнинг барчасига улар тегишли конвенцияларни ратификация қилган ёки қилмаганидан қатъи назар, ушбу беш йўналишдаги Тамойил ва ҳуқуқларни ҳурмат қилиш ва илгари суриш мажбуриятини юклайди.

## 5.1-МЕЗОН – Меҳнат ҳуқуқларининг бузилиш ҳавфи ва ҳолатлари самарали тизим воситасида аниқланиб, бартараф этилиши

### 5.1.1

Гендер тенглиги

Меҳнат қонунчилиги бузилиши билан боғлиқ хатар ва ҳолатларни муутазам равишда кузатиб бориш тизими мавжуд. Ушбу тизимда:

- (i) Мониторинг тизими учун масъул бўлган шахс(лар) аниқ белгиланган унинг ишлашида фермер ва ишчилар вакиллари қатнашади;
- (ii) Хатарлар аниқланганда, уларни бартараф этиш ва кучайишининг олдини олиш бўйича тезкор чоралар кўрилади.

ДХ  
ЎФХ  
ЙФХ\*

Мониторинг тизимининг мақсади - меҳнат қонунчилиги бузилиши билан боғлиқ хатар ва ҳолатларни аниқлаш ва бартараф этишини таъминлаш орқали ишчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга кўмаклашиш.

Болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат каби масалаларнинг нозик, яширин табиати ҳамда дехқончилик ишларининг норасмий тузилмаси туфайли қишлоқ ҳўялиги соҳасидаги меҳнат қонунчилигининг бузилиш ҳолатларини аниқлаш мушкул бўлиши мумкин. Ушбу Кўрсаткичнинг мақсади - талабларга риоя қилишни таъминлаш билан боғлиқ бўлган анъанавий ёндашувдан (меҳнат қонунчилиги бузилиши билан боғлиқ ҳолатларни аниқлашга қаратилган) "баҳолаш ва бартараф этиш" ёндашувига ўтиш. Ушбу ёндашувда асосий эътибор меҳнат қонунчилиги бузилиши билан боғлиқ потенциал ҳолатларнинг олдини олиш ва юмшатиш, шунингдек, аниқланган ҳар қандай ҳодисаларни бартараф этишга қаратилади.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг "[Ижтимоий инклузивликка содиклик](#)" деб номланган ҳужжатимиз ҳамда "фермерлар" ва "ишчилар" тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Мониторинг тизими ишчилар түғрисидаги маълумотлар, фермер ва ишчилар орасида ўтказиладиган сўровномалар, фокус-гурӯҳлар таркибидаги муҳокамалар, фермер хўжаликларига ташрифлар ва иш энг қизғин пайтда ишчилар билан ўтказиладиган суҳбатлар, шунингдек, манфаатдор томонлар (масалан, мактаблар, маҳаллий ҳукумат ёки маҳаллий аёллар гурӯҳлари) билан маслаҳатлашувларни ўз ичига олиши мумкин. Тизим доирасида, энг камида, мажбурий ва болалар меҳнати, камситилиш, иш жойидаги зўравонлик ва таъқиблар, уюшмаларга уюшиш эркинлиги ва жамоавий музокаралар ўтказиш, саломатлик ва хавфсизлик билан боғлиқ хатарлар кузатилиши лозим. ЎФХ ва ЙФХлардан, шунингдек, иш вақтидан ташқари ишлаш билан боғлиқ хатарларни аниқлаш учун иш вақти ва иш ҳақи, шунингдек, ҳар қандай бахтсиз ҳодисалар ҳисобини юритиш талаб этилади. Тизим доирасида одамларнинг турли гурӯҳлари, айниқса, аёллар ва ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ вазиятдаги ва/ёки жамиятдан четлаштирилган шахсларга нисбатан бор бўлган турли хатарлар ҳисобга олиниши керак.

Тизим учун масъул шахс ёки қўмита тайинланиши мумкин, лекин уларнинг таркибида ишчилар (шунингдек, ИЧБда фермерлар) ва аёллар вакиллари бўлиши даркор. ЙФХларда иштирок этиш учун ишчиларнинг танланган расмий вакили бўлиши тавсия этилади. Жисмоний шахс ёки қўмита мунтазам равишда Гендер масалалари бўйича етакчи ёки Гендер қўмитаси билан маслаҳатлашган ҳолда ҳамкорлик қилиши лозим.

Мониторинг тизимининг самарадорлиги Better Cotton ташаббуси томонидан ўтказиладиган таҳлиллар давомида баҳоланади. Бунда тизим меҳнат билан боғлиқ хатар ёки ҳолатларни аниқлай олиши, муаммони яхшилаш/тузатиш ва/ёки унинг олдини олиш бўйича самарали чоралар кўра олиши бўйича баҳоланади. Самарали ишлайдиган мониторинг тизими Пахта етиштирувчига ушбу тамойил доирасидаги барча талабларни бажаришда ёрдам беради.

\*фақат 25 нафардан зиёд ишчиси бўлган ЙФХ га тааллуқли.

## 5.1.2

Гендер тенглиги

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Барча ишчилар ўз ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ хавотирларни етказиш ва уларнинг ҳал қилинишига қаратилган холис, самарали ва хавфсиз каналлардан фойдаланиш имкониятига эга. Ушбу механизмлар доирасида шикоят киритишнинг жорий этилган, ишончли механизмларидан ёки мавжуд бўлган бошқа тизимларидан фойдаланилиши даркор.

ДХ  
ЎФХ

Мақсад - Пахта етиштирувчи Better Cotton фермер хўжаликларидағи барча ишчилар учун хавфсиз ва ишончли каналлар орқали шикоят қилиш имкониятини таъминлаши. Шикоятлар тегишли тарзда кўриб чиқилиши, текширилиши, кузатилиши ва, керак бўлганда, кейинги ёрдам учун учинчи томонларга юборилиши керак.

Шикоятларни кўриб чиқиш механизми манфаатдор томонларга арз қилиш имконини бериб, ундан, жумладан, камситилиш ёки адолатсиз иш шароитлари туфайли фойдаланиш мумкин. Шикоятларни кўриб чиқиш механизмларидан барча ишчилар (жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ вазиятдаги ва/ёки жамиятдан четлаштирилган аёллар ва шахслар) хавфсиз, маҳфий, холис, бепул тарзда ва таъқиб қилинишдан қўрқмаган ҳолда фойдаланиш имкониятига эга бўлиши керак. Самарали бўлиши учун мазкур механизм орқали киритилган шикоятлар ўз вақтида ва қониқарли тарзда ҳал этилиши таъминланиши даркор. Ишчилар аноним тарзда шикоят қилиш имкониятига эга бўлиши керак.

Шикоятлар манфаатдор томонларга салбий таъсир кўрсатадиган ҳар қандай муаммо ёки ҳолатни, жумладан, болалар меҳнати, мажбурий меҳнат, камситилиш, иш жойидаги зўравонлик ва таъқиблар, уюшмаларга уюшиш эркинлиги, номақбул меҳнат шароитлари ёки ишга ёллашнинг ноқонуний усуулларини ўз ичига олиши мумкин. Гендер масаласи билан боғлиқ шикоятлар ва уларни кўриб чиқиш механизмларидан инклюзив тарзда фойдаланиш имкониятини таъминлаш бўйича Гендер масалалари бўйича етакчи ёки Гендер қўмитаси билан маслаҳатлашилиши лозим.

Шикоятларни кўриб чиқишнинг самарали механизмлари мавжуд бўлса, ишчилар улар тўғрисида хабардор бўлган, ўқитилган ва фойдаланиш имкониятига эга бўлган тақдирдагина бу механизмлардан наф бўлади. Айрим ҳолатларда шикоятларни кўриб чиқишнинг мавжуд механизмлари самарали ишлаши учун уларни мустаҳкамлаш ёки мослаҳтириш талаб қилиниши мумкин.

Кўшимча маълумот учун:

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Кўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклюзивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

БМТнинг Тадбиркорлик ва инсон ҳуқуқлари бўйича асосий принциплари, 31- асосий Тамойил (2011 йил) (2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра).

### 5.1.3

### Гендер тенглиги

Меҳнат ҳуқуқлари бузилган тақдирда, жабрланганлар ҳимоя ва ҳуқуқларни тиклаш воситаларидан фойдаланиш имкониятига эга. Жабрланганлар шахсининг маҳфийлиги ва хавфсизлиги бутун жараён давомида таъминланади.

ДХ  
ЎФХ

Мақсад - Пахта етиштирувчи меҳнат қонунчилигини бузган тақдирда, жабрланганлар ёрдам, ҳимоя ва ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишини таъминлаш. Ҳуқуқларни тиклаш, деганда вазиятни тузатиш жараёни тушунилиб, мақсад - жабрланган шахсни имкон қадар зарар етказилгунга қадар бўлган аввалги ҳолатига қайтаришга ёрдам бериш.

Меҳнат ҳуқуқларининг бузилиши болалар меҳнати ёки мажбурий меҳнат, камситилиш, иш жойидаги зўравонлик ва таъқиб, уюшмаларга уюшиш ва жамоавий музокаралар ўтказиш эркинлигига аралашиб, номақбул меҳнат шароитлари ёки ишга ёллашнинг ноқонуний усусларини ўз ичига олади.

Шароитдан келиб чиқсан ҳолда, ҳуқуқларни тиклаш кечирим сўраш, етказилган зарарни тиклаш, реабилитация, компенсация (ҳам молиявий, ҳам молиявий бўлмаган), санкциялар ёки жазолар ва такрорланишнинг олдини олиш чораларини ўз ичига олиши мумкин.

Айрим ҳолатларда меҳнат ҳуқуқларининг бузилиши жиноий жавобгарликни келтириб чиқариб, шикоятчининг хоҳишига кўра ва маҳаллий жиноят қонунчилиги доирасида кўриб чиқилиши керак. Шикоятчи томонидан талаб қилинган ва имконият бўлган ҳар қандай ҳолатда, Пахта етиштирувчи шикоятчига ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан фойдаланишда ёрдамлашиши даркор.

Ҳуқуқий ҳимоя воситаси бевосита Пахта етиштирувчи томонидан тақдим этилмаслиги мумкин, аммо мурожаатларни ўз вақтида ва тегишлилиги бўйича йўналтириш учун чоралар кўрилиши лозим. Мавжуд бўлган тақдирда, ҳуқуқий ҳимоя воситаси билан таъминлаш учун ишончли ташкилотлар ёки тузилмалардан

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Қисқа ва узоқ муддатли ҳуқуқий ҳимоя чораларининг иккаласи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Қисқа муддатли ҳуқуқий ҳимояда эътибор бевосита етказилган зарарни бартараф этишга қаратилади. Узоқ муддатли ҳуқуқий ҳимояда эса асосий эътибор жабрланган шахсга узоқ истиқболда таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омилларни бартараф этишга ва ҳуқуқбузарлик қайта тақрорланмаслигини таъминлаш учун профилактика чораларининг кўрилишига қаратилади. Гендер билан боғлиқ ҳар қандай меҳнат ҳуқуқлари бузилиши ҳолатларида Гендер масалалари бўйича етакчи ёки Гендер қўймитаси жалб қилиниши лозим.

Кўшимча маълумот учун:

[Ergon Associates компанияси, Ҳуқуқлар тикланишини тушуниш \(2018 йил\) \(2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра\).](#)

[Ethical Trading Initiative \(ETI\) альянси, ETI асосий кодекси \(2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра\).](#)

#### 5.1.4

Гендер тенглиги

**Ишчилар** шикоятларни холис, самарали ва хавфсиз тарзда киритиш мумкин бўлган ишонч телефони ёки бошқа механизмдан фойдаланиш имкониятига эга. Меҳнат ҳуқуқлари бузилиши ҳолатларидан жабрланган ҳар қандай шахс ёрдам ва ҳимоя воситаларидан фойдаланиш имкониятига эга.

ЙФХ

Мақсад - ишчилар шикоятларни хавфсиз тарзда киритиш ва улар самарали ҳал қилинишини таъминлаш. Меҳнат ҳуқуқлари бузилиши ҳолатларидан жабрланган шахслар ўзига етказилган зарарнинг бартараф этилиши ва унга ечим топиш жараёнини назарда тутувчи ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши керак.

Шикоятларни кўриб чиқиш механизми манфаатдор томонларга шикоят киритиш имконини бериб, бу, жумладан, камситилиш ёки адолатсиз иш шароитлари туфайли салбий таъсирга учраш ҳолатларига таалуқли бўлиши мумкин. Барча **ишчилар** (жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтож вазиятдаги ва/ёки жамиятдан четлаштирилган аёллар ва шахслар) шикоятларни кўриб чиқиш механизмларидан хавфсиз, махфий, холис, бепул ва таъқиб қилинишдан қўрқмаган ҳолда фойдаланиш имкониятига эга бўлиши лозим. Самарали бўлиши учун мазкур механизм орқали киритилган шикоятлар ўз вақтида ва қониқарли тарзда ҳал

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Кўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

этилиши таъминланиши даркор. Ишчилар аноним тарзда шикоят қилиш имкониятига эга бўлиши керак.

Шароитдан келиб чиқсан ҳолда, ҳуқуқларни тиклаш кечирим сўраш, етказилган зарарни тиклаш, реабилитация, компенсация (ҳам молиявий, ҳам молиявий бўлмаган), санкциялар ёки жазолар ва такрорланишнинг олдини олиш чораларини ўз ичига олиши мумкин.

Айрим ҳолатларда меҳнат ҳуқуқларининг бузилиши жиноий жавобгарликни келтириб чиқариб, шикоятчининг хоҳишига кўра ва маҳаллий жиноят қонунчилиги доирасида кўриб чиқилиши керак. Шикоятчи томонидан талаб қилинган ва имконият бўлган ҳар қандай ҳолатда, Пахта етиштирувчи шикоятчига ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан фойдаланишда ёрдамлашиши даркор.

Шикоят киритишнинг мавжуд механизмлари, шикоят киритиш каналлари ҳамда ҳуқуқларни тиклашнинг мавжуд жараёнларидан улар самарали ва инклюзив бўлган тақдирдагина фойдаланиш мумкин. Фермер хўжалигидаги барча ишчилар шикоят киритиш механизмидан қай тарзда фойдаланишини билиши керак. Гендер билан боғлиқ ҳар қандай меҳнат ҳуқуқлари бузилиш ҳолатида Гендер масалалари бўйича етакчи ёки Гендер қўмитаси жалб қилиниши даркор.

Қўшимча маълумот учун:

[БМТнинг Тадбиркорлик ва инсон ҳуқуқлари бўйича асосий принциплари, 31-асосий Тамойил \(2011 йил\) \(2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра\).](#)

## 5.2-МЕЗОН – Фермер ва ишчилар ўз меҳнат ҳуқуқларини тушуниши

### 5.2.1

Гендер тенглиги

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклюзивликка содиқлик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Фермер ва ишчилар меңнатдаги асосий тамойил ва ҳуқуқларни тушуниб, уларга қўйидагилар киради:

- (i) Уюшмаларга бирлашиш ва жамоавий музокаралар ўтказиш эркинлиги;
- (ii) Хавфсиз ва соғлом меңнат муҳити;
- (iii) Камситилиш, зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меңнат ва болалар меңнатидан ҳимоя қилиш.

ДХ  
ЎФХ  
ЙФХ

Мақсад - муносиб меңнатни тарғиб қилиш йўлидаги асосий қадам сифатида, Пахта етиштирувчи барча ишчилар иш жойидаги асосий ҳуқуқлардан хабардор бўлишини таъминлаши. Ишчилар ўз ҳуқуқларидан хабардор бўлгач, уларни ҳимоя қилиши ва ёрдам сўраб ёки ҳуқуқий ҳимоя воситаларига мурожаат қилиши мумкин.

Ишчилар ўз ҳуқуқларини яхши тушунишини таъминлаш учун Пахта етиштирувчилар тренинглар, хабардорликни ошириш ва бошқа тадбирларни ўтказиш учун масъул. Меңнат масалалари билан шуғулланадиган ва фермер ҳужалиги ишчиларини қўллаб-қувватловчи бошқа маҳаллий ташкилотлар, шунингдек, Гендер масалалари бўйича етакчи ёки Гендер қўмитаси билан ҳамкорлик қилиш қатъий тавсия этилади.

Қўшимча маълумот учун:

[ХМТ. Меңнат соҳасидаги асосий Тамойил ва ҳуқуқлар тўғрисидаги декларация \(1998 йилда қабул қилинган ва 2022 йилда ўзгартирилган\) \(2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра\).](#)

### 5.3-МЕЗОН – Болалар меңнатига барҳам берилгани, болалар ва ёш ишчилар ҳуқуқларининг ҳимоялангани

#### 5.3.1

#### Гендер тенглиги

Болалар ва ёш ишчилар ХМТнинг 138 ва 182-сонли конвенцияларига мувофиқ ҳамда 1-расмда кўрсатилганидек, фақат хавфсиз ва ёшига мос вазифаларни бажаради.

ДХ  
ЎФХ  
ЙФХ

#### 1-расм.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Ёш оралиғи	Ишнинг мақбул табиати	Тақиқланған барча болалар учун)	(18 ёшгача бўлган
15 – 17 (муайян мамлакатларда 14-17 ёш <sup>6</sup> )  Агар давлатда ишга қабул қилишнинг минимал ёши юқорироқ бўлса, миллий даражада белгиланган минимал ёш қўлланади.	<ul style="list-style-type: none"> <li>Иш соатлари ҳафтасига кўпи билан 48 соатдан ошмайди;</li> <li>Иш хавфсиз, ёшга мос, тегишли назорат ўрнатилган ва тайёргарлик таъминланган.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Ҳар қандай турдаги хавфли иш (ўз табиати ёки иш бажариладиган шароитга кўра 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг саломатлиги, хавфсизлиги ёки ахлоқига зарар етказиши мумкин бўлса)<sup>7</sup>;</li> <li>Бола меҳнатининг энг ёмон шакллари (шу жумладан қулликнинг барча шакллари ёки қулликка ўхшаш амалиётлар, масалан, бола сотиш ва бола савдоси, қарздорлик қуллиги ва қарамлик, зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат).</li> </ul>	
13-14 (муайян мамлакатларда 12-13 ёш <sup>8</sup> )	<p>Агар миллий қонун ёки меъёрий ҳужжатларда рухсат берилган бўлса, енгил ишларни бажариш мумкин, аммо бу ишлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>ҳафтасига 14 соатдан ёки қонун ҳужжатларида белгиланган кунлик ёки ҳафталик максимал иш соатларидан ошиши мумкин эмас (қайси бирида камроқ кўрсатилган бўлса);</li> </ul>		

<sup>6</sup> Айрим мамлакатларда ишга қабул қилиш учун минимал ёш 14 (15 ёш эмас) ва енгил ишлар учун 12 ёш (13 ёш эмас) қилиб белгиланиши мумкин.

<sup>7</sup> Маҳаллий ёки миллий меъёрий ҳужжатларда хавфли ишлар учун махсус шарт-шароитлар (ёки 18 ёшгача бўлган ишчилар учун шароитлар) назарда тутилган бўлса, уларга риоя қилиниши керак.

<sup>8</sup> Айрим мамлакатларда ишга қабул қилиш учун минимал ёш 14 (15 ёш эмас) ва енгил ишлар учун 12 ёш (13 ёш эмас) қилиб белгиланиши мумкин.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиқлик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

- |  |   |  |
|--|---|--|
|  | <ul style="list-style-type: none"><li>• боланинг саломатлиги ёки ривожланишига зарар етказиши мумкин эмас (масалан, етарли дам олиш вақти таъминланиши керак);</li><li>• таълим жараёнига тўсқинлик қилиши мумкин эмас;</li><li>• барча вазифалар катталар назорати остида бажарилиши таъминланиши керак.</li></ul> |  |
|--|---|--|

### 5.3- мезон бўйича раҳбарий ҳужжат: Болалар меҳнати

Better Cotton ташаббуси фермер ва ҳамкорлари болалар меҳнатига барҳам бериш ва болалар ўз шахсияти, истеъоди, ақлий ва жисмоний қобилиятларини тўлақонли ривожлантириш учун максимал имкониятларга эга бўлишини таъминлаш тарафдори. Мазкур ёндашув ХМТнинг 1973 йилдаги Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенцияси (138-сон) ва ХМТнинг 1999 йилдаги Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисидаги конвенциясида (182-сон) мос келади. ХМТ болалар меҳнатини «болаларни болалигидан, салоҳиятидан ва қадр-қимматидан маҳрум қилувчи, жисмоний ва ақлий ривожланишига зарар етказувчи» иш дея таърифлайди. Бу – «болалар учун ақлий, жисмоний, ижтимоий ёки ахлоқий жиҳатдан хавфли ва зарарли; ва/ёки уларнинг таълим олишига тўсқинлик қиласидан» иш. Болалар уй ёки фермер хўжалигига ёки бошқа иш жойларида болалар меҳнатига жалб қилиниши мумкин. Кўплаб соҳаларда бўлгани каби, қишлоқ хўжалигига ҳам болалар меҳнатининг асосий сабаблари, кўпинча, камбағаллик ва таълим олиш имкониятининг етарли эмаслиги билан боғлиқ. Бу соҳадаги саъй-ҳаракатлар фермерлар турмуш даражасини яхшилашга қаратилган фаолият билан бирга олиб борилиб, ҳукуматлар, маҳаллий ҳамжамиятлар етакчилари ҳамда қўйи ташкилотлар билан ҳамкорликни талаб қиласиди.

Болалар пахтачилик фермер хўжаликларида бажарадиган ҳамма ишлар ҳам болалар меҳнати ҳисобланмайди ва, кўп ҳолатларда, болалар ўз оиласига муҳим ёрдам кўрсатиб, дехқончилик кўнилмаларини ўрганади. Бироқ фермер ва ишчилар бундаги фарқни аниқ тушуниши муҳим бўлиб, болалар уларнинг саломатлиги зарар етказмайдиган ёки таълим олиш жараёнига тўсқинлик қиласидан хавфсиз ва ёшига мос ишларни назорат остида бажариши керак.

Қизлар болалар меҳнатига жалб қилинган ҳолатларни аниқлаш қийинроқ бўлиши мумкин, негаки уларнинг меҳнати, кўпинча, уй ёки томорقا хўжалигига амалга оширилади. Қишлоқ жойларда уй ишларини бажариши ва турмушга бериш учун қиз болаларни мактабдан ўғил болаларга қараганда эртароқ олиб қўйишгани боис қизларнинг саводхонлиги ва малакасига салбий таъсир ўтказилади. Ушбу муаммони ҳал қилиш жараёнида Гендер масалалари бўйича етакчи ёки Гендер қўмитаси иштирок этиши даркор.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [«Ижтимоий инклузивликка содиклик»](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда «фермерлар» ва «ишчилар» тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

**Хавфли иш:** Хавфли ишлар қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган кимёвий моддалар, пестицидлар ва ўғитларни қўллаш, хавфли асбоб-ускуналардан (масалан, ўткир тиғли асбоблар) фойдаланиш, оғир материал ёки юкларни кўтариш, кўчириш, узоқ вақт ёки экстремал об-ҳаво шароитларида бажариладиган ва ҳоказо шу каби ишлар киради. Ёш ишчи томонидан бажариладиган ҳар қандай иш катталар томонидан назорат қилиниши керак. ХМТнинг 182-сонли Конвенцияси барча давлатлар томонидан ратификация қилингани боис ХМТга аъзо барча давлатлар болалар бажара олмайдиган хавфли ишлар рўйхатини белгилаб олиши шарт.

**Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари:** Болалар меҳнатининг ХМТ томонидан белгиланган энг ёмон шаклларига қўйидагилар киради:

- (а) Қулликнинг барча шакллари ёки қулликка ўхшаш амалиётлар, масалан, болани сотиш ва бола савдоси, қарздорлик қуллиги ва қарамлик, зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат, шу жумладан, қуролли можароларда фойдаланиш учун болаларни зўрлаб ёки мажбурий жалб қилиш;
- (б) Ўз табиати ёки бажариладиган шароитга кўра болаларнинг саломатлиги, хавфсизлиги ёки ахлоқига зарар етказиши мумкин бўлган иш.

Кўшимча маълумот учун:

[ХМТнинг 1973 йилдаги Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенцияси \(138-сон\) \(2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра\)](#)

[ХМТнинг 1999 йилдаги Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисидаги конвенцияси \(182-сон\) \(2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра\)](#)

[ХМТ, NATLEX меҳнат, ижтимоий хавфсизлик ва тегишли инсон ҳуқуқлари қонунчилиги маълумотлар базаси \(2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра\)](#)

#### 5.4-МЕЗОН – Мажбурий меҳнатга барҳам берилгани, ишчилар ихтиёрий тарзда ишга ёлланиши

##### 5.4- мезон бўйича кўрсатма: Мажбурий меҳнат:

ХМТнинг 1930 йилги Мажбурий меҳнат тўғрисидаги (29-сон) конвенциясининг 2.1-моддасига мувофиқ, мажбурий меҳнатга “ҳар қандай шахсдан бирон-бир жазо таҳди迪 остида бажариш талаб этиладиган иш ёки хизмат тури бўлиб, бунда ушбу шахс мазкур иш ёки хизматни бажариш учун ўзини ихтиёрий асосда таклиф қиласиди” деб таъриф берилган. Ушбу иккита асосий ўлчам - жазо таҳди迪 ва ишнинг ихтиёрий эмаслиги - ушбу Мезон доирасидаги тўртта Кўрсаткичда акс эттирилган. Улар ХМТнинг мажбурий меҳнатга доир 11 та кўрсаткичига мос келиб, асосий эътибор

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Кўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

пахта етиштириш шароитида энг кенг тарқалган хавф омиллариға қаратилған. 5.4-мезон доирасидаги ҳар бир кўрсаткич ХМТнинг мажбурий меҳнатга доир 11 та кўрсаткичи билан таққосланади.

Мажбурий меҳнат билан боғлиқ потенциал хавф-хатарлар аниқланган тақдирда, уларга қарши зудлик билан чора кўрилиши ва улар қайта пайдо бўлишининг олдини олиш учун тузатиш чоралари кўрилиши керак. Мажбурий меҳнат ҳолатлари аниқланган тақдирда, Пахта етиштирувчи ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан хавфсиз фойдаланиш имкониятини таъминлаши шарт (5.1-мезонга мувофиқ).

Қўшимча маълумот учун:

ХМТ, Мажбурий меҳнатга доир кўрсаткичлар

#### 5.4.1

Ишчилар қуидагиларни тушунган ҳолда, уларга ихтиёрий равишда розилик беради:

- (i) Ишни бошлишдан аввалги иш шартларига (оғзаки ёки ёзма келишувлар орқали);
- (ii) Иш шароитлари ёки моҳиятидаги ҳар қандай ўзгаришларга (масалан, иш вақтидан ташқари пайтда бажариладиган иш).

ДХ  
ЎФХ  
ЙФХ

Мақсад – ишчиларни ихтиёрий равишда ва адолатли тарзда ишга қабул қилиш ҳамда улар меҳнат шароитлари борасида алданиб қолмаслигини таъминлаш.

Алдаш, деганда иш берувчи дастлаб келишилган шартларни бажармаслиги ёки шартларни ишчининг розилигисиз ўзгартириши билан боғлиқ ёлғон ваъдалар тушунилади. Ёлғон ваъда асосида ишга ёллаш амалиёти ёки иш вақти, иш ҳақи тўлаш шартлари, иш моҳияти, вазифалар ёки бошқа шартларни ишчининг розилигисиз ўзгартириш - ХМТнинг мажбурий меҳнатга доир 11 та кўрсаткичидан бири ҳисобланади.

Барча ишчилар меҳнатнинг шарт-шароитларини ишни бошлишдан аввал аниқ тушуниши ва уларга ихтиёрий тарзда розилик бериш имкониятига эга бўлиши керак. Бунга ўриндошлик асосида ишлаётган ҳар қандай ишчи, масалан, оила аъзоси ўрнида меҳнат қилаётганлар ҳам киради. Идеал ҳолатда, бу шартлар ёзма (ёки расмга кўринишидаги) келишув ёки шартнома орқали белгиланиши керак (шунингдек, 5.10-мезонга қаранг). Агар буни амалга ошириш имконияти бўлмаса, улар оғзаки келишув орқали тушунтирилиши мумкин. Ёзма ёки оғзаки кўринишида бўлишидан қатъи назар, шартнома ишчи тушунадиган тилда бўлиши керак. Иш соатлари ёки маош тўлаш жадваллари каби шартларга кейинчалик киритиладиган

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

ўзгаришлар ҳам ишчилар эътиборига етказилиб, улар билан келишилиши керак керак.

Қўшимча маълумот учун:

[ХМТ, Мажбурий меҳнатга доир кўрсаткичлар: алдаш, ишчининг ҳимоясиз ҳолатини суюистеъмол қилиш \(2012 йил\) \(2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра\).](#)

#### 5.4.2

Иш берувчи ёки бошқа учинчи томон ишга ёллаш учун тўлов ёки бошқа тегишли харажатларни ишчилардан тўғридан-тўғри ёки билвосита (масалан, иш ҳақи ва нафақалардан ушлаб қолиш йўли билан) ундиrmайди.

ДХ  
ЎФХ  
ЙФХ

Мақсад – ишчилар ишга жойлашиш учун иш берувчилар ёки бошқа учинчи томонларга тўлов тўлаш натижасида уларнинг олдида қарздор бўлиб қолиш эҳтимолини камайтириш орқали ихтиёрий ва адолатли тарзда ишга ёллаш жараёнини таъминлаш.

Ишга жойлашиш учун тўлов қилган ишчи иш берувчи ёки ишга ёлловчи олдида қарздор бўлиб қолиш эҳтимоли юқорироқ бўлиши оқибатида, ишчи ишдан кетиши кийинлашиб, натижада, мажбурий ёки қарздорлик асосидаги меҳнат хавфи ошади.

Ишга ёллаш учун ундириладиган тўлов деганда тўловни бўлажак ишчининг зиммасига юклаш ёки ундириш усули, муддати ёки жойидан қатъи назар, ишчини иш билан таъминлаш ёки ишга жойлаштириш жараёнидаги ҳар қандай тўлов ёки харажат тушунилади. Қўшимча харажатлар, жумладан, йўл ҳақи, турар жой, жиҳозлар ёки маъмурий харажатларни қамраб олиши мумкин.

Қўшимча маълумот учун:

[ХМТ, Мажбурий меҳнатга доир кўрсаткичлар: ишчининг ҳимоясиз ҳолатини суюистеъмол қилиш \(2012 йил\) \(2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра\).](#)

[ХМТ, Адолатли тарзда ишга ёллаш бўйича умумий Тамойил ва амалий кўрсатмалар ҳамда ишга ёллаш учун тўлов ва қўшимча харажатлар таърифи \(2019 йил\) \(2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра\).](#)

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклюзивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

## 5.4.3

**Ишчилар** бутун иш даври давомида, яъни ишга қабул қилингандан бошлаб, то шартнома бекор бўлгунга қадар ҳеч қандай таҳдид ёки жазолаш таҳдидига дуч келмайди. Бундай таҳдидлар сирасига, жумладан, иш ҳақи ёки ҳужжатларни ушлаб туриш, ҳаракатланишни чеклаш ёки зўравонлик ишлатиш таҳди迪 кабилар киради.

ДХ  
ЎФХ  
ЙФХ

Мақсад – ишчиларни ихтиёрий асосда ва адолатли тарзда иш билан таъминлаш ҳамда уларнинг ишдан кетишини чеклаши мумкин бўлган таҳдид ёки бошқа жазо турларига йўл қўймаслик.

Таҳдидга ёки қўрқитишга учраган ишчилар меҳнат шароитлари тўғрисида шикоят қила олмаслиги, шароитларни яхшилашни талаб қила олмаслиги ёки ишдан бўшаб кета олмаслиги мумкин. Жисмоний ва жинсий зўравонлик қўрқитиш тактикаридан бири бўлиб, мажбурий меҳнатнинг яқъол кўрсаткичи ҳисобланади. Ижтимоий ҳимояга муҳтож вазиятдаги ва/ёки жамиятдан четлаштирилган аёллар ва ишчилар таҳдид ва мажбурлаш нишонига айланиш эҳтимоли юқорироқ. Ҳужжатларни ушлаб туриш - паспорт ёки шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни ўз ичига олиши мумкин бўлса, шахсий буюмларни ушлаб туриш бошқа жазо турига киради. Ишчилар, шунингдек, фермер хўжалиги ёки иш жойини ихтиёрий тарзда жисмоний, молиявий ёки руҳий чекловларсиз тарк эта олиши керак.

Ушбу Кўрсаткич мажбурий меҳнат Мезони доирасида бўлгани сабабли, унда ихтиёрий бўлмаган меҳнат шароитидаги таҳдидлар ёки жазоланишдан қўрқишга алоҳида эътибор қаратилади. Таҳдид ва жазоланишдан қўрқиш ҳолатининг борлиги доим ҳам мажбурий меҳнатга ишора қилмаслиги, лекин таъқибга тенглаштирилиши мумкинлигига эътибор қаратинг (5.9.1-кўрсаткичда ёритилган).

Қўшимча маълумот учун:

[ХМТ, Мажбурий меҳнатга доир кўрсаткичлар: ҳаракатланишни чеклаш, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни ушлаб туриш, иш ҳақини ушлаб туриш, жисмоний ва жинсий зўравонлик, қўрқитиш ва таҳдидлар, номақбул меҳнат ва яшаш шароитлари \(2012 йил\) \(2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра\).](#)

## 5.4.4

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Ишчилар оғзаки ёки ёзма келишувларга мувофиқ ишдан ихтиёрий асосда бўшаш имкониятига эга.

ДХ  
ЎФХ  
ЙФХ

Мақсад – ишчилар ихтиёрий ва адолатли тарзда ишга жойлашиши ва тузилган оғзаки ёки ёзма келишувларга (яъни, огоҳлантириш муддати билан) мувофиқ ҳар қандай шароитда ишдан ихтиёрий тарзда бўшалиши мумкинлигини таъминлаш.

Агар ишчилар ишдан ихтиёрий асосда бўшаш имкониятига эга бўлмаса, бу, кўпинча, мажбурий меҳнатнинг яққол кўрсаткичи бўлади. Ишчиларга иш берувчи ёки учинчи томон олдидағи қарзни узиш ёки бошқа сабабларга кўра ишлаб бериш мажбурияти юкланиши мумкин эмас. Қарздорлик асосидаги қуллик қишлоқ хўжалигидаги ишчиларга ҳам тааллуқли бўлиб, бунда иш берувчи ишчига ўзининг олдидағи қарзини узиши учун ишлаб бериш мажбуриятини юклаш орқали манипуляция қиласи ёки қарз миқдорини ошириб боради.

Қўшимча маълумот учун:

[ХМТ. Мажбурий меҳнатга доир кўрсаткичлар: ҳаракатланишни чеклаш, изоляция, қарздорлик асосидаги қуллик \(2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра\).](#)

## 5.5-МЕЗОН – Фермер ва ишчилар уюшмаларга бирлашиш ва жамоавий музокаралар олиб бориш эркинлиги ҳуқуқига эга бўлиши

### 5.5.1

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Фермер ва ишчилар ташкилотлар тузиш ёки ўзлари танлаган ташкилотга қўшилиш ҳамда ташқаридан аралашиб ва таҳдидларсиз жамоавий музокаралар олиб бориш ҳуқуқига эгалиги тўғрисида хабардор қилинган.

Самарали жамоавий музокаралар асосида келишилган барча шартларга ҳар икки томон риоя қиласди.

ДХ  
ЎФХ  
ЙФХ

Мақсад - барча фермер ва ишчилар ўз ҳуқуқларини илгари суриш ва ҳимоя қилиш учун аввалдан рухсат олмасдан ташкилот тузиш ёки бирон ташкилотга қўшилиш ҳуқуқига эга бўлишини таъминлаш. Бундай ташкилотлар эркин ва мустақил тарзда фаолият юритишига имкон берилиши керак.

«Жамоавий музокаралар», деганда фермерлар ёки ишчилар гурӯҳи (ёки фермерлар ёки ишчилар ташкилотлари) билан бир ёки бир нечта иш берувчи/концессия/кластер ёки уларнинг ташкилоти ўртасидаги барча музокаралар тушунилади. Бундай музокаралар бир нечта мақсадларга, шу жумладан, меҳнат шароитлари, меҳнат шартлари (масалан, иш ҳақи, иш вақти, ўқитиш, тенг муносабат ва техника хавфсизлиги ва меҳнат гигиенаси) ва / ёки нархларга (фермерларга тааллуқли) қаратилган бўлиши мумкин. Бундан ташқари, музокараларда ҳар икки томон ўртасидаги муносабатлар, шу жумладан, низоларни ҳал қилиш қоидалари ва тартиб-таомиллари келишиб олиниши мумкин.

Ишчилар ташкилотлари, шунингдек, уюшмалар ёки бошқа тузилмалар шаклида бўлиши мумкин.

Қўшимча маълумот учун:

[ХМТ. Бирлашмалар эркинлиги ва бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция, 1948 йил \(87-сон\) \(2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра\).](#)

[ХМТ. Жамоавий музокараларни олиб бориш тўғрисидаги конвенция, 1981 йил \(154-сон\) \(2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра\).](#)

## 5.5.2

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Ташкилот тузиш, уларга қўшилиш ёки жамоавий музокаралар олиб бориш билан боғлиқ ҳолатларда ишчиларга нисбатан ҳеч қандай аралашув, камситиш ёки таъқибларга йўл қўйилмайди.

ДХ  
ЎФХ  
ЙФХ

Мақсад – ишчиларнинг ишчилар ташкилотлари фаолияти ва (ёки) жамоавий музокараларда эрkin ва хавфсиз иштирокини таъминлаш. Ишчилар бундай иштирок натижасидаги адолатсиз ва салбий оқибатлардан ҳимояланган бўлиши керак. Пахта етиштирувчи ишчилар томонидан уларнинг бирлашиш ва/ёки жамоавий музокаралар олиб бориш эркинликларига тўсқинлик қиласди деб ҳисобланадиган очиқ ёки яширин фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас.

Ишчилар ташкилотларининг фаолияти ўз низом ва қоидаларини ишлаб чиқиш, ўз вакилларини эрkin сайлаш, ташкилот бошқарувини ташкил этиш ва дастурларини ишлаб чиқиш, шу жумладан, йиғилишлар ва кампанияларни ўз ичига олиши мумкин. Бундай фаолиятга аралашиш ишчиларга ташкилотга қўшилмаслик учун рағбатлантириш таклиф қилиш/пора бериш, ишчиларни ташкилот аъзолигидан чиқишга ёки қўшилишни рад этишга мажбурлаш ҳамда ишчилар ташкилотининг йиғилишлари ёки сайловлар пайтидаги кузатув кўрининшида бўлиши мумкин. Ишчиларни ташкилотдаги иштироки билан боғлиқ ҳолда камситиш ва таъқиб қилиш, деганда ҳаддан ташқари қатъий жазо чоралари, масалан, шартноманинг бекор қилиниши, мажбурий тарзда бошқа ишга ўтказиш ёки бошқа мажбуровчи ҳаракатлар, жарима қўллаш таҳди迪 ва амалда жаримага тортиш (яъни, иш ҳақининг камайтирилиши ёки иш вақтидан ташқари пайтда ҳаддан ташқари кўп ишлатиш) назарда тутилади.

Ишчилар ташкилотларининг миллий ёки халқаро федерация ва конфедерацияларга қўшилиш ҳуқуқи ҳамда улар орқали олиб борилган музокаралар натижасида келишилган жамоавий музокаралар шартларига риоя қилиш ҳуқуқи қўллаб-қувватланади ва эътироф этилади.

Маҳаллий қонунларга мувофиқ ишчилар ташкилотлари фаолияти тақиқланган мамлакатларда Пахта етиштирувчилар ишчилар ташки аралашув, камситилиш ёки таъқиб қилинишдан қўрқмаган ҳолда ўз вакиллигининг муқобил воситаларини излаш имкониятини таъминлаш учун жавобгар. Ишчилар вакиллигининг ушбу муқобил воситалари маҳаллий қонунларга риоя қилинишини таъминлаш баробарида, ишчиларга иш берувчи билан самарали мулокот механизмига эга бўлиш имконини яратиши лозим.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

## 5.6-МЕЗОН – Мәннат амалиётида ҳеч қандай камситиш йўқлиги

### 5.6.1

Гендер тенглиги

Мәннат амалиётида, шу жумладан, ишга олиш, вазифаларни бажариш, иш ҳақи, таълим ва тайёргарлик, лавозимда кўтарилиш, мәннат шартномасини бекор қилиш ёки нафақага чиқиша ҳеч қандай камситиш йўқ.

ДХ  
ЎФХ  
ЙФХ

Мақсад - барча ишчиларга нисбатан ҳеч қандай камситилишсиз тенг муносабат қилинишини таъминлаш.

Бу – ишдаги кўрсаткичлар ёки талабларга боғлиқ бўлмаган ҳар қандай хусусият асосидаги камситиш. Бу, шу жумладан, ишчининг гендер ўзига хослиги ёки жинсий хусусиятлари, жинсий ориентацияси, ёши, миллати, этник келиб чиқиши, тили, ирқи, синфи, табақаси, ижтимоий мавқеи, дини, эътиқоди, қобилиятлари ва ногиронлик ҳолати, саломатлиги, сиёсий мансублиги, сиёсий қарашлари, касаба уюшмаси ёки бошқа ишчилар ташкилотига аъзолиги, оилавий ҳолати ёки ҳомиладорлик билан боғлиқ (шу, жумладан мажбурий ҳомиладорлик тестлари) бўлган ва ҳоказо камситишларни ўз ичига олади. Камситиш, шунингдек, бажарилган бир хил иш учун (яъни, тенг ҳажмдаги иш) тўланадиган иш ҳақининг пастлигига, тўлов шартларида, масалан, иш ҳақини эркак ҳамкаслар (эр, ота ва бошқалар) ёки бошқа учинчи томонлар орқали тўлашда, мәннат шароитлари ва имтиёзлар, таълим олиш имконияти, иш жойларига кириш имконияти ва бошқа ҳолатларда кузатилиши мумкин.

Барча ишчилар эҳтимолдаги камситиш ҳолатлари бўйича 5.1-мезонга мувофиқ шикоят қилиш механизми орқали шикоят киритиши мумкинлигини тушуниши керак. Пахта етиштирувчилар барча ишчиларга камситишга йўл қўймаслик тўғрисидаги хулқ-атвор кодексини оғзаки ёки ёзма кўринишда тақдим этиши тавсия этилади.

Ушбу Кўрсаткич доирасида, шунингдек, ишдаги кўрсаткичлар ёки талабларга боғлиқ бўлмаган ҳар қандай хусусиятдан қатъи назар, тенг иш учун тенг ҳақ тўланиши лозимлиги белгиланади.

## 5.7-МЕЗОН – Ишчиларга камида энг кам иш ҳақи миқдорида ҳақ тўланиши

### 5.7.1

Гендер тенглиги

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Ишчиларга қонунчилиқда қишлоқ хұжалиги соħасига нисбатан белгиланған миллий ёки минтақавий даражадаги әнг кам иш ҳақи ёки жамоавий музокаралар орқали келишилған миқдоридаги иш ҳақи тұланади. Иш ҳақиadolатли тарзда ва ўз вақтида тұлаб борилади.

ҮФХ  
ЙФХ

Мақсад - барча ишчилар муносиб ҳаёт кечиришига күмаклашиш, ишчиларға, камида, маχаллий даражадаги әнг кам иш ҳақи ёки унга тенглаشتырған миқдордаги иш ҳақи тұланишини таъминлаш. Әнг кам иш ҳақи күп ҳолатлarda ҳали ҳам муносиб турмуш даражасини кафолатлаш учун етарли әмаслиги яхши маълум. Ұзоқ муддатли мақсад - ишчилар турмуш харажатларини қоплайдиган миқдорда иш ҳақи олишига күмаклашиш (Better Cotton ташаббусининг турмуш харажатларини қоплайдиган миқдордаги әнг кам даромад, кун кечириш учун зарур бўлган әнг кам иш ҳақи ва даромад манбаларига нисбатан ёндашуви тўғрисида кўпроқ маълумот олиш учун [www.bettercotton.org](http://www.bettercotton.org) сайтига ташриф буюринг).

Биринчи қадам сифатида, ушбу талаб иш ҳақи билан боғлиқ шаффофликни ошириш ва жорий иш ҳақи билан турмуш харажатларини қоплайдиган миқдордаги әнг кам иш ҳақи ўртасидаги тафовутни аниқлашга қаратилган бўлиб, натижада, мазкур тафовутни бартараф қилиш учун жамоавий чоралар кўрилиши мумкин.

Әнг кам иш ҳақи қишлоқ хұжалиги соħасига нисбатан белгиланған миллий ёки минтақавий даражадаги әнг кам иш ҳақи ёки жамоавий музокаралар орқали келишилған миқдоридаги иш ҳақи орқали белгиланади. Агар улардан ҳеч бири мавжуд бўлмаса, шунга ўхшаш ишлар учун маχаллий даражада ўрнатилган маош әнг кам иш ҳақи сифатида қабул қилинади.

Ишчиларга ишбай ҳақ тұланған тақдирда, иш ҳақи одатий иш вақтида ва нормал иш шароитларида (масалан, ишчининг соғлигини ҳимоя қилиш учун етарли бўлган танаффуслар билан) камида әнг кам иш ҳақи эквивалентида бўлиши керак. Одатий иш шароитларида, ҳеч бўлмаганда, әнг кам иш ҳақининг эквиваленти миқдорида ҳақ олиш учун ишчилардан иш вақтидан ташқарида ишлаш талаф этилиши мумкин эмас.

Иш ҳақи ишчи билан келишилған шартларга асосан (5.4.1-кўрсаткичга мувофиқ) бажарилған иш учун ўз вақтида ва тўлиқ тұланиши керак.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганды, бу икки түшунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатыназар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг ["Ижтимоий инклузивликка содиклик"](#) деб номланған ҳужжатимиз ҳамда "фермерлар" ва "ишчилар" түшунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Иш ҳақини ҳисоблашда (энг кам иш ҳақи билан солишириш учун) ҳар қандай чегирмалар истисно қилиниши керак. 5.6.1- күрсаткичга құра, ишчилар тенг иш учун тенг ҳақ олиши керак.

## 5.7.2

ДХ

Ишчиларга камида энг кам иш ҳақи миқдорида маош түланади ёки маҳаллий даражада үрнатилған маош энг кам иш ҳақидан паст бўлса, Пахта етиштирувчи ўртача иш ҳақини ҳисобга олиш тизимини жорий этиб, вақт ўтиши билан иш ҳақини ошириш чораларини кўради.

Гендер тенглиги

Мақсад - иш ҳақи билан боғлиқ минимал умидларни маҳаллий қонунчиликка асосланган ҳолда үрнатиш орқали ишчиларга муносиб кун кечириш учун етарли миқдорда пул ишлаб топишда қўмаклашиш. Бироқ бунда ишчиларнинг иш ҳақини оширишдан аввал дехқон хўжаликларининг ўзи муносиб даромад манбаларига эга бўлиши кераклиги әтироф этилади. Қишлоқ хўжалиги ишлари учун тўланадиган иш ҳақи үрнатилған энг кам иш ҳақи миқдоридан кам бўлган ҳолатларда, фермерлар қўшимча даромад олмагунча кўпроқ иш ҳақи тўлай олмайди. Бундай вазиятларда ПЕГ ишчилар орасидан олинган танланма асосида ўртача иш ҳақини ҳисобга олиш тизимини жорий этиб, вақт ўтиши билан уни ошириш чораларини кўриши талаб этилади.

Бунда бутун ПЕГ ишчиларининг иш ҳақларини алоҳида қайд этиш шарт эмас, аммо ПЕГда энг кенг тарқалган вазифалар ва иш турлари билан шуғулланадиган ишчилар танланмаси, масалан, йиғим-терим билан шуғулланадиган вақтингчалик ишчилар, пуркаш билан шуғулланадиган мавсумий ишчилар ва бошқаларнинг ўртача иш ҳақини кузатиш ва қайд этиш тизими жорий әтилган бўлиши керак. Ишчилар танланмаси аёллар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож вазиятдаги ва/ёки жамиятдан четлаштирилган шахсларни ўз ичига олиши керак. Агар иш ҳақи нақд пулдан бошқа тўлаш шаклларини (яъни, натурада) ўз ичига олган бўлса, бу фарқ иш ҳақи бўйича танланма олишда аниқ акс эттирилиши муҳим аҳамият касб этади.

Иш ҳақини оширишга қаратилған чоралар ишчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда энг кам иш ҳақи тўғрисидаги билим ва хабардорликни мустаҳкамлаш, даромад яратиш ва даромад манбаларига бағишлиланган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш (6-принципга мувофиқ) ва/ёки ҳам фермерлар, ҳам ишчилар учун кўпроқ даромадни таъминлаш мақсадида, ҳукумат ёки қиймат занжиридаги бошқа иштирокчилар билан ҳамкорликни ўз ичига олиши мумкин.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг ["Ижтимоий инклюзивликка содиклик"](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда "фермерлар" ва "ишчилар" тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

## 5.8-МЕЗОН - Ишчилар соғлиги ва хавфсизлиги ҳимояланиши

### 5.8.1

Гендер тенглиги

Ишчиларга иш жойи яқинида шахсий гигиена мақсадлари учун етарли вақт ва алоҳида ажратилган жойлар тақдим этилади.

ДХ  
ҮФХ  
ЙФХ

Мақсад – ишчилар иш вақтида гигиена воситаларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишини таъминлаш бўлиб, бу соғлик ва қадр-қиммат учун муҳимdir.

Кўпгина қишлоқ хўжалиги обьектларида фермер ва ишчилар тоза сув, ҳожатхона ва қўл ювиш воситаларидан фойдаланиш имкониятига эга эмас. Ушбу муаммони ҳал қилиш ҳукуматлар ва маҳаллий аҳоли билан ҳамкорлик ҳамда молиявий маблағлардан фойдаланиш имкониятини талаб қиласди.

Ушбу йўналишдаги қадам сифатида, мазкур Кўрсаткичда асосий эътибор, муайян шароит ёки обьектлар даражасидан қатъи назар, ишчилар, ҳеч бўлмагандан, шахсий гигиена учун етарли вақт ва алоҳида ажратилган жойларга эга бўлишини таъминлашга қаратилган. Имконият бўлса, ҳожатхона ёки ювиниш хоналари ташкил этилиши керак. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ишчиларга уларнинг соғлиги, қулайлиги ёки хавфсизлигига зарар етказмаган ҳолда, тана эҳтиёжларини қондириш учун етарли вақт ва алоҳида ажратилган жойлар тақдим этилиши керак. Умуман олганда, санитария-гигиена воситаларидан фойдаланиш имконияти қулади, масалан, иш жойидан 100 метр масофада бўлиши керак.

Аёлларнинг шахсий гигиена эҳтиёжларига, айниқса ҳайз кўриш, ҳомиладорлик ёки эмизиш пайтида алоҳида эътибор берилиши керак. Хотин-қизлар бегоналардан ҳимояланган жойга эга бўлишини таъминлаш ва таъқиб ёки тажовуз хавфини камайтириш учун улар тоза, функционал ва жинс асосида ажратилган (идеал ҳолатда, қулфланадиган) жойдан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши керак.

### 5.8.2

Гендер тенглиги. Иқлим ўзгаришига мослашиш

Ишчиларга мунтазам равишда танаффуслар берилиб, бу вақтда улар ичимлик сувидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Тананинг сувсизланиши,

ДХ  
ҮФХ  
ЙФХ

Мақсад - ишчиларнинг соғлигини ҳимоя қилиш ва тананинг сувсизланиши, қуёш уриши ва улар билан боғлиқ касалликлар хавфини камайтириш.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Кўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

қүёш уриши ва улар билан боғлиқ касалликлар хавфи мавжуд бўлган жойларда мазкур муаммоларнинг олдини олиш ва ҳал қилиш учун соя жойга ўтиш таъминланади ва бошқа чоралар кўрилади.

Қишлоқ хўжалигида банд бўлган ишчилар мунтазам равишда оғир меҳнат ва юқори ҳарорат таъсирига дучор бўлиб, бу - инсон саломатлиги ва меҳнат унумдорлигига таъсири қиласи. Мунтазам танаффуслар ва сув ичиш соғлиққа нисбатан бўлган хавфларни минималлаштириш учун зарур. Жиддий оқибатлар хавфи юқори бўлган ишчиларга, масалан, ШҲВдан фойдаланадиган, ёш ёки кекса ишчилар, ҳомиладор ёки эмизикли аёлларга алоҳида эътибор қаратилиши керак. Танаффуслар даромадга потенциал таъсири кўрсатиши сабабли иш пайтида уларга вақт ажратишини истамайдиган ишбай асосда ишлайдиган ишчилар орасида тарғиб қилиниши керак.

ХМТнинг Қишлоқ хўжалигида техника хавфсизлиги ва меҳнат гигиенасини таъминлаш бўйича амалий қоидалар кодексига мувофиқ, кунлик ва ҳафталик иш вақтига қуидагилар киритилиши керак:

- Ишчилар ўз хушёрлиги ва жисмоний тайёргарлигини тиклаши учун иш вақтида, хусусан, оғир, хавфли ёки монотон меҳнат давомидаги қисқа муддатли танаффуслар;
- Овқатланиш учун етарли танаффуслар.

Иссиқлик стресси ёки иссиқлик билан боғлиқ касаллик алломатларига чарчоқ, бosh айланиши, бosh оғриғи, кўнгил айниши, ортиқча терлаш, ранг оқариши, нафас олиш ёки юрак уришининг тезлашиши, юқори ҳарорат ёки кучли ташналил кабилар киради. Ишчилар бу алломатларни тушуниши ва иссиқлик стресси соғлик учун узоқ муддатли хавфларни туғдириши мумкинлигини билиши керак. Ишчиларни иссиқлик стрессидан ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларга, масалан, иш вақтининг эртароқ бошланиши, дам олиш учун тез-тез танаффус бериш, қўёшдан ҳимояланиш ва сув ичишни кўпайтириш кириши мумкин.

Қўшимча маълумот учун:

[ХМТ, Қишлоқ хўжалигида техника хавфсизлиги ва меҳнат гигиенасини таъминлаш бўйича амалий қоидалар кодекси \(2011 йил\) \(2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра\).](#)

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

## 5.8.3

## Гендер тенглиги. Иқлим ўзгаришига мослашиш

Хавфсизлик ва саломатлик учун хавфлар аниқланиб, уларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади (шу жумладан фермерлар, ишчилар ва тегишли раҳбарлар учун тренинглар).

Бахтсиз ҳодисалар ёки жароҳат олиш ҳолатлари юз берса, тиббий ёрдам кўрсатилиб, бундай ҳолатлар тақорланишнинг олдини олиш чоралари кўрилади.

ДХ  
ЎФХ  
ЙФХ

Мақсад - саломатлик ва хавфсизликка нисбатан бўлган потенциал хавфларни фаол бартараф этиш ва ҳар қандай жароҳат олиш ҳолатида тегишли ғамхўрлик кўрсатиш орқали пахтачилик фермаларида ишлайдиган ишчиларни хавфсиз ва соғлом меҳнат муҳити билан таъминлаш.

Техника хавфсизлиги ва меҳнат гигиенаси (ТҲМГ), ХМТ томонидан таъриф берилганидек, меҳнат соҳасидаги асосий Тамойил ва ҳуқуқлардан бири. Фермерлар ёки иш берувчилар хавфсиз ва соғлом меҳнат муҳитини таъминлаш, ишлаб чиқаришдаги шикастланиш, касбий касалликлар ва ўлим ҳолатларининг олдини олиш учун масъулдир.

Биринчи қадам ТҲМГ билан боғлиқ хавф-хатарларни баҳолаш ва, иложи бўлса, уларни бартараф этиш ёки олдини олишдан иборат бўлиши керак. Пахтачилик фермаларида булар, одатда, хавфли пестицидлар, ўткир тиғли асбоблар, оғир техника, юқори ҳарорат ва оғир меҳнат билан боғлиқ ишларни ўз ичига олади. Агар хавф-хатарни бартараф этишнинг иложи бўлмаса, уларнинг таъсири, шу жумладан, маълумот бериш, ўқитиш ва ҳимоя чораларини жорий этиш орқали минималлаштирилиши керак (масалан, 3.5-мезонга мувофиқ, ШҲВдан фойдаланиш).

Пахта этиштирувчиларга бахтсиз ҳодисалар ва жароҳат олиш ҳолатлари ҳисобини юритиш, бахтсиз ҳодисалар юз берадиган тизимли хавфли йўналишларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш имкониятига эга бўлиш тавсия етилади.

Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ вазиятдаги ва/ёки жамиятдан четлаштирилган ишчилар, шу жумладан ҳомиладор ва эмизикли аёллар, ногиронлиги бўлган ишчилар, ёш ёки кекса ишчилар, меҳнат мигрантлари ёки этник озчилик вакиллари билан боғлиқ хавф ёки хавфларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Ишчилар ёки ишчилар вакиллари ўзининг ТХМГ соҳасидаги ҳуқуқларидан хабардор бўлиши лозим. ТХМГнинг барча жиҳатлари бўйича улар билан маслаҳатлашилиши керак. Энг илфор амалиётга асосланган ёндашув ТХМГ хавф-хатарлари тўғрисидаги маълумотларни улашадиган ва уларни бартараф этишининг энг яхши усуллари бўйича қарор қабул қиласидиган ишчилар ва раҳбарият вакилларидан таркиб топган қўмита тузишни ўз ичига олади.

Қўшимча маълумот учун:

ХМТ. Техника хавфсизлиги ва меҳнат гигиенаси тўғрисидаги конвенция, 1981 йил (155-сон) (2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра).

## 5.9-МЕЗОН – Ишчилар зўравонлик ва таъқибдан холи бўлган, адолат тамойилларига асосланган иш жойида меҳнат қилиш ҳуқуқига эга бўлиши

### 5.9.1

### Гендер тенглиги

Ишчилар ишга қабул қилинишдан тортиб, то меҳнат шартномаси бекор бўлгунга қадар бўлган бутун иш даври давомида зўравонлик ва таъқиблардан холи иш жойига эга бўлиш ҳуқуқига эга.

ДХ  
ЎФХ  
ЙФХ

Мақсад - ишчиларга нисбатан ҳурмат ва қадр-қиммат билан муносабат кўрсатилишини, улар иш жойида зўравонлик ёки таъқибдан азият чекмаслигини таъминлаш.

Барча фермерлар ва иш берувчиларга ишчиларни ҳурмат қилиш маданиятига эга бўлиш тавсия этилади. Меҳнат соҳасидаги "зўравонлик ва таъқиб" атамаси жисмоний, психологик, жинсий ёки иқтисодий зарар етказишга қаратилган ёки шунга олиб келиши мумкин бўлган бир қатор номақбул хатти-ҳаракатлар, амалиётлар ёки таҳдидларни англатади. Булар гендер зўравонлиги ва таъқиб ҳолатларини қамраб олиб, уларга, хусусан, жинси туфайли муайян шахсларга қаратилган ёки муайян жинсдаги шахсларга номутаносиб равишда таъсир қиласидиган зўравонлик ёки таъқиб ҳолатлари (жумладан, жинсий зўравонлик) киради.

Хотин-қизлар иш пайтида зўравонлик ва таъқиб ҳолатларига дучор бўлиши мумкин. Хотин-қизлардан иборат ишчилари сони кўп бўлган фермер хўжаликларида зўравонлик ва таъқиб билан боғлиқ ҳар қандай муаммонинг

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг "[Ижтимоий инклюзивликка содиклик](#)" деб номланган ҳужжатимиз ҳамда "фермерлар" ва "ишчилар" тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

## 5.9.2

Хар қандай интизомий чоралар күриб чиқилаётган хатти-харакатларга мутаносиб бўлиб, амалдаги тизим адолатли огоҳлантириш принципларини кўзда тутади.

ДХ  
ЎФХ  
ЙФХ

олдини олиш, назорат қилиш ва бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўриши кутилмоқда. Бу самарали меҳнат мониторинги тизимлари, шикоятларни кўриб чиқиш механизмлари ва ҳуқуқий ҳимоя воситалари (5.1-мезонга мувофиқ), шунингдек, 1.5-мезонда кўзда тутилган гендер масалалари бўйича маслаҳатлашувлар ва амалга ошириш чоралари билан боғлиқ.

## 5.10-МЕЗОН – Ишчилар иш билан боғлиқ аниқ келишувлар ва кутилмаларга эга экани

### 5.10.1

Доимий ва мавсумий ишчилар ёзма шартнома тузиш ҳуқуқи тўғрисида хабардор қилинган. Ишчининг талабига кўра (ёки қонунчиликка мувофиқ шартнома тузиш талаб қилинса), тегишли ёзма шартномалар тақдим этилади.

ЎФХ  
ЙФХ\*

Мақсад - аниқ ва ҳужжатлаштирилган меҳнат шартларини таъминлашга ёрдам бериш орқали ишчиларга ўз ҳуқуқларини яхшироқ ҳимоя қилишга кўмаклашиш.

Ёзма шартномалар иш берувчи билан ишчига уларнинг умидларини аниқлаштиришга ёрдам бериб, келишилмаган ўзгаришлар, шунингдек, алдов ва мажбурлаш хавфидан ҳимоя қиласи. Улар, шунингдек, меҳнат қонунчилиги бузилган тақдирда, ишчиларга ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан фойдаланишида ёрдам бериши мумкин.

Кўпгина қишлоқ хўжалиги обьектларида ёзма шартномалар ҳали кенг тарқалмаган. Тўсиқлар сирасига саводхонлик даражасининг пастлиги, ишнинг вақтинчалик ва мавсумийлик табиати ҳамда ёзма келишувларнинг

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

афзалликлари түғрисидаги хабардорликнинг етишмаслиги киради. Ушбу Кўрсаткич ишчиларга ёзма шартнома тузишни талаб қилишда кенгроқ танлов имкониятини беришга қаратилган. Ишчиларнинг ҳуқуқлари билан муносиб меҳнат түғрисидаги билим ва хабардорликни уйғунлаштирган ҳолда, мақсад - вақт ўтиши билан кўпроқ ишчилар ёзма шартноманинг ҳимоя ва афзалликларини тушуниши ва шартнома тузишни талаб қилишидан иборат.

Агар назарда тутилган бўлса, ёзма шартномалар маҳаллий қонунчилик талабларига мувофиқ бўлиши ва уларда бажариладиган ишларнинг табиати ва давомийлиги мос равишда акс эттирилиши керак. Узоқ муддатли шартномаларни тузиш ўринли бўлган ҳолатда иш берувчиларга кўпроқ мослашувчанлик тақдим этиш учун фуқаролик ёки вақтинчалик шартномалардан фойдаланиш мумкин эмас.

Саводхонлик даражаси паст бўлган жойларда ёзма шартномаларни тушуниш даражасини ошириш учун расм, тасвир, бош бармоқ излари ва бошқа усууллардан фойдаланиш мумкин. Имкони бўлган ҳолатларда шартномаларда иш вазифалари, иш вақти, иш ҳақи ставкаси ёки ҳисоб-китоблар (шу жумладан, иш вақтидан ташқаридағи иш учун), иш ҳақи тўлаш частотаси ва усули, имтиёз ёки чегирмалар, таътил (шу жумладан, ҳақ тўланадиган таътил, касаллик бўйича таътил ва бошқалар), интизомий талаблар ва шартноманинг бекор қилиниши түғрисида огоҳлантириш бериш муддати киритилиши керак. Шартнома ишчи тушунадиган тилда ёзилиши ва тушунтирилиши (масалан, уни тўғридан-тўғри ўқиб бериш ёки ишчининг ўзи ўқиши орқали) ҳамда иккала томон тарафидан имзоланган ёки муҳрланган бўлиши керак.

\*30 нафардан ортиқ ишчиси бўлган ЙФХ учун.

## 5.10.2

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Агар ишчилар учинчи томон орқали ишга ёлланса, фермерлар 5.1-5.9- мезонлар доирасидаги талабларни учинчи томонга етказиш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш учун масъул бўлади.

ЎФХ  
ЙФХ

Мақсад - муносиб меҳнатга доир барча талаблар Better Cotton ташаббуси фермер хўжаликларида тўғридан-тўғри (масалан, фермер томонидан) ёки учинчи шахслар томонидан (масалан, субпудратчи орқали) ёлланган барча ишчиларга нисбатан қўлланишини таъминлаш.

Ушбу Кўрсаткич меҳнат муносабатлари бевосита фермер ёки фермер хўжалиги билан эмас, балки ишчи билан учинчи томон ўртасида юзага келган ҳолатларда қўлланади. Бу - фермер субпудратчи билан ишлаганда (масалан, бегона ўтларни тозалаш ёки пуркаш хизматларини бажариш учун) ва субпудратчи ишчиларни ёллаб, иш ҳақи тўлаган ҳолатга тааллуқли бўлиши мумкин.

Фермернинг мазкур ишчилар билан бевосита меҳнат муносабатлари бўлмаса ҳам, у субпудратчи орқали ишчилар ушбу тамойил доирасидаги барча талабларга риоя қилиши ва улардан фойдаланишини таъминлаш учун масъул бўлади.

Субпудратчи ёки бошқа учинчи томон билан ёзма келишувлар мавжуд бўлса, талаблар шартномага киритилиши мумкин бўлиб, учинчи томон тарафидан тўлиқ тушунилиши шарт.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклюзивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

# 6-тамойил: Барқарор даромад манбалари

Фермерлар, ишчилар ва фермерлик ҳамжамиятлари пахтачилик соҳасининг асоси - уларсиз пахта ҳам, табиийки, Better Cotton ёрлиги остидаги пахта ҳам бўлмайди. Демак, уларнинг даромад манбалари, ўз моҳиятига кўра, барқарор пахта етиштириш билан боғлиқ. Бинобарин, фермерлар, ишчилар ва уларнинг оиласари, хусусан, аёллар ва ёшлар билан ҳамкорликда уларнинг муносиб ва баҳтли ҳаёт кечириш билан боғлиқ асосий эҳтиёжлари ва муаммоларини аниқлаш ҳамда уларни ҳал этиш учун амалга оширилиши мумкин бўлган табиат учун безарар стратегияларни топиш муҳим аҳамиятга эга. Бу нафақат меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилаш ҳамда ижтимоий инклузивликни оширишдаги энг муҳим жиҳат, балки пахтачилик соҳасининг барқарор қиймат занжирини таъминлашнинг асосий шартидир.

## 6.1-МЕЗОН – Барқарор даромад манбаларини такомиллаштириш ва чидамлиликни ошириш учун чоралар қўрилиши

### 6.1.1

Пахта етиштирувчи фермер ҳўжаликлари даражасида пахта етиштириш билан шуғулланувчи шахслар ва ҳамжамиятлар даражасидаги бошқа тегишли манбаатдор томонлар билан ҳамкорлик асосида даромад манбаларининг асосий турларини белгилайди.

ДХ  
ЎФХ

### Гендер тенглиги. Иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг оқибатларини юмшатиш

Мақсад - Пахта етиштирувчиларнинг табиат учун безарар даромад манбаларини аниқлаш ҳамда чидамлиликни ошириш борасидаги устувор йўналишларни белгилаши ва пухта маълумотларга асосланган ҳолда чора қўриши учун маҳаллий даромад манбалари ҳаракатини тушунишини таъминлаш.

Энг муҳим даромад манбаларини аниқлашга ёрдам берадиган маълумотларни фермер ҳўжаликларида пахта етиштириш билан шуғулланувчи субъектлар билан ҳамкорлик қилиш орқали тўплаш ва бошқа манбалар (масалан, даромад манбалари масалалари билан шуғулланувчи бошқа маҳаллий субъектлар, Дастур ҳамкорлари ёки Better Cotton ташаббусининг миллий жамоалари томонидан амалга ошириладиган баҳолаш ва бошқалардан) асосида тўлдириш мумкин. Маълумотлар ҳаққонийлиги ва тушуниши таъминлаш учун маслаҳатлашув жараёнларига ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ вазиятлардаги ва/ёки жамиятдан

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

четлаштирилган аёллар ва шахсларни киритиш айниқса муҳим. Аниқланган асосий йўналишлар Better Cotton ташаббусининг даромад манбаларини яхшилаш тұғрисидаги ёндашувида белгиланган устувор йўналишларга мос келиши керак.

Фермерлар билан маслаҳатлашувнинг бир қисми 1.1.3-кўрсаткичда талаб қилинадиган дала даражасидаги маслаҳатлашувлар билан бир-бирини тақрорлаши мумкин. Ушбу кўрсаткич бўйича ишларни амалга ошириш ва кейинги қарорларни қабул қилишда Гендер масалалари бўйича етакчи ёки Гендер қўмитаси иштирок этиши керак.

#### Гендер тенглиги. Иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг оқибатларини юшатиш

##### 6.1.2

6.1.1-кўрсаткичдан келиб чиқсан ҳолда, маҳаллий даражада тегишли чора-тадбирлар кўрилиб, муайян давр ичидан энг муҳим даромад манбаларининг такомиллашувини таъминлайди.

ДХ  
ЎФХ

Мақсад - пахта етиштирувчилар томонидан Better Cotton ташаббусининг даромад манбаларини яхшилаш борасидаги ёндашувига мувофиқ, пахтакорларнинг барқарор даромад манбалари ва чидамлилигини ошириш бўйича чоралар кўрилиши ва тегишли ишлар амалга оширилишини таъминлаш.

Даромад манбаларини таъминлаш бўйича чора-тадбирларнинг мураккаблиги ва шароитга хос хусусиятини инобатга олган ҳолда, 6.1.1-кўрсаткич бўйича тўпланган маълумотлар асосида барқарор даромад манбалари ва чидамлиликни ошириш бўйича қабул қилинган ҳар қандай чора-тадбирларни таъминлайдиган мослашувчан ёндашув қўлланади. Бу - имкониятларни максимал даражада ошириш учун жой қолдириш ва ПЕГ раҳбариятини, имконият бўлган ҳолатларда, инновацияларни жорий этишга ундашга қаратилган. Ёндашувда мослашувчанлик даражаси юқори бўлса-да, ПЕГ раҳбарияти натижаларни кузатиши ва вақт ўтиши билан амалга оширилган тадбирлар қайси йўналишда ва кимга фойда келтираётганини тушунириб бера олиши керак. Фермерлик ҳамжамиятларининг даромад манбаларини ва чидамлилигини оширишда аёллар ва ёшларнинг ролига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

ПЕГ раҳбариятига, имконият бўлган тақдирда, шериклик ёки ҳамкорлик имкониятларини кўриб чиқиш тавсия этилади. Ҳар қандай кўриб чиқилган

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

йўналишлар ва амалга оширилган ишларнинг салбий оқибатларини юмшатиш керак.

### Барқарор даромад манбалари деганда нима тушунилади?

Дунёда муносиб ҳаёт кечиришнинг усул ва воситалари - даромад манбаларининг энг аниқ таърифи бўлса ажаб эмас. Ушбу тушунча ер, мулк, экинлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, инфратузилма ва пул каби моддий ресурслар ва саломатлик, билим, кўникумга ҳамда ижтимоий муносабатлар каби номоддий ресурсларни қамраб олади. Унда фермерлар, ишчилар ҳамда уларнинг уй хўжаликлари ўзининг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-маданий шароитидан келиб чиқсан ҳолда, бу ресурслардан фойдаланиш имконияти, ҳокимият ва танлаш имконияти асосида улардан қай тарзда фойдаланиши ва бирлаштириши мумкинлиги кўриб чиқилади.

Барқарор даромад манбаларига фермерлар, фермер хўжаликлари ишчилари ҳамда фермерлик ҳамжамиятлари ҳатто туб ўзгаришлар пайтларида ҳам, бошқаларнинг ҳозирги ёки келажақдаги фаровонлигига ёки атроф-муҳитга зарар етказмаган ҳолда ўз ресурсларидан муносиб ҳаёт кечириш, ўз фаровонлигини таъминлаш ёки ошириш учун фойдаланиш имкониятига эга бўлган ҳолатда эришилади. Даромад манбалари уй хўжаликлари ва ҳамжамиятларга дахлдор бўлгани боис ижтимоий ҳимояга муҳтож вазиятлардаги ва/ёки жамиятдан четлаштирилган аёллар, ёшлар ва шахсларни қамраб олиш жуда муҳим аҳамиятга эга (шунингдек қаранг: Ижтимоий инклузивликни таъминлаш мажбурияти).

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

# 1-и洛ва: Кенг қамровли масала: Гендер тенглиги

Гендер тенглиги атроф-муҳит барқарорлигини таъминлаш соҳасидаги барча кўрсаткичлар бўйича ютуқларга эришишда муҳим аҳамият касб этади. Бу ишлаб чиқариш жараёнида аёллар муҳим ўрин тутадиган пахтачилик соҳаси учун айниқса долзарб. Гендер тенглигини кучайтириш ижтимоий адолат масаласи ҳисобланибгина қолмай, муайян иқтисодий ва экологик афзалликларни ҳам тақдим этади. Шу боис гендер тенглиги мустақил элемент эмас, балки барча Тамойил ва кўрсаткичлар бўйича натижаларга эришиш учун зарур бўлган ажралмас омил сифатида кўриб чиқилишини таъминлаш мақсадида, T&M га кенг қамровли элемент сифатида киритилган. Гендер нуқтаи назаридан айниқса нозик бўлган ва амалга ошириш учун Гендер масалалари бўйича етакчи ёки Гендер қўмитасининг иштирокини талаб қилиши мумкин бўлган кўрсаткичлар (1.5-мезонга қаранг) T&M да алоҳида белгилаб чиқилган ва қуидаги жадвалда жамланган.

## Кўрсаткич

1.1.1 [ДХ – ЎФХ] Пахта етиштирувчилар гуруҳи (ПЕГ) учун аниқ ва маҳаллий шароитлар ҳисобга олинган тадбирлар режаси ишлаб чиқилган ва жорий этилган бўлиб, у:

- (i) Мунтазам янгиланиб туради ҳамда барча тадбирлар, муддат ва вазифаларни ўз ичига олади;
- (ii) мониторинг натижаларини ҳисобга олган ҳолда йилда камида бир марта кўриб чиқилади.



1.1.2 [ДХ – ЎФХ] Номувофиқлик билан боғлиқ хатарларни аниқлаш, натижаларни ўлчаш ва Ишлаб чиқарувчилар бирлашмаси (ПЕГ) фаолияти самарадорлигини тушуниш учун фойдаланиладиган маълумотлар ва усуслар белгилаб бериладиган мониторинг режаси ишлаб чиқилган ва жорий этилган.



Ахборот ва маълумотлар қайд қилиб борилади ва сабоқлар 1.1.1-кўрсаткичдаги тадбирлар режасини ишлаб чиқиш учун асос сифатида ишлатилади.

1.1.3 [ДХ – ЎФХ] Фермер хўжаликларида пахта етиштириш билан шуғулланувчи шахсларнинг вакилларидан иборат бўлган инклузивликка асосланган танланма билан уларнинг устувор мақсад ва эҳтиёжлари бўйича йилига камида бир марта уларнинг маслаҳатлашув ўтказилади. Ушбу маслаҳатлашувнинг асосий натижалари ҳужжатлаштирилади ва улар



Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

## Күрсаткич

барча Принциплар бўйича тадбирларни режалаштириш ва доимий такомиллаштириш учун устувор йўналишларни белгилашда ҳисобга олинади.

1.2.1 [ДХ – ЎФХ – ЙФХ] “Better Cotton ташаббусига аъзо фермер хўжаликлари тўғрисидаги маълумотларга қўйиладиган талаблар” ҳужжатига мувофиқ, Пахта етиширувчи даражасидаги аниқ ва тўлиқ маълумотлар тўпланади, текширилади ва ҳисоботларга киритилади. 

1.2.2 [ДХ – ЎФХ] “Better Cotton ташаббусига аъзо фермер хўжаликлари тўғрисидаги маълумотларга қўйиладиган талаблар” ҳужжатига мувофиқ, фермер хўжалиги даражасидаги аниқ ва тўлиқ маълумотлар қайд этиб борилади. 

1.3.1 [ДХ – ЎФХ] (\*Иккинчи лицензиялаш давридан бошлаб Ишлаб чиқарувчилар бирлашмаларига (ПЕГ) нисбатан қўлланади)]

Муайян устувор йўналишлар ва доимий такомиллаштириш бўйича тегишли уч йиллик мақсадли кўрсаткичлар аниқланган ҳамда уларга эришиш бўйича йиллик тадбирлар умумий фаолият ва мониторингни режалаштириш ва амалга ошириш доирасида 1.1.1 ва 1.1.2-кўрсаткичларга тўлиқ киритилиб амалга оширилади. Устувор йўналишларга қўйидагилар киради:

- (i) атроф-муҳит барқарорлигини таъминлаш соҳасида маҳаллий аҳамиятга эга бўлган устувор йўналишлар;
- (ii) мониторинг асосида белгиланган устувор йўналишлар (1.1.2-кўрсаткич);
- (iii) 1.1.3-кўрсаткичга мувофиқ дала даражасида ўтказилган инклюзив маслаҳатлашувлар ҳамда Гендер масалалари бўйича етакчи ёки Гендер қўмитаси томонидан амалга оширилган ишлар асосида белгиланган устувор йўналишлар (1.5-мезон).

1.3.2 [ЙФХ] Доимий такомиллаштириш мақсадида алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган атроф-муҳит барқарорлигини таъминлаш соҳасидаги аниқ ва маҳаллий нуқтаи назардан долзарб бўлган мақсадли кўрсаткичлар белгиланган. Уларга эришиш борасидаги тадбирлар 1.1.4-кўрсаткичдаги умумий бошқарув тизимининг доирасида амалга оширилади ва натижалари назорат қилинади. 

1.4.1 [ДХ – ЎФХ] Фермер хўжаликлирида пахта етишириш билан шуғулланувчи шахсларнинг салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича самарали дастур амалга оширилмоқда. Тренинг ва тегишли тадбирларда:

- (i) алоҳида эътибор маҳаллий шароитларга мос усул ва инновацияларга қаратилади;
- (ii) 1.1.3-кўрсаткичга мувофиқ дала даражасидаги инклюзив маслаҳатлашувлар, шунингдек, аввалги тренингларда олинган фикр-мулоҳазалардан асос сифатида фойдаланилади;
- (iii) дала даражасидаги таъсирни кучайтириш учун самарали ёндашув ва воситалардан фойдаланилади.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклюзивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

## Кўрсаткич

1.4.2 [ДХ – ЎФХ] Тренинг ва бошқа тегишли тадбирлар инклузивлик асосида ва улар наф келтириши мумкин бўлган ҳар бир одам улардан тенг даражада фойдаланиши учун тегишли имкониятни таъминлайдиган тарзда ишлаб чиқилган.



1.4.3 [ДХ – ЎФХ] Иштирокчилар тренинглар ва бошқа тегишли тадбирлар орқали тақдим этиладиган билим, кўнишка ва усулларнинг аҳамияти ва фойдасини тушунади.



1.4.4 [15 нафардан зиёд ишчиси билан ЙФХ] Ишчиларнинг салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича самарали дастур амалга оширилмоқда. Тренинг ва тегишли тадбирларда:

- (i) маҳаллий шароитларга мос усул ва инновацияларга алоҳида эътибор қаратилади;
- (ii) Ишчилар билан маслаҳатлашувлар, шунингдек, аввалги тренингларда олинган фикр-мулоҳазалардан асос сифатида фойдаланилади
- (iii) самарали ёндашув ва воситалардан фойдаланилади;
- (iv) инклузивлик асосида ҳамда улардан наф кўриши мумкин бўлган барча ишчилар даражада фойдаланиш имконияти таъминланадиган тарзда ишлаб чиқилган.



1.5.1 [ДХ - ЎФХ - ЙФХ (\*фақат 10 нафардан ортиқ аёл ишчиси бўлган ЙФХ учун)]

Аёлларнинг тенг иштироки ва аҳамияти эътироф этилишини қўллаб-қувватлаш учун индивидуал Гендер масалалари бўйича етакчи ёки Гендер қўмитаси тайинланган бўлиб, унинг асосий вазифаларига қўйидагилар киради:

- (i) гендер тенглиги соҳасидаги маҳаллий муаммолар ва такомиллаштириш имкониятларини аниқлаш учун фермер хўжаликларида пахта этиштириш билан шуғулланадиган аёллар, шунингдек, ҳамжамиятлар даражасидаги бошқа тегишли субъектлар (шу жумладан, эркаклар) билан маслаҳатлашиш;
- (ii) Пахта этиштирувчининг раҳбарияти ва фермерларнинг маҳаллий даражадаги гендер муносабатлари, шу жумладан, қишлоқ хўжалигини юритишнинг турли усуллари ҳамда ишлаб чиқариш жараёнидаги вазифалар тўғрисидаги хабардорлигини ошириш;
- (iii) Аниқланган муаммо ва имкониятларга нисбатан жавоб чораларини ишлаб чиқиш учун Пахта этиштирувчи раҳбарияти билан ишлаш.



1.5.2 [ДХ – ЎФХ – ЙФХ (\*фақат 10 нафардан зиёд аёл ишчиси бўлган ЙФХ учун)] Гендер масалалари бўйича етакчи ёки Гендер қўмитаси билан яқин ҳамкорликда Пахта этиштирувчининг фаолият ва мониторинг режалари доирасида гендер тенглигини мустаҳкамлаш ва инклузивликни ошириш бўйича тавсия этилган чора-тадбирларни амалга оширади.



Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзиги хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

## Кўрсаткич

1.6.1 [ДХ – ЎФХ – ЙФХ] Пахта етиштирувчи атроф-муҳит барқарорлигини таъминлаш соҳасидаги маҳаллий нуқтаи назардан долзарб бўлган масалалар бўйича бошқа тегишли манфаатдор томонлар билан шериклик ёки ҳамкорликни намойиш этади.



1.7.1 [ДХ – ЎФХ – ЙФХ] Пахта етиштирувчи иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича маҳаллий нуқтаи назардан долзарб бўлган чора-тадбирлардан хабардор бўлиб, уларни фаолият ва мониторинг режаларига мувофиқ амалга оширади.



1.7.2 [ДХ – ЎФХ – ЙФХ] Пахта етиштирувчи иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш бўйича маҳаллий нуқтаи назардан долзарб бўлган чора-тадбирлардан хабардор бўлиб, уларни фаолият ва мониторинг режаларига мувофиқ амалга оширади.



3.5.1 [ДХ – ЎФХ – ЙФХ] Пестицидларни тайёрлаш ва қўллаш билан шуғулланадиган ҳар қандай шахс қўйидаги талабларга жавоб бериси таъминланади:

- (i) соғлом;
- (ii) пестицидларни қўллаш кўникмаларига эга ва тайёргарликдан ўтган;
- (iii) 18 ёш ва ундан катта;
- (iv) ҳомиладор ёки эмизикли эмас.



3.5.2 [ЎФХ – ЙФХ] Пестицидлар билан ишлашда тегишли шахсий ҳимоя воситалари (ШҲВ) тўғри қўлланади.



3.5.3 [ДХ] Минимал шахсий ҳимоя воситалари (ШҲВ) пестицидлар билан муомала қилишда тўғри қўлланиб, тананинг қўйидаги қисмларини пестицидларнинг тери орқали кириши, ютилиши ва нафас йўллари орқали киришидан ҳимоя қилишини ўз ичига олади:

- (iv) юз ва нафас олиш йўллари (кўзлар, қулоқ тешиклари, бурун ва бош териси);
- (v) оёқ-қўллар (қўллар, билаклар, кафтлар, оёқлар);
- (vi) қорин соҳаси ва жинсий органлар қисми.



3.5.4 [ДХ] Пестицидлар билан ишлайдиган шахслар орасида тегишли шахсий ҳимоя воситаларидан (ШҲВ) фойдаланиш даражасини ошириш чоралари кўрилади.



4.1.1 [ДХ – ЎФХ – ЙФХ] Юқори сифатли тола олиш эҳтимолини ошириш учун уруғ танлаш (иложи бўлса), экиш муддати, экиш меъёри, қатор оралиқлари кенглиги, экинларнинг ўсиши ва бегона ўтларга қарши кураш бўйича маҳаллий нуқтаи назардан долзарб бўлган илғор усуллар қўлланади.



Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

## Кўрсаткич

4.1.2 [ДХ – ЎФХ – ЙФХ] Заарланишнинг олдини олиш учун териш, сақлаш ва ташиш жараёнида маҳаллий шароитларга мос мақбул усууллар жорий этилмоқда.



5.1.1 [ДХ – ЎФХ – ЙФХ (\*фақат 25 нафардан зиёд ишчиси билан ЙФХ учун)]

Меҳнат ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ хатар ва ҳолатларнинг мунтазам мониторингини юритиш тизими мавжуд бўлиб, унда:

- (i) мониторинг тизими учун масъул бўлган шахс(лар) аниқ белгиланган ва мониторинг тизимининг ишлашида фермерлар ҳамда ишчилар вакиллари ҳам иштирок этади;
- (ii) хатарлар аниқланганда, уларни бартараф этиш ва кескинлашишининг олдини олиш бўйича тезкор чоралар кўрилади.



5.1.2 [ДХ – ЎФХ] Барча ишчилар ҳуқуқларнинг бузилиши билан боғлиқ хавотирларни билдириш ва уларни ҳал қилиш учун холис, самарали ва хавфсиз каналлардан фойдаланиш имкониятига эга. Ушбу механизмлар доирасида жорий этиб бўлинган, ишончли шикоят киритиш воситаларидан ёки, бор бўлса, бошқа тизимлардан фойдаланиши керак.



5.1.3 [ДХ – ЎФХ] Меҳнат ҳуқуқлари бузилган ҳолатларда, жабрланганлар ҳимоя ва ҳуқуқларни тиклаш механизмларидан фойдаланиш имкониятига эга. Жабрланганлар шахсининг махфийлиги ва хавфсизлиги бутун жараён давомида ҳимояланган.



5.1.4 [ЙФХ] Ишчилар шикоятларни маълум қилиш учун холис, самарали ва хавфсиз ишонч телефони ёки бошқа шикоят механизмидан фойдаланиш имкониятига эга. Меҳнат ҳуқуқлари бузилиши ҳолатларидан жабрланган шахслар ёрдам ва ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш имкониятига эга.



5.2.1 [ДХ – ЎФХ – ЙФХ] Фермерлар ва ишчилар меҳнат соҳасидаги асосий Тамойил ва ҳуқуқларни тушунади. Булар сирасига уларнинг қўйидаги ҳуқуқлари киради:

- (i) бирлашиб ва жамоавий музокаралар олиб бориш эркинлиги;
- (ii) хавфсиз ва соғлом меҳнат муҳити;
- (iii) камситилиш, зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат ва болалар меҳнати ҳолатларидан ҳимоя қилиш.



5.3.1 [ДХ – ЎФХ – ЙФХ] Болалар ва ёш ишчилар ХМТнинг 138 ва 182-сонли конвенцияларига мувофиқ ҳамда, 1-расмда кўрсатилганидек, фақат хавфсиз ва ёшга мос вазифаларни бажаради.



5.4.3 [ДХ – ЎФХ – ЙФХ] Ишчилар ишга қабул қилинишдан тортиб, то меҳнат шартномаси бекор қилингунга қадар бўлган бутун иш даври давомида умуман таҳдид ёки жазоланиш таҳдидига дуч келмайди. Буларга, жумладан, иш ҳақи ёки



Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

## Кўрсаткич

ҳужжатларни ушлаб қолиш, ҳаракатланишни чеклаш ёки зўравонлик қўллаш билан таҳдид қилиш кабилар киради.

5.6.1 [ДХ – ЎФХ – ЙФХ] Мехнат амалиётида, шу жумладан, ишга қабул қилиш, вазифаларни белгилаш, ҳақ тўлаш, ўқитиш хизматларидан фойдаланиш, лавозимда кўтарилиш, меҳнат шартномасини бекор қилиш ёки нафақага чиқишида ҳеч қандай камситилишга йўл қўйилмайди. 

5.7.1 [ЎФХ – ЙФХ] Ишчиларга камида қишлоқ хўжалигига тааллуқли қонунчиликда ўрнатилган миллий ёки минтақавий даражадаги энг кам иш ҳақи ёки жамоавий музокаралар орқали келишилган иш ҳақи тўланади. Иш ҳақи адолатли тарзда ва ўз вақтида тўланади. 

5.7.2 [ДХ] Ишчиларга, камида, энг кам иш ҳақи тўланади ёки, маҳаллий даражада ўрнатилган иш ҳақи энг кам иш ҳақидан паст бўлса, Пахта етиштирувчи ўртacha иш ҳақини ҳисобга олиш тизимини жорий этиб, вақт ўтиши билан иш ҳақини ошириш чораларини кўради. 

5.8.1 [ДХ – ЎФХ – ЙФХ] Ишчиларга шахсий гигиена мақсадлари учун етарли вақт ва иш жойи яқинидан маҳсус жойлар ажратилади. 

5.8.2 [ДХ – ЎФХ – ЙФХ] Ишчиларга дам олиш учун мунтазам танаффуслар тақдим этилиб, бу вақтда ичимлик сувидан фойдаланиш имконияти ҳам яратилади. Тана сувсизланиши, қуёш уриши ва бу билан боғлиқ касалликлар хавфи мавжуд бўлган жойларда сояда сақланиш имкониятлари таъминланади, шу билан бирга, бу муаммоларнинг олдини олиш ва ҳал қилиш мақсадида бошқа чоралар кўрилади. 

5.8.3 [ДХ – ЎФХ – ЙФХ] Хавфсизлик ва саломатлик учун хавфлар аниқланиб, уларни минималлаштириш бўйича чоратадбирлар кўрилади (шу жумладан, фермерлар, ишчилар ва тегишли раҳбарлар учун тренинглар ўтказилади). 

Бахтсиз ҳодисалар ёки жароҳат олиш ҳолатлари содир бўлганда, тиббий ёрдам кўрсатилади ва бундай ҳолатлар такрорланишининг олдини олиш чоралари кўрилади. 

5.9.1 [ДХ – ЎФХ – ЙФХ] Ишчилар ишга қабул қилинишдан тортиб, то меҳнат шартномаси бекор қилингунга қадар бўлган бутун иш даври давомида зўравонлик ва таъқиблардан холи иш жойига эга бўлиш ҳуқуқига эга. 

6.1.1 [ДХ – ЎФХ] Пахта етиштирувчи фермер хўжаликлари даражасида пахта етиштириш билан шуғулланувчи шахслар ва ҳамжамият даражасидаги бошқа тегишли манфаатдор томонлар билан ҳамкорлик қилиш асосида даромад манбаларининг асосий йўналишларини белгилайди. 

6.1.2 [ДХ – ЎФХ] 6.1.1-кўрсаткичга асосланган ҳолда, вақт ўтиши билан даромад манбалари асосий йўналишларининг тақомиллашиши таъминланадиган маҳаллий нуқтаи назардан долзарб чоралар кўрилади. 

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

# 2-иЛОВА: Кенг қамровли масала: Иқлим ўзгариши

Иқлим ўзгариши пахта етиштириш билан боғлиқ барча соҳаларга тобора кўпроқ таъсир кўрсатаётган бўлиб, табиий ресурсларни тежаш ҳамда фермерларнинг даромад манбалари ва чидамлилигини оширишга қаратилган пахтани табиат учун безарар тарзда етиштириш мақсадидаги иқлим ўзгаришига қарши курашиб чоралари муҳим аҳамият касб этмоқда. Масъулият ва имкониятларни эътироф этган ҳолда, Better Cotton ташаббуси пахтачилик тармоғини иқлим ўзгариши муаммосига қарши курашиб тизимининг бир қисмига айлантиришга ёрдамлашиши лозим. Иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг оқибатларини юмшатиш T&M доирасида кенг қамровли элемент сифатида устувор вазифа этиб белгиланган. Тамойилларни жорий этишда Пахта етиштирувчилар фермерларга иқлим ўзгаришига мослашиш ва/ёки унинг оқибатларини юмшатишга хизмат қиласидан маҳаллий нуқтаи назардан долзарб бўлган усул ва тадбирларни танлаши тавсия этилади. Иқлим ўзгаришига нисбатан айниқса сезигр бўлган кўрсаткичлар T&M доирасида алоҳида белгиланган ва қуидаги жадвалда жамланган.

Кўрсаткич	Иқлим ўзгаришига мослашиш	Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш
-----------	---------------------------	-------------------------------------

1.1.1 [ДХ – ЎФХ] Ишлаб чиқарувчилар бирлашмаси (ПЕГ) учун аниқ ва маҳаллий шароитлар ҳисобга олинган тадбирлар режаси ишлаб чиқилган ва жорий этилган бўлиб, у:

- (i) янгиланиб туради ҳамда барча тадбирлар, муддат ва вазифаларни ўз ичига олади;
- (ii) мониторинг натижаларини ҳисобга олган ҳолда йилда камида бир марта кўриб чиқиласди.

1.3.1 [ДХ – ЎФХ] (\*иккинчи лицензиялаш давридан бошлаб Ишлаб чиқарувчилар бирлашмаларига (ПЕГ) нисбатан қўлланади)]

Муайян устувор йўналишлар ва доимий такомиллаштириш бўйича тегишли уч йиллик мақсадли кўрсаткичлар аниқланган ҳамда уларга эришиш бўйича йиллик тадбирлар умумий фаолият ва мониторингни режалаштириш ва амалга ошириш доирасида 1.1.1 ва 1.1.2-кўрсаткичларга тўлиқ киритилиб амалга ошириласди. Устувор йўналишларга қуидагилар киради:

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Кўрсаткич	Иқлим ўзгаришига мослашиш	Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш
(i) атроф-муҳит барқарорлигини таъминлаш соҳасида маҳаллий аҳамиятга эга бўлган устувор йўналишлар; (ii) мониторинг асосида белгиланган устувор йўналишлар (1.1.2-кўрсаткич); 1.1.3-кўрсаткичга мувофиқ дала даражасида ўтказилган инклюзив маслаҳатлашувлар ҳамда Гендер масалалари бўйича етакчи ёки Гендер қўмитаси томонидан амалга оширилган ишлар асосида белгиланган устувор йўналишлар (1.5-мезон).		
1.3.2 [ЙФХ] Доимий такомиллаштириш мақсадида алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган атроф-муҳит барқарорлигини таъминлаш соҳасидаги аниқ ва маҳаллий нуқтаи назардан долзарб бўлган мақсадли кўрсаткичлар белгиланган. Уларга эришиш борасидаги тадбирлар 1.1.4-кўрсаткичдаги умумий бошқарув тизимининг доирасида амалга оширилади ва натижалари назорат қилинади.	✓	✓
1.4.1 [ДХ – ЎФХ] Фермер хўжаликларида пахта етиштириш билан шуғулланувчи шахсларнинг салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича самарали дастур амалга оширилмоқда. Тренинг ва тегишли тадбирларда:  (i) алоҳида эътибор маҳаллий шароитларга мос усул ва инновацияларга қаратилади; (ii) 1.1.3-кўрсаткичга мувофиқ дала даражасидаги инклюзив маслаҳатлашувлар, шунингдек, аввалги тренингларда олинган фикр-мулоҳазалардан асос сифатида фойдаланилади; (iii) дала даражасидаги таъсирини кучайтириш учун самарали ёндашув ва воситалардан фойдаланилади.	✓	✓
1.6.1 [ДХ – ЎФХ – ЙФХ] Пахта етиштирувчи атроф-муҳит барқарорлигини таъминлаш соҳасидаги маҳаллий нуқтаи назардан долзарб бўлган масалалар бўйича бошқа тегишли манфаатдор томонлар билан шериклик ёки ҳамкорликни намойиш этади.	✓	✓
1.7.1 [ДХ – ЎФХ – ЙФХ] Пахта етиштирувчи иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича маҳаллий нуқтаи назардан долзарб бўлган чора-тадбирлардан хабардор бўлиб, уларни фаолият ва мониторинг режаларига мувофиқ амалга оширади.	✓	✓
2.1.1 [ДХ – ЎФХ – ЙФХ] Экинлар хилма-хиллигини максимал даражада оширадиган маҳаллий шароитга мос бўлган усуллар жорий этилган.	✓	✓
2.1.2 [ДХ – ЎФХ – ЙФХ] Тупроқ қопламини максимал даражада яхшилайдиган маҳаллий шароитга мос бўлган дехқончилик усуллари жорий этилган.	✓	✓

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклюзивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Кўрсаткич	Иқлим ўзгаришига мослашиш	Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатишиш
2.1.3 [ДХ – ЎФХ – ЙФХ] Тупроқ тузилмаси бузилишини минималлаштирадиган маҳаллий шароитга мос бўлган дехқончилик усуллари жорий этилган.	✓	✓
2.1.4 [СХ – МФ – ЛФ] Тупроқ ва ўсимлик эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда, ўғитларни оптимал қўллаш фойдани максимал даражада ошириш ва салбий таъсирларни минималлаштиришга қаратилган бўлиб, бунда қўйидагилар ҳисобга олинади ва танлаб олинади:	✓	✓
(i) Тўғри озуқа манбаси; (ii) Тўғри доза; (iii) Тўғри муддат; (iv) Тўғри қўллаш жойи.	✓	
2.1.5 [ДХ – ЎФХ – ЙФХ] Ўсимлик ва тупроқнинг озуқавий эҳтиёжларини қондириш учун муқобил усуллар (синтетик ўғитлардан ташқари) қўлланади. Вақт ўтиши билан синтетик ўғитлардан фойдаланишни минималлаштириш чоралари кўрилмоқда.	✓	
2.2.1 [ДХ – ЎФХ – ЙФХ (фақат суғориладиган ерлари бўлган фермер хўжаликлари)] Суғориш самарадорлигини ошириш ва сув унумдорлигини максимал даражада ошириш учун суғориш усуллари, технологиялари ва муддатлари режалаштирилиб, жорий этилади.	✓	✓
2.2.2 [ДХ – ЎФХ – ЙФХ (фақат лалмикор ерлари бўлган фермер хўжаликлари)] Ёғингарчиликнинг ўзгарувчан миқдори, интенсивлиги ва вақтидан келиб чиқсан ҳолда қишлоқ хўжалиги усулларини самарали бошқариш жорий этилган.	✓	✓
2.3.1 [ДХ – ЎФХ – ЙФХ] Сув ҳавзаларини муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади.	✓	✓
2.3.2 [ДХ – ЎФХ – ЙФХ] Табиий яшаш муҳитлари ва биологик хилма-хиллик асралади ва вақт ўтиши билан уларни маҳаллий ёки минтақавий устувор мақсадларга мувофиқ яхшилаш чоралари кўрилади.	✓	✓
2.3.3 [ДХ – ЎФХ – ЙФХ] Экин майдонларида деградацияга учраган майдонлар аниқланиб, вақт ўтиши билан уларни маҳаллий ёки минтақавий устувор мақсадларга мувофиқ тиклаш чоралари кўрилади.	✓	✓
2.4.1 [ДХ – ЎФХ – ЙФХ] Пахта етиштирувчи 2019 йилнинг 31 декабридан кейин табиий экотизимлардан ўзлаштириладиган ерларда пахта етиштирилмаслигини кафолатлайди.	✓	

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклюзивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Күрсаткыч	Иқлим үзгаришига мослашиш	Иқлим үзгариши оқибатларини юмшатиши
2.4.2 [ДХ – ЎФХ – ЙФХ] Ҳар қандай ерни ўзлаштиришдан аввал, табиий экотизимлар ва юқори муҳофаза қийматига әга ҳудудлар асралышини таъминлаш учун Better Cotton ташаббуси томонидан ерлар ўзлаштирилишини баҳолаш ўтказилиши керак. Баҳолаш асосида ишлаб чиқылған чора-тадбирлар 1-принципда күрсатилған фаолият ва мониторинг режалари доирасыда түлиқ амалга оширилади.	✓	
3.1.1 [ДХ – ЎФХ] Зааркунандаларга қарши комплекс курашиш (ЗҚҚК) стратегияси ишлаб чиқылған ва амалга оширилаётган бўлиб, у:	✓	✓
(i) 3.1.2-3.1.6- күрсаткычларини қамраб олади; (ii) вақт ўтиши билан ЗҚҚК усуллари тўғрисидаги хабардорликни ошириш ва уларни жорий этишни қўллаб-қувватлайди; (iii) 1-принципга мувофиқ фаолият ва мониторинг режаларини ишлаб чиқишига асос бўлади.	✓	✓
3.1.2 [ДХ – ЎФХ] Соғлом ҳосил этиштиришга ёрдам берадиган, зааркунандалар популяцияси ва касалликларининг кўпайишига тўсқинлик қиласидиган ва фойдали организмлар популяциясини сақлаб қолиш ва кўпайтиришга ёрдам берадиган усуллар қўлланади.	✓	✓
3.1.3 [ДХ – ЎФХ] Фермерларга маҳаллий этиштириш шароитларига мослигини ҳисобга олиш ва асосий зааркунандалар ва/ёки касалликларга мойилликни камайтириш асосида тегишли уруғлик навлари тўғрисида маълумот берилади.	✓	✓
3.1.4 [ДХ – ЎФХ] Экинлар саломатлиги ҳамда зааркунандалар ва фойдали организмлар даражаси мунтазам мониторинг қилинади. Зааркунандаларга қарши қачон ва қай тарзда курашишни аниқлаш учун дала кузатувлари ва қарор қабул қилиш воситаларидан фойдаланилади.	✓	✓
3.1.5 [ДХ – ЎФХ] Фермерлар асосий зааркунандаларга қарши курашишнинг кимёвий бўлмаган усулларидан (масалан, биологик, жисмоний ва маданий) хабардор бўлиб, уларга ЗҚҚК стратегиясининг бир қисми сифатида устуворлик берилади.	✓	
3.1.6 [ДХ – ЎФХ] Пестицидлар фақат зааркунандалар кўпайиш даражасининг маълум чегарасига эришилганда қўлланади. Пестицидлар қўлланган тақдирида: (i) токсиклик даражаси паст бўлган фаол моддаларга афзаллик берилади; (ii) улар экин ўсишига қаршиликни юмшатиши мақсадида танланади ва қўлланади.	✓	

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Күрсаткыч	Иқлим ўзгаришига мослашиш	Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиши
-----------	---------------------------------	---

3.1.7 [ЙФХ] Зааркунандаларга қарши комплекс курашиш стратегияси амалга оширилаётган бўлиб, у:

- (i) зааркунандалар популяцияси ва касалликларининг кўпайишини олдини олади ва фойдали организмларни сақлайди;
- (ii) экинлар саломатлиги, зааркунандалар, касалликлар ва фойдали организмларнинг мунтазам мониторингини ўз ичига олади;
- (iii) кимёвий бўлмаган усулларга афзаллик беради;
- (iv) кимёвий моддалар фақатгина зааркунандалар кўпайишнинг чегаравий даражасига етганда қўлланишини таъминлайди;
- (v) токсиклик даражаси паст бўлган фаол моддаларга устунлик беради ва агар кимёвий моддалар ишлатилса, экин ўсишига қаршиликнинг олдини олади.

3.3.1 [ДХ – ЎФХ – ЙФХ] Better Cotton ташаббуси томонидан тақиқланган пестицидлар рўйхатига киритилган йута хавфли пестицидлар (ЎХП) қўлланмайди.

3.3.2 [ДХ – ЎФХ – ЙФХ] 2028 йилга келиб, Кимёвий моддаларни таснифлаш ва ёрлиқлашнинг глобал ўйғуллаштирилган тизимиға (ГУТ) мувофиқ, канцероген (1а ёки 1б тоифалари), мутаген (1а ёки 1б тоифалари) ёки репротоксик (1а ёки 1б тоифалари) сифатида белгиланган пестицидларни қўллашдан босқичма-босқич воз кечиш режаси амалга оширилади.

3.4.1 [ДХ – ЎФХ – ЙФХ] Better Cotton ташаббуси томонидан Атроф-муҳит учун юқори хавф даражасига эга моддалар рўйхатига киритилган пестицидлар қўлланганда, атроф-муҳит учун хавфларни камайтириш чоралари кўрилади.

4.1.1 Юқори сифатли тола олиш эҳтимолини ошириш учун уруғ танлаш (иложи бўлса), экиш муддати, экиш меъёри, қатор оралиқлари кенглиги, экинларнинг ўсиши ва бегона ўтларга қарши кураш бўйича маҳаллий нуқтаи назардан долзарб бўлган илғор усувлар қўлланилади.

5.8.2 [ДХ – ЎФХ – ЙФХ] Ишчиларга дам олиш учун мунтазам танаффуслар тақдим этилиб, бу вақтда ичимлик сувидан фойдаланиш имконияти ҳам яратилади. Тана сувсизланиши, қуёш уриши ва бу билан боғлиқ касалликлар хавфи мавжуд бўлган жойларда сояда сақланиш имкониятлари таъминланади, шу билан бирга, бу муаммоларнинг олдини олиш ва ҳал қилиш мақсадида бошқа чоралар кўрилади.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Кўрсаткич	Иқлим ўзгаришига мослашиш	Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиши
5.8.3 [ДХ – ЎФХ – ЙФХ] Хавфсизлик ва саломатлик учун хавфлар аниқланиб, уларни минималлаштириш бўйича чоратадбирлар кўрилади (шу жумладан, фермерлар, ишчилар ва тегишли раҳбарлар учун тренинглар ўтказилади).		✓
Бахтсиз ҳодисалар ёки жароҳат олиш ҳолатлари содир бўлганда, тиббий ёрдам кўрсатилади ва бундай ҳолатлар тақрорланишининг олдини олиш чоралари кўрилади.		✓
6.1.1 [ДХ – ЎФХ] Пахта етиштирувчи фермер хўжаликлари даражасида пахта етиштириш билан шуғулланувчи шахслар ва ҳамжамият даражасидаги бошқа тегишли манфаатдор томонлар билан ҳамкорлик қилиш асосида даромад манбаларининг асосий йўналишларини белгилайди.	✓	✓
6.1.2 [ДХ – ЎФХ] 6.1.1-кўрсаткичга асосланган ҳолда, вақт ўтиши билан даромад манбалари асосий йўналишларининг такомиллашиши таъминланадиган маҳаллий нуқтаи назардан долзарб чоралар кўрилади.	✓	✓

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклюзивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

# 3-иЛОВА: Атамалар луғати

Атама	Таърифи
<b>Фойдали ҳашаротлар / организмлар</b>	Ҳосчилга фойда келтирадиган ҳар қандай организм. Афзаллик томони зааркундаларга қарши кураш, чанглатиш ва тупроқ саломатлигини сақлашни ўз ичига олади. Фойдали организмларнинг акси - зааркундалар.
<b>Better Cotton ташаббуси лицензияси</b>	Текшириш натижаларига мувофиқ, Better Cotton лицензияси Пахта етиштирувчи (ишлаб чиқарувчилар бирлашмаси ёки йирик фермер хўжалиги) даражасида тамойил ва мезонларида барча тегишли кўрсаткичларга мувофиқлигига баҳолангандан кейин берилади. Бу - Пахта етиштирувчиларга ўз пахтасини таъминот занжирида Better Cotton ёрлиғи остида сотишга имкон беради.
<b>Биологик хилма-хиллик</b>	Экотизимлар фаолият юритиши ва хизматлар кўрсатиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлган тирик организмлар - ўсимлик, ҳайвон, замбуруғ ва микроорганизмлар орасидаги хилма-хиллик. <sup>9</sup>
<b>Жадвал бўйича пуркаш</b>	Пестицидларни зааркундалар популяциясини ҳисобга олмаган ҳолда маълум кунларда ёки вақтларда қўллаш.
<b>Салоҳиятни мустаҳкамлаш</b>	Ушбу ҳужжатга мувофиқ, фермер хўжаликлари даражасида пахта етиштириш билан шуғулланувчи шахслар ижтимоий иқтисодий тараққиёт ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш жараёнига ижобий таъсир кўрсатишини таъминлаш учун билим, кўнинма, қобилият ва қарашларни юзага чиқариш, мустаҳкамлаш, яратиш, мослаштириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирлар. <sup>10</sup>
<b>Канцероген, мутаген ёки репротоксик (KMR) моддалар</b>	Канцероген, мутаген ва репротоксик (KMR) моддалар инсон саломатлигига муайян турдаги зарар етказадиган моддалардир. Канцероген кимёвий моддалар саратонни келтириб чиқариши ёки уни ривожлантириши мумкин. Мутаген кимёвий моддалар генетик мутацияларга олиб келиши мумкин. Репротоксик кимёвий моддалар репродуктив жараёнга зарар етказиши мумкин.

<sup>9</sup> ФАО. "Ўғитлардан барқарор фойдаланиш ва бошқариш бўйича халқаро ахлоқ кодекси". (2019 йил). 2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра. <https://www.fao.org/3/ca5253en/ca5253en.pdf>.

<sup>10</sup> Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти. Имкониятларни ривожлантириш: DAC қўмитаси устувор йўналишлари. (2010 йил). 2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра. <https://www.oecd.org/dac/conflict-fragility-resilience/governance/docs/46682429.pdf>.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Кўшимча маълумот учун бизнинг "Ижтимоий инклузивликка содиклик" деб номланган ҳужжатимиз ҳамда "фермерлар" ва "ишчилар" тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Атама	Таърифи
<b>Болалар меҳнати</b>	<p>Болаларни болалик, салоҳиятни юзага чиқариш ва қадр-қимматидан маҳрум қиласиган, уларнинг жисмоний ва ақлий ривожланишига зиён етказадиган меҳнат. Бундай меҳнат:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- болалар учун ақлий, жисмоний, ижтимоий ёки маънавий жиҳатдан хавфли ва заرارли; ва/ёки</li> <li>- уларнинг таълим олишига қўйидагича таъсир ўтказади: <ul style="list-style-type: none"> <li>○ мактабга қатнаш имкониятидан маҳрум қилиш;</li> <li>○ мактабни муддатидан аввал ташлаб кетишга мажбурлаш; ёки</li> <li>○ мактабда ўқишни ҳаддан ташқари узоқ давом этадиган ва оғир иш билан бирга олиб боришни талаб қилиш.<sup>11</sup></li> </ul> </li> </ul>
<b>Иқлим ўзгариши</b>	Ер сайдерасидаги маҳаллий, минтақавий ва глобал иқлимини белгилайдиган ўртача об-ҳаво шароитларининг узоқ муддатли ўзгариши. Бу - инсониятнинг глобал атмосфера таркиби ўзгаришига таъсир қиласиган фаолияти билан тўғридан-тўғри ёки билвосита боғлиқ бўлиб, қиёсланадиган вақт оралиғида кузатиладиган иқлимининг табиий ўзгарувчанлигига қўшимча ҳисобланади. <sup>12</sup>
<b>Иқлим ўзгариши оқибатларига мослашиш</b>	Табиий ва антропоген тизимларнинг иқлим ўзгариши олдидағи ҳимоясизлигини камайтириш ва унинг ҳақиқий ёки кутилаётган оқибатларига чидамлиликни оширишга қаратилган индивидуал ёки жамоавий стратегия, ташаббус ва чоратадбирлар.
<b>Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш</b>	Ис газлари манбаларини камайтириш ёки газларни ютувчиликлар ҳажмини оширишга қаратилган инсон аралашуви. <sup>13</sup>
<b>Мажбурлаш</b>	Шахснинг хоҳишига зид равища уни ишлатиш учун қўлланадиган ҳар қандай таҳдид ва жазолаш таҳдиди. Ишчилар ҳақиқатан ҳам зўрлаб ишлатишга дучор бўлиши ёки зўрлаб ишлатиш билан оғзаки таҳдид қилиниши ёки бошқа ҳамкаслари ихтиёрий бўлмаган меҳнат билан боғлиқ равища зўрлаб ишлатилишнинг гувоҳи бўлиши мумкин. Зўрлаб ишлатиш элементлари, жумладан, ишчилар ёки уларнинг оила аъзолари, қариндошлари ёки яқин ҳамкорларига нисбатан таҳдид ёки зўравонлик; ҳаракатни чеклаш; қарздорлик қуллиги ёки қарз орқали манипуляция қилиш; иш ҳақи ёки бошқа ваъда қилинган имтиёзларни

<sup>11</sup> XMT. 'Бола меҳнати деганда нима тушунилади (IPEC)'. 2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра. <https://www.ilo.org/ipec/facts/lang-en/index.htm>

<sup>12</sup> Манба: Иқлим ўзгариши бўйича эксперталарнинг ҳукumatлароро панели. "Глобал ҳароратнинг 1,5°C даражага ортиши. Глобал ҳарорат 1,5 °C даражага ортишининг таъсири бўйича ИЎЭХП махсус ҳисоботи. Луғат, (2018 йил).2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра. <https://www.ipcc.ch/sr15/chapter/glossary/>.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг "Ижтимоий инклузивликка содиклик" деб номланган ҳужжатимиз ҳамда "фермерлар" ва "ишчилар" тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Атама	Таърифи
	ушлаб қолиш; қимматли ҳужжатларни (масалан, шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар ёки яшаш учун рухсатномалар) ушлаб қолиш ва ҳуқуқ ёки имтиёзлар беришни рад этиш, ишдан бўшатиш ёки депортация қилиш билан таҳдид қилиш орқали ишчиларнинг ҳимоясизлигини суиистеъмол қилишни ўз ичига олиши мумкин. <sup>14</sup>
Жамоавий ҳаракатлар	Жамоавий ҳаракатлар ҳамкорликнинг ўзига хос шакли бўлиб, алоҳида ҳаракатлар билан боғлиқ кўплаб масалаларни ҳал қилиш орқали экологик ва ижтимоий муаммоларни енгигб ўтишга қаратилган. Жамоавий ҳаракатлар ташкилотларо ҳамкорликдан иборат. Маҳаллий аҳоли вакилларини жалб қилиш, маҳаллий аҳоли вакиллари билан ҳамкорлик, фуқаролар билан ҳамкорлик қилиш, хизмат кўрсатишни ўрганиш, кўнгиллилик ҳамда коалициялар бундай ҳамкорликка мисол бўлиши мумкин.
Зарарланиш	"Better Cotton ташаббусининг тамойил ва мезонлари" нуқтаи назаридан, заарланиш деганда пестицидларнинг инсон саломатлиги, озиқ-овқат маҳсулотлари ва атроф-муҳитга таъсири тушунилади. Бундай таъсир пестицидлар ва уларнинг идишларини нотўғри ишлатиш, сақлаш ёки утилизация қилиш натижасида юзага келиши мумкин. Атроф-муҳит ифлосланиши содир бўлганда, бу - тўғридан-тўғри ёки билвосита тупроқ, сув, экин, ҳашаротлар (шу жумладан, фойдали ҳашаротлар), ҳайвонлар, нишон гуруҳига кирмайдиган ўсимликлар ва атрофдаги аҳоли вакилларига таъсир қилиши мумкин.
Зарарланиш (пахта толаси)	Пахта тўвидаги пахта момифи ёки қолдиқдан (пахта баргидан) бошқа ҳар қандай материал бўлиб, у ҳар қандай кўриниш ва турдаги сунъий (масалан, мой, пластмасса, мато, соч, машина қисмлари ва бошқалар) ёки табиий (масалан, пўстлоқ, ўт, уруғ пўстлоғи бўлаклари ва бошқалар) бегона модда бўлиши мумкин. Заарланиш пахтани териш, ташиш ва тозалаш жараёнида юзага келиши мумкин бўлиб, жут, мато, ип бўлаклари, полиэтилен, полипропилен ип бўлаклари, инсон ва ҳайвонларнинг туклари, металл буюмлар, қушларнинг патлари, қофоз, сигарета қутилари ва бошқаларни ўз ичига олиши мумкин.
Ўзлаштириш (табиий экотизимларни)	Табиий экотизим ердан фойдаланишнинг бошқа шаклига ўзгартирилиши ёки табиий экотизим жисмоний тузилиши ва тур таркибининг чуқур ўзгаришига олиб келадиган жиддий ва доимий деградация жараёни. <sup>15</sup>
Мезонлар	Мезонлар - бу тамойил доирасида эришиш кўзланадиган натижалар.

<sup>14</sup> XMT Статистика департаменти. "Мажбурий меҳнатни ўлчаш бўйича кўрсатмалар". (2018 йил). 2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра. [https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---dgreports/-stat/documents/meetingdocument/wcms\\_648619.pdf](https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---dgreports/-stat/documents/meetingdocument/wcms_648619.pdf).

<sup>15</sup> Манба: Accountability Framework ташаббуси. "Terms and definitions". (June 2019). 2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра. <https://accountability-framework.org/wp-content/uploads/2019/07/Definitions.pdf>.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Кўшимча маълумот учун бизнинг "Ижтимоий инклузивликка содиклик" деб номланган ҳужжатимиз ҳамда "фермерлар" ва "ишчилар" тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Атама	Таърифи
Ўсимлик касаллиги	Ўсимлик касаллиги ўсимликнинг асосий физиологик ёки биокимёвий тизимлари ўсимлик патогенлари томонидан бузилганида юзага келиб, бу симптомлар пайдо бўлишига олиб келади. Ўсимликлар патогенлари, одатда, замбуруғли, бактериал, вирусли организмлар ёки нематодалардир.
Эқинлар хилма-хиллиги	Эқинлар хилма-хиллиги - қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган ўсимликлар генетик ва фенотипик хусусиятларининг турфа хиллиги. Ўтган 50 йил ичida эқинлар хилма-хиллигининг иккита компонентида - ҳар бир эқиннинг генетик хилма-хиллиги ва кенг тарқалган турлар сонида катта пасайиш кузатилди. Эқинларнинг ер устидаги хилма-хиллиги ер остидаги хилма-хилликка олиб келади, негаки ўсимликларнинг ҳар хил турлари турли тупроқ организмлари билан биргаликда тупроқнинг табиий озуқа тармоғини озуқа билан таъминлайди. Турли озуқа цикллари учун турли организмлар масъул бўлиб, тупроқнинг озуқа тармоғи ўзаро алоқалар имкон қадар кўпроқ бўлганда энг самарали тарзда ишлади. <sup>16</sup>
Алмашлаб экиш	Алмашлаб экиш - тупроқ саломатлигини яхшилаш, тупроқдаги озуқа моддалар таркибини оптималлаштириш ҳамда зааркундалар ва бегона ўтлар босимиға қарши курашиш учун битта ер участкасига турли эқинларни навбатма-навбат экиш амалиёти. <sup>17</sup>
Сўнгги муддат	Сўнгги муддат деганда, Better Cotton ташаббусининг ерларни ўзлаштириш борасидаги ёндашувига кўра, ерларнинг ўзлаштиришнинг муайян турларига рухсат берилмайдиган муддат тушунилади. <sup>18</sup>
Қарздорлик қуллиги	Қарздорлик қуллиги деганда қарзни тўлай олмаслик туфайли ишни ташлаб кета олмаслик тушунилади. <sup>19</sup>
Муносиб меҳнат	Муносиб меҳнат деганда барча эркинлик, адолат, хавфсизлик ва инсон қадр-қиммати таъминланган шароитда самарали меҳнат қилиши учун тенг имкониятлар яратилган меҳнат тушунилади. Ушбу концепция хавфсиз ва унумдор меҳнат, ижтимоий муҳофаза ва ижтимоий мулоқотни рағбатлантириш билан бир қаторда, XMTнинг меҳнат соҳасидаги асосий стандартлари <sup>20</sup> ва миллий меҳнат қонунчилигига мустаҳкамланган меҳнат ҳуқуқларига риоя қилишни ўз ичига олади.

<sup>16</sup> Farming for a Better Climate. 'Regenerative Farming, Maximising Crop Diversity Practical Guide'. 2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра.

<https://www.farmingforabetterclimate.org/downloads/practical-guide-regenerative-agriculture-maximising-crop-diversity/>.

<sup>17</sup> Родейл институти. 'Crop rotation'. 2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра. <https://rodaleinstitute.org/why-organic/organic-farming-practices/crop-rotations/>.

<sup>18</sup> Accountability Framework ташаббуси. 'Operational Guidance on Cutoff Dates'. (June 2019). 2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра. <https://accountability-framework.org/operational-guidance/cutoff-dates/>.

<sup>19</sup> XMT ва Walk Free жамғармаси. 'Global Estimates of Modern Slavery: Forced Labour and Forced Marriage'. (2017). 2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра.

[https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/@dgreports/@dcomm/documents/publication/wcms\\_575479.pdf](https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/@dgreports/@dcomm/documents/publication/wcms_575479.pdf).

<sup>20</sup> XMT. 'ILO Declaration on Fundamental Principles and Rights at Work and Its Follow-up'. 2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра. [https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/-ed\\_norm--declaration/documents/normativeinstrument/wcms\\_716594.pdf](https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/-ed_norm--declaration/documents/normativeinstrument/wcms_716594.pdf).

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг "Ижтимоий инклузивликка содиклик" деб номланган ҳужжатимиз ҳамда "фермерлар" ва "ишчилар" тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Атама	Таърифи
<b>Деградацияга учраган ҳудуд / ер</b>	<p>Деградацияга учраган ерлар – инсон томонидан бевосита ёки билвосита содир этилган жараёнлар натижасида ўз табиий ҳосилдорлигининг бир қисмини ёки бошқа экологик қийматларини йўқотган ерлар. Бундай ерда пахта етиштириш имкони сақланиб қолади, аммо бу ҳосилдорлик ва табиий имкониятлар мумкин бўлганидан камроқ бўлишини билдиради.</p> <p>Деградацияга учраган ер доим ҳам ориқ ердек кўринмасдан, белгилар сезилмаслиги мумкин.</p> <p>Юқори даражадаги деградацияга учраган ерларда инсоннинг яққол ва давомли таъсири (тўғридан-тўғри ёки билвосита) маҳаллий ўсимликларнинг жисмоний тузилиши ва тур таркибини шу даражада ўзгартирган бўладики, фаол тиклаш чоралари кўрилмаган тақдирда, ер узоқ мuddат давомида экологик қийматлар билан таъминлай олмайди.<sup>21</sup></p>
<b>Камситиш</b>	<p>Камситиш деганда иш мезони ёки талблари билан боғлиқ бўлмаган ҳар қандай хусусият асосидаги фарқлаш, истисно қилиш ёки афзаллик бериш тушунилади. Бунга шу жумладан, гендер ўзига хослик ёки жинсий хусусиятлар, жинсий ориентация, ёш, миллат, этник келиб чиқиш, тил, ирқ, синф, табака, ижтимоий келиб чиқиш, дин, эътиқод, қобилиятлар ва ногиронлик ҳолати, саломатлик, сиёсий мансублик, сиёсий қарашлар, касаба уюшмаси ёки бошқа ишчилар ташкилотига аъзолик, оиласи ҳолати ва ҳомиладорлик ва ҳоказолар билан боғлиқ камситиш турлари киради.<sup>22</sup></p>
<b>Иқтисодий чегара</b>	<p>Зааркунандалар популациясининг кўпайиш ёки экинларга зарар етказиш даражаси бўлиб, бунда нобуд бўлган ҳосилнинг қиймати зааркунандаларга қарши курашиб ёки экинларга ишлов бериш харажатларидан ошиб кетади.</p>
<b>Оила аъзолари</b>	<p>Оила аъзолари ёки, қишлоқ хўжалиги нуқтаи назаридан олиб қараганда - оиласи ҳосилнинг бошқа аъзосига фермер хўжалигини юритишида ёрдам берадиган ва ёлланма ишчи ҳисобланмайдиган шахслар. Улар фермер хўжалиги эгасининг турмуш ўртоғи, қизи ёки ўғли ёки бошқа қариндош, масалан, опаси ёки укаси, холаси, амакиси ёки тоғаси бўлиши мумкин. Бунда улар хўжалик эгаси билан бир хонадонда ёки битта ер участкасида жойлашган уйда яшаб, майший манфаатлари умумий бўлиши лозим.<sup>23</sup></p>
<b>Фермер</b>	Better Cotton ташаббусининг Тамойил ва мезонларида қўлланилган «фермерлар» тушунчаси фермер хўжалигидаги вазифалар ва қарор қабул қилиш масъулияти баҳам кўрилган ҳар қандай жинс, келиб чиқиш ва ўзига хосликка эга бўлган шахсларни ўз

<sup>21</sup> Accountability Framework ташаббуси, Табиат учун безарар биоматериалларга бағишлиланган “давра сухбати” ва саратон касалликлари тадқиқотлари билан шуғулланадиган докторантларнинг Халқаро конференцияси материаллари асосида.

<sup>22</sup> XMT. 'ILO Declaration on Fundamental Principles and Rights at Work and Its Follow-up'. Discrimination (Employment and Occupation) Convention, 1958 (No. 111), (1958). 2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра. [https://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=NORMLEXPUB:12100:0::NO::P12100\\_ILO\\_CODE:C111](https://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=NORMLEXPUB:12100:0::NO::P12100_ILO_CODE:C111).

<sup>23</sup> eurostat. 'Glossary: Farm Labour Force - Family Labour'. Eurostat Statistics Explained. 2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра. [https://ec.europa.eu/eurostat/statistics-explained/index.php?title=Glossary:Farm\\_labour\\_force\\_-\\_family\\_labour](https://ec.europa.eu/eurostat/statistics-explained/index.php?title=Glossary:Farm_labour_force_-_family_labour).

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Кўшимча маълумот учун бизнинг “Ижтимоий инклузивликка содиклик” деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Атама	Таърифи
	ичига олади. Ижарачилар ва чоракорлар ишлаб чиқариш харажатларини бўлишиб, ишлаб чиқариш усуллари учун жавобгар бўлса, улар ҳам <b>фермер</b> ҳисобланади.
<b>Фермерлик ҳамжамиятлари</b>	Пахта етиштириладиган ҳудудда пахтачиликдан фойда кўраётган ёки унга дахлдор бўлган, жараёнда бевосита иштирок этадиган фермерлар, ишчилар, уларнинг оила аъзолари ва бошқа шахслар.
<b>Ўғитлар</b>	Ўғит деганда ўсимликларни озуқавий моддалар билан таъминлаш учун қўлланадиган кимёвий ёки табиий модда ёки материал тушунилиб, одатда, тупроққа, шунингдек баргларга ҳам қўлланади. <sup>24</sup> Синтетик ёки ноорганик ўғитлар кимёвий жараёнлар, минерал қазиб олиш ёки механик майдалаш йўли билан саноатда ишлаб чиқариладиган озуқавий моддаларга бой ўғитлар. Органик ўғитлар - органик материаллардан, жумладан, қайта ишланган ёки ишлов берилмаган чорва гўнги, компост, биогумус, канализация сувлари чўқмалари ва бошқа органик материаллар ёки озуқавий моддаларни етказиб бериш учун ишлатиладиган аралаш материаллардан олинган углеродга бой ўғитлар. <sup>25</sup>
<b>Тола сифати</b>	Пахта толасининг сифати учта умумий элемент орқали аниқланади: толанинг табиий хусусиятлари (пишиклиги, узунлиги, ингичкалиги ва бир хиллиги), қолдиқ даражаси (момиқ ичида қолган пахта барглари) ва зарарланиш даражаси (пахта момифи ичида топилган пахта толаси ёки пахта барги бўлмаган ҳар қандай нарса).
<b>Жойлардаги мувофиқлаштирувчи</b>	Жойлардаги мувофиқлаштирувчилар Better Cotton ташаббусининг ишлаб чиқариш бирлашмалари бошқарув тузилмаси аъзоси ҳисобланади. Улар фермерларни бирлаштириш, фермер хўжаликлари даражасидаги маълумотларни тўплаш ва фермерлик ҳамжамиятларида салоҳиятни кучайтириш тадбирларини ўтказишида ёрдам берадиган, маҳсус тайёргарликка эга бўлган дала даражасидаги ходимлардир. Жойлардаги мувофиқлаштирувчилар, одатда, Дастур ҳамкорлари ёки уларнинг маҳаллий ҳамкорлари томонидан ишга ёлланади.
<b>Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат</b>	Мажбурий меҳнат - бу жазо таҳди迪 остида бажариш талаб қилиниб, шахс уни бажариш учун ўзини ихтиёрий равишада таклиф қилмаган иш. <sup>26</sup> Моҳиятан, шахс ишга ёки хизматга ўз хоҳиш-истакларига зид равиша кирса ва ишини жазоланмасдан ёки жазо таҳдиисиз ташлаб кета олмаса, мажбурий меҳнат ҳолатида бўлади.
<b>Ихтиёрий, аввалдан ва онгли равиша берилган розилик</b>	Туб халқлар ва маҳаллий ҳамжамиятларнинг ҳуқуқлари, ерлари, ресурслари, ҳудудлари, даромад манбалари ва озиқ-овқат хавфсизлигига дахл қилиши мумкин бўлган ҳар қандай фаолият бошланишидан аввал улар ўз розилигини бериши ёки рад

<sup>24</sup> FAO. 'Global Soil Doctors Programme: A Farmer-to-farmer Training Programme'. (2019). 2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра. <https://www.fao.org/3/ca7496en/ca7496en.pdf>.

<sup>25</sup> ФАО. 'The International Code of Conduct for the Sustainable Use and Management of Fertilizers'. (2019). 2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра. <https://www.fao.org/3/ca5253en/ca5253en.pdf>.

<sup>26</sup> XMT. "Мажбурий меҳнат тўғрисидаги конвенция, (29-сон)." (1930 йил). 2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра.  
[https://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=NORMLEXPUB:12100::NO:12100:P12100\\_ILO\\_CODE:C029:NO](https://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=NORMLEXPUB:12100::NO:12100:P12100_ILO_CODE:C029:NO).

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Кўшимча маълумот учун бизнинг "Ижтимоий инклюзивликка содиклик" деб номланган ҳужжатимиз ҳамда "фермерлар" ва "ишчилар" тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Атама	Таърифи
	этиши назарда тутилган жамоавий инсон ҳуқуқи. Мазкур ҳуқуқ эркин танланадиган вакиллар орқали урф-одатлар, қадриятлар ва меъёрларга мос келадиган тарзда амалга оширилади <sup>27</sup> .
Бирлашмалар эркинлиги	Бирлашмалар эркинлиги деганда ишчилар ва иш берувчиларнинг иш жойида уларнинг манфаатларини тарғиб ва ҳимоя қиласидиган ташкилотларни ҳеч қандай ташқи аралашувсиз эркин ташкил этиш ёки уларга қўшилиш ҳуқуқи тушунилади. Уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқи барча ишчилар ва иш берувчиларга, шу жумладан фермерлар ва норасмий иқтисодиётда банд бўлган бошқа шахсларга нисбатан ҳам амал қиласиди. Меҳнат соҳасидаги асосий ҳуқуқларидан бири сифатида бирлашмалар эркинлиги ишчиларга ўз меҳнат шароитларини ижтимоий мулоқот орқали шакллантириш имконини беради. <sup>28</sup>
Гендер тенглиги	Гендер тенглиги ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва имкониятлар инсоннинг гендер ўзига хослиги ёки жинсий хусусиятларига боғлиқ бўлиши мумкин эмаслигини англатади. Бу - аёлларнинг ҳам, эркакларнинг ҳам (шунингдек, қизлар ва ўғил болаларнинг) манфаатлари, эҳтиёжлари ва устувор мақсадлари эътиборга олинишини назарда тутиб, бунда турли одам гурухларининг хилма-хиллиги ва кенг қамровлилик хусусияти тан олинади. Гендер тенглиги аёллар муаммосигина бўлиб қолмасдан, жамиятнинг барча аъзоларини ташвишлантириши ва жалб қилиши керак бўлиб, у ҳам инсон ҳуқуқлари муаммоси, ҳам одамларга йўналтирилган барқарор ривожланишнинг бирламчи шарти ва кўрсаткичи сифатида қаралади. <sup>29</sup>
Кимёвий моддаларни таснифлаш ва ёрлиқлашнинг глобал уйғунлаштирилган тизими (ГУТ)	<p>Кимёвий моддаларни таснифлаш ва ёрлиқлашнинг глобал уйғунлаштирилган тизими (ГУТ) - кимёвий моддалар билан боғлиқ хавфларни таснифлаш ва улар тўғрисидаги маълумотларни етказиш учун стандартлаштирилган глобал тизим. ГУТ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, 2002 йилда қабул қилинган. Кейинчалик, кўплаб мамлакатлар ГУТни ўзининг тартибга солиш тизимлари учун асос сифатида қабул қилган.</p> <p>ГУТ кимёвий моддаларнинг кенг турларини қамраб олиб, уларнинг жисмоний, саломатлик ва атроф-муҳитга нисбатан бўлган хавф даражасига қараб таснифлаш мезонларини ўз ичига олади. Шунингдек, у маълумотларни стандартлаштирилган тарзда етказиш бўйича кўрсатмаларни, масалан, ёрлиқлаш элементлари, жумладан сигнал сўзлар, пиктограммалар ва хавф тўғрисидаги маълумотномалар; шунингдек, кимёвий моддаларнинг хавфи ва улар билан хавфсиз муомала қилиш ва уларни қўллаш тўғрисида батафсил маълумот берадиган стандартлаштирилган хавфсизлик паспортини ўз ичига олади.</p>

<sup>27</sup> Accountability Framework ташаббуси. 'Terms and Definitions'. (June 2019). 7 февраль ҳолатига кўра. <https://accountability-framework.org/wp-content/uploads/2019/07/Definitions.pdf>.

<sup>28</sup> ХМТ, Бирлашмалар эркинлиги ва уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 87-сон конвенция. (1948 йил). 2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра.

[https://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=NORMLEXPUB:12100:0::NO::P12100\\_INSTRUMENT\\_ID:312232](https://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=NORMLEXPUB:12100:0::NO::P12100_INSTRUMENT_ID:312232).

<sup>29</sup> Манба: БМТ-Аёллар тузилмаси. 'Gender Mainstreaming: Concepts and Definitions'. 2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра. <https://www.un.org/womenwatch/osagi/conceptsanddefinitions.htm>.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг "Ижтимоий инклузивликка содиклик" деб номланган ҳужжатимиз ҳамда "фермерлар" ва "ишчилар" тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Атама	Таърифи
	Умуман олганда, ГУТнинг мақсади кимёвий моддаларнинг хавфи тўғрисида изчил ва аниқ маълумот бериш орқали ишчилар ва аҳолининг хавфсизлигини ошириш. ГУТ, шунингдек, миллий, миңтақавий ва глобал даражада кимёвий моддаларга оид қоидалар ва меъёрларни уйғунлаштириш учун асос бўлиб хизмат қиласди.
<b>Шикоят киритиш механизми</b>	Ҳар қандай тадбиркорлик фаолияти ёки амалиётлари салбий таъсир кўрсатган ва шу муносабат билан шикоят киритишни истаётган ва буни иложи бўлса аноним тарзда амалга оширмоқчи бўлган жисмоний шахслар, ҳамжамиятлар ва/ёки уларнинг вакиллари учун расмий ёки норасмий, ҳуқуқий ёки ноҳуқуқий механизм. Шикоятларни кўриб чиқиш механизми ишончли ва очиқ бўлиши ҳамда барча манбаатдор томонлар тарафидан тан олиниши керак. Шикоятларни ҳал қилиш жараёни холис ва шаффо бўлиши, ҳар бир босқичда маҳфийлик мезонига ва шикоятчининг ҳоҳиш-истакларига риоя қилиниши керак.
<b>Пестицидларга қарши курашиш ҳаракати тармоғи (PAN)<sup>30</sup> ўта хавфли пестицидлар (ҮХП) ҳалқаро рўйхатининг 3-гурӯҳи</b>	<p>Пестицидларга қарши курашиш ҳаракати тармоғи (PAN)<sup>30</sup> ўта хавфли пестицидлар (ҮХП) ҳалқаро рўйхатининг 3-гурӯҳи</p> <p>Рўйхат Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, АҚШ Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш агентлиги (EPA), Европа комиссияси ва пестицидлар хусусиятлари маълумотлар базасидан олинган маълумотларни тўплаш орқали тузилган.</p> <p>3-гурӯҳда PAN нинг экологик токсиклик мезонларига жавоб берадиган фаол моддалар мавжуд. Улар қўйидагича таснифланади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Тупроқ, чўкинди ва денгиз/чучук сувда жуда чидамли</li> <li>- Кучли биоаккумуляция хусусиятига эга</li> <li>- Сув организмлари учун ўта заҳарли</li> <li>- Асаларилар учун ўта заҳарли</li> </ul>

<sup>30</sup> Пестицидларга қарши курашиш ҳаракати ҳалқаро тармоғи. 'PAN International List of Highly Hazardous Pesticides (PAN List of HHPs)'. (2021 йил март). 2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра. [https://pan-international.org/wp-content/uploads/PAN\\_HHP\\_List.pdf](https://pan-international.org/wp-content/uploads/PAN_HHP_List.pdf).

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг "Ижтимоий инклузивликка содиклик" деб номланган ҳужжатимиз ҳамда "фермерлар" ва "ишчилар" тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Атама	Таърифи
<b>Тазиқ</b>	Шахснинг қадр-қимматини тушириш ёки унга қўрқув, душманлик, қадр-қиммат камситилиши, таҳқирланиш ёки иззат-нафсиға тегиш асосидаги муҳит яратишга қаратилган маълум бир хусусият билан боғлиқ бўлган номақбул хатти-ҳаракатлар. У тегажоғлик, жинсий зўравонлик ва қўрқитишни ўз ичига олади, лекин улар билан чекланмайди.
<b>Хавфли иш</b>	Бола меҳнати нуқтаи назаридан, хавфли иш Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) томонидан ўзининг табиати ёки бажариладиган шароитларига кўра, 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг соғлиғи, хавфсизлиги ёки ахлоқига зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай иш сифатида таърифланади. <sup>31</sup> Унга қишлоқ хўжалиги кимёвий моддалари, пестицидлар ва ўғитларни қўллаш, қишлоқ хўжалиги асбоб-ускуналари ва механизмларидан фойдаланиш; оғир материаллар ёки товарларни кўтариш ёки кўчириш; ер остида, сув остида ёки хавфли баландликларда хавфли ишларни бажариш ёки узоқ вақт давомида ёки ҳаддан ташқари иссиқликда ишлаш каби меҳнат турлари киради, лекин улар билан чекланмайди. Ёш ишчи томонидан бажариладиган ҳар бир фаолият катталар томонидан назорат қилиниши керак. ХМТнинг 182-сонли Конвенцияси (Бола меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисидаги конвенция) умумжаҳон миқёсида ратификация қилинган бўлиб, ХМТга аъзо барча давлатлар болалар бажариши мумкин бўлмаган хавфли вазифалар рўйхатига эга бўлиши кераклигини назарда тутади.
<b>Иссиқлик стресси</b>	Иссиқлик стресси одам танаси физиологик зиёнсиз тоқат қила оладиган даражадан ортиқ бўлган иссиқликни англатади. Ишчи иш пайтида иссиқ шароитда иш жойида бошидан кечираётган стресс даражасига тўртта экологик омил таъсир қиласи: ҳарорат, намлиқ, нурли иссиқлик (масалан, қуёш ёки печдан) ва шамол тезлиги. Иссиқлик стресси маълум бир чегарадан юқорига ўтганда, тананинг ички тартибга солиш механизмлари тана ҳароратини нормал фаолият учун зарур бўлган даражада ушлаб туришга қодир бўлмай қолади. Натижада, ноқулайлик, жисмоний функция ва имкониятларнинг чекланиши, шунингдек, жароҳатлар ва иссиқ ҳарорат билан боғлиқ касалликлар хавфи ортади. <sup>32</sup>

<sup>31</sup> XMT. Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенция, 1973 йил (138-сон). (1973). 2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра.

[https://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=NORMLEXPUB:12100:0::NO::P12100\\_ilo\\_code:C138](https://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=NORMLEXPUB:12100:0::NO::P12100_ilo_code:C138).

<sup>32</sup> XMT. 'Working on a WARMER Planet The Impact of Heat Stress on Labour Productivity and Decent Work'. (2019). 2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра. [https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/-dreports/--dcomm--publ/documents/publication/wcms\\_711919.pdf](https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/-dreports/--dcomm--publ/documents/publication/wcms_711919.pdf).

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг "Ижтимоий инклузивликка содиклик" деб номланган ҳужжатимиз ҳамда "фермерлар" ва "ишчилар" тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Атама	Таърифи
Юқори муҳофаза қиймати (ЮМҚ)	<p>Юқори муҳофаза қиймати - бу юқори ёки муҳим аҳамиятга эга бўлган биологик, экологик, ижтимоий ёки маданий қиймат.</p> <p>Юқори муҳофаза қийматларининг олтита тоифаси мавжуд:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- 1-ЮМҚ: Турларнинг хилма-хиллиги: глобал, минтақавий ёки миллий даражада муҳим бўлган эндемик турлар ва ноёб, йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёки йўқолиб кетаётган турларни ўз ичига олган биологик хилма-хиллик концентрацияси. Масалан, глобал миқёсда йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган бир неча қуш турининг мавжудлиги.</li> <li>- 2-ЮМҚ: Ландшафт даражасидаги экотизимлар, экотизим мозаикалари ва инсон томонидан тегилмаган ўрмон ландшафтлари: глобал, минтақавий ёки миллий миқёсда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳамда тарқалиши ва популациянинг табиий шароитларида табиий равишда учрайдиган кўпчилик турларнинг ҳаётий популацияларини ўз ичига олган йирик, ландшафт даражасидаги экотизимлар ва экотизим мозаикалари. Бунга мезоамерика сув босган ўтлоқлар ва тўқай ўрмонларининг катта қисми гиацинг ара, ягуар, ёлдор бўри, баҳайбат қундуз ва кўплаб кичик турларнинг соғлом популациялари мисол бўлади.</li> <li>- 3-ЮМҚ: Экотизимлар ва яшаш муҳитлари: ноёб, йўқолиб кетиш хавфи остидаги ёки йўқолиб кетаётган экотизимлар, яшаш муҳитлари ёки пана жойлар. Бунга минтақада кам учрайдиган чучук сув ботқоқлари мисол бўлади.</li> <li>- 4-ЮМҚ: Экотизим хизматлари: Энг муҳим вазиятларда кўрсатиладиган асосий экотизим хизматлари, шу жумладан сув ҳавзалари муҳофазаси ва ҳимоясиз тупроқлар ва тоғ ёнбағирларининг эрозиясига қарши курашиш. Масалан, шаҳар тепасидаги тик қиялиқда қор кўчкиси хавфини туғдирадиган ўрмон.</li> <li>- 5-ЮМҚ: Ҳамжамият эҳтиёжлари: Маҳаллий ҳамжамиятлар ёки туб халқлар билан ҳамкорликда аниқланган ва уларнинг асосий эҳтиёжларини (даромад манбалари, саломатлик, овқатланиш, сув ва бошқалар) қондириш учун зарур бўлган асосий ҳудуд ва манбалар. Масалан, кун кечириш учун зарур миқдор даражасида яшаётган ҳамжамиятлар учун асосий ов ҳудудлари.</li> <li>- 6-ЮМҚ: Маданий қадриялар: Маҳаллий ҳамжамиятлар ёки туб халқлар билан ҳамкорликда аниқланган ва глобал ёки миллий маданий, археологик ёки тарихий аҳамиятга эга бўлган ва/ёки маҳаллий ҳамжамиятлар ёки туб халқларнинг анъанавий маданиятлари учун муҳим маданий, экологик, иқтисодий ёки диний/муқаддас аҳамиятга эга бўлган жойлар, ресурслар, яшаш муҳитлари ва ландшафтлари. Масалан, ўрмон хўжалиги ҳудудидаги муқаддас қабристон ёки янги қишлоқ хўжалиги плантацияси.<sup>33</sup></li> </ul>

<sup>33</sup> HCV Network. 'HCV Approach'. 2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра. <https://www.hcvnetwork.org/hcv-approach>.

Качонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг ["Ижтимоий инклузивликка содиклик"](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда "фермерлар" ва "ишчилар" тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Атама	Таърифи
<b>Ўта хавфли пестицидлар (ЎХП)</b>	БМТНИНГ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти/ЖССТНИНГ пестицидларни бошқариш бўйича қўшма йигилиши томонидан келишилган ЎХП мезонларига <sup>34</sup> мувофиқ, Ўта хавфли пестицидлар (ЎХП) деганда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) ёки Кимёвий моддаларни таснифлаш ва ёрлиқлашнинг глобал уйғунлаштирилган тизими (ГУТ) каби халқаро миқёсда қабул қилинган таснифлаш тизимлари ёки уларнинг тегишли мажбурий халқаро шартномалар ёки конвенциялар рўйхатига мувофиқ, инсон саломатлиги ва атроф-муҳит учун ўткир ёки сурункали хавфнинг юқори даражасига эга бўлган, деб эътироф этилган пестицидлар. Бундан ташқари, мамлакатдаги фойдаланиш шароитларида инсон саломатлиги ёки атроф-муҳитга жиддий ёки ортга қайтарилимайдиган зарар етказадиган пестицидлар ўта хавфли деб ҳисобланishi мумкин. <sup>35</sup>
<b>Үй хўжалигининг ташқи омилларга чидамлилиги</b>	Үй хўжаликларининг ташқи омилларга чидамлилиги оиласлар ва ҳамжамиятларнинг ҳимоясизликни чеклайдиган ва барқарорликни рағбатлантирадиган тарзда стресс ва зарбаларга тайёрланиш ва уларга қарши жавоб чоралари кўриш қобилиятини ўз ичига олади.
<b>Халқаро меҳнат ташкилотининг (ХМТ) мажбурий меҳнат ташкилотининг (ХМТ) мажбурий меҳнат кўрсаткичлари</b>	Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан мажбурий меҳнатнинг 11 та асосий кўрсаткичи аниқланган: ҳимоясизлик ҳолатини сунистеъмол қилиш, алдаш, ҳаракатланишни чеклаш, яккалаш, жисмоний ва жинсий зўравонлик, кўрқитиш ва таҳдидлар, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни ушлаб туриш, иш ҳақини ушлаб қолиш, қарздорлик қуллиги, таҳқирловчи меҳнат ва яшаш шароитлари ва иш вақтидан ташқаридаги меҳнатнинг ҳаддан ташқари кўплиги. Ҳаракатланишни чеклаш, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни ушлаб туриш, жисмоний ва жинсий зўравонлик ёки қўрқитиш ва таҳдид каби кўрсаткичлар мажбурий меҳнатнинг кучли кўрсаткичлари ҳисобланади. Бошқа кўрсаткичлар кучли кўрсаткич билан биргаликда мавжуд бўлиши мажбурий меҳнат ҳолатидан дарак бериши мумкин. <sup>36</sup>
<b>Инклюзивлик</b>	Инклюзивлик ижтимоий ҳимояга муҳтож ёки жамиятдан четлаштирилган шахсларнинг имкониятларини кенгайтириш, уларга ресурслардан фойдаланиш, овоз бериш, ҳуқуқларини таъминлаш, етакчилик ва қарор қабул қилиш жараёнларида иштирок этиш имкониятларини тақдим этиш орқали уларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётда иштирок этиш шартларини такомиллаштириш жараёни сифатида таърифланади. Better Cotton ташаббуси Тамойил ва мезонлари нуқтаи

<sup>34</sup> ФАО. 'Pest and Pesticide Management'. NSP - Highly Hazardous Pesticides (HHPs). 2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра. <https://www.fao.org/agriculture/crops/thematic-sitemap/theme/pests/code/hhp/en>.

<sup>35</sup> ФАО. 'International Code of Conduct on the Distribution and Use of Pesticides Annotated List of Technical Guidelines for the Implementation of the International Code of Conduct on the Distribution and Use of Pesticides'. (2013). 2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра. [https://www.fao.org/fileadmin/templates/agphome/documents/Pests\\_Pesticides/Code/Annotated\\_Guidelines2013.pdf](https://www.fao.org/fileadmin/templates/agphome/documents/Pests_Pesticides/Code/Annotated_Guidelines2013.pdf);.

ФАО/ЖССТ. 'International Code of Conduct on Pesticide Management Guidelines on Highly Hazardous Pesticides.' (2016). 2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра.

[http://apps.who.int/iris/bitstream/handle/10665/205561/9789241510417\\_eng.pdf;jsessionid=9CBD0065C301F4413677565AE78820B2?sequence=1](http://apps.who.int/iris/bitstream/handle/10665/205561/9789241510417_eng.pdf;jsessionid=9CBD0065C301F4413677565AE78820B2?sequence=1).

<sup>36</sup> ХМТ. ХМТНИНГ мажбурий меҳнат бўйича кўрсаткичлари. (2012 йил). 2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра. [https://www.ilo.org/global/topics/forced-labour/publications/WCMS\\_203832/lang-en/index.htm](https://www.ilo.org/global/topics/forced-labour/publications/WCMS_203832/lang-en/index.htm).

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг "Ижтимоий инклюзивликка содиклик" деб номланган ҳужжатимиз ҳамда "фермерлар" ва "ишчилар" тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Атама	Таърифи
	назаридан «инклузивлик» барча шахслар тадбирлар, хизматлар ва имтиёзлардан фойдаланишда тенг имкониятларга эга бўлишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш ва бунинг зарур бўлган чораларни кўришни англатади. Аёллар, ёшлар, ижтимоий ҳимояяга муҳтож ёки жамиятдан четлаштирилган гуруҳларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Иштирок этиш доирасида уларга ўзи учун муҳим бўлган масалаларга қачон ва қай тарзда ҳисса қўшишни танлаш имкони берилиши керак.
<b>Кўрсаткич</b>	Better Cotton ташаббуси Тамойил ва мезонларида Кўрсаткичлар ҳар бир мезон бўйича маҳсус талабларга тааллуқли бўлиб, улар асосида Пахта етиштирувчилар Better Cotton ёрлиғи остида пахта сотиш учун лицензия олишдан аввал мувофиқлик бўйича баҳоланади.
<b>Фермер хўжалигида пахта етиштириш билан шуғулланадиган шахслар</b>	Пахта етиштириш жараёнидаги вазифалари ва гендер ўзига хослиги, жинси, жинсий ориентацияси, ёши, миллати, этник келиб чиқиши, тили, ирқи, синфи, табақаси, ижтимоий келиб чиқиши, дини, эътиқоди, қобилиятлари ва ногиронлик ҳолати, соғлиги, сиёсий мансублиги, сиёсий қаравшлари, оиласији ёки бошқа ҳар қандай мақомидан қатъи назар, Better Cotton ёрлиғи остида пахта етиштириш билан шуғулланадиган томорқа хўжаликларининг барча аъзолари, ишчилар, ижарачилар, чоракорлар ва фермер хўжаликлари даражасидаги бошқа шахслар киради. <sup>37</sup>
<b>Зааркунандаларга қарши комплекс курашиш (ЗҚҚ)</b>	Зааркунандаларга қарши комплекс курашиш - бу зааркунандаларга қарши курашишнинг барча мавжуд усусларини синчилаб ўрганиб чиқиши асосида зааркунандалар популяциясининг ривожланишига тўсқинлик қилувчи тегишли чораларни бирлаштириш. У соғлом экинларни етиштириш ва пестицидлардан фойдаланиш даражасини минималлаштириш учун биологик, кимёвий, физик ва экинларга хос (маданий) бошқарув стратегиялари ва усусларини бирлаштиради. Бу орқали зааркунандаларга қарши табиатга безарар тарзда курашиш учун пестицидлар томонидан инсон саломатлиги ва атроф-муҳит учун келтириб чиқариладиган хавфлар камайтирилади ёки минимал даражага туширилади. <sup>38</sup>
<b>Кенг қамровлилик</b>	Кенг қамровлилик тушунчаси шахснинг жинси, ирқи, этник келиб чиқиши, жинсий ориентацияси, гендер ўзига хослиги, ногиронлик ҳолати, синфи каби тенгсизлик тизимлари ва камситилишнинг бошқа шакллари ўзаро кесишиб, ўзига хос динамика ва таъсирларни яратиш усусларини қамраб олади. Тенгсизликнинг барча шакллари бир-бирини тўлдириб, кучайтиради ва тенгсизликнинг бир шакли бошқасини кучайтиришига йўл қўймаслик учун улар бир вақтнинг ўзида таҳлил қилиниши ва ҳал қилиниши керак. <sup>39</sup>

<sup>37</sup> Манба: БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича департаменти. 'Report on the World Social Situation: Identifying Social Inclusion and Exclusion'. (2016): 17-31. 2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра. <https://doi.org/10.18356/5890648c-en>.

<sup>38</sup> ФАО. 'Pest and Pesticide Management'. 2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра. <https://www.fao.org/pest-and-pesticide-management/en/>.

<sup>39</sup> Center for Intersectional Justice. 'What Is Intersectionality'. 2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра 3. <https://www.intersectionaljustice.org/what-is-intersectionality>.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Кўшимча маълумот учун бизнинг "Ижтимоий инклузивликка содиклик" деб номланган ҳужжатимиз ҳамда "фермерлар" ва "ишчилар" тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Атама	Таърифи
<b>Құрқитиш ва таҳдидлар</b>	Бошқа бир шахснинг зўравонлик ва/ёки таъқибдан қўрқишига сабаб бўладиган хатти-ҳаракат ва амалиётлар. Меҳнат нуқтаи назаридағи «зўравонлик ва таъқиб» атамаси жисмоний, психологияк, жинсий ёки иқтисодий зарар келтирадиган ёки келтириши мумкин бўлган бир марта содир бўлган ёки тақорланиб турадиган номақбул хатти-ҳаракатлар ва амалиётлар ёки улар билан таҳдид қилишни англатиб, гендер зўравонлик ва таъқибни ўз ичига олади. <sup>40</sup>
<b>Меҳнат ҳуқуқлари бузилиши</b>	Меҳнат ҳуқуқларининг бузилиши болалар меҳнати ёки мажбурий меҳнат, камситиш, иш жойидаги зўравонлик ва таъқиблар, бирлашмалар ва жамоавий музокаралар олиб бориш эркинлигига аралашиш, номақбул меҳнат шароитлари ёки ишга ёллашнинг ноқонуний усусларини ўз ичига олади.
<b>Йирик фермер ҳўжаликлари (ЙФХ)</b>	Better Cotton ташаббусининг стандартлар тизимида йирик фермер ҳўжаликлари (ЙФХ) деганда, одатда, пахта етиштириладиган ер майдони 200 гектардан ортиқ бўлган, ишлаб чиқариш механизациялашган ёки тузилмавий жиҳатдан доимий ёлланма меҳнатга боғлиқ бўлган фермер ҳўжаликлари тушунилади. ЙФХлар Better Cotton ташаббуси доирасида индивидуал асосда ёки (баъзи шароитларда) ЙФХлар талабларга жавоб беришини Гуруҳ таркибида кафолатлаш (LF Group Assurance) модели орқали иштирок этади.
<b>Ўрта ҳажмдаги фермер ҳўжаликлари (ЎФХ)</b>	Better Cotton ташаббусининг стандартлар тизимида мувофиқ, Ўрта ҳажмдаги фермер ҳўжаликлари (ЎФХ) деганда, одатда, пахта етиштириладиган ер майдони 20 дан 200 гектаргача бўлган ва тузилмавий жиҳатдан доимий ёлланма меҳнатга боғлиқ бўлган фермер ҳўжаликлари тушунилади. Лицензия олиш мақсадида, ЎФХлар ишлаб чиқарувчилар бирлашмаларига гурухланади.
<b>Монреаль протоколи</b>	Озон қатламини емирувчи моддалар тўғрисидаги Монреаль протоколи стратосфера озон қатламини ҳимоя қилиш бўйича муҳим кўп томонлама экологик келишув ҳисобланади. 1987 йил 15 сентябрда қабул қилинган протокол 198 давлат ва Европа Иттифоқи томонидан ратификация қилинган бўлиб, қўшилган давлатлар сони кўплиги бўйича дунёда биринчи ўринларда турадиган халқаро шартномалардан бири. Озон қатлами - ер атмосферасининг қўёшдан келадиган заарли ультрабинафша нурланишни фильтрлайдиган ҳимоя қатлами. Озонни емирувчи моддалар (OEM) - таркибида хлор ёки бром атомлари бўлган синтетик кимёвий моддалар бўлиб, атмосферага чиқарилганда, озон қатламини йўқ қилиши мумкин. Монреаль протоколи озон қатламини ҳимоя қилиш ва иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш учун вақт ўтиши билан 100 га яқин, асосан, инсон томонидан ишлаб чиқариладиган OEMни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишдан босқичма-босқич воз кечишига қаратилган.

<sup>40</sup> ХМТ. "Зўравонлик ва тазиқ тўғрисидаги конвенция" (190-сон). (2019 йил). 2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра.  
[https://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=NORMLEXPUB:12100:0::NO::P12100\\_ILO\\_CODE:C190](https://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=NORMLEXPUB:12100:0::NO::P12100_ILO_CODE:C190).

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Кўшимча маълумот учун бизнинг ["Ижтимоий инклюзивликка содиклик"](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда "фермерлар" ва "ишчилар" тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Атама	Таърифи
<b>Миллий даражада рўйхатдан ўtkазилган пестицидлар</b>	Маълум бир мамлакатда қонуний рухсат берилган пестицидлар рўйхати (айрим мамлакатларда пахта етиштиришда фойдаланиш учун фақат маълум турдаги пестицидларни рўйхатдан ўтказиш мумкин).
<b>Табиий экотизим</b>	Ўрмонга оид бўлган ва бўлмаган ўсимликлар, шу жумладан ўрмонзорлар, бутазорлар ва ўтлоқлар. Улар, асосан, маҳаллий бўлиб, уларнинг жисмоний тузилиши ва тур таркиби табиий экологик жараёнлар ва/ёки анъанавий бошқарув усуслари (жумладан, ўрмонзорларни ёқиб тозалаш усуслари доирасида ерларни ишлов бермасдан тиклаш) доирасида белгиланади.
<b>Табиий яшаш муҳити</b>	Муайян организм яшайдиган ва бунинг учун зарур бўлган асосий эҳтиёжлар: озиқ-овқат, сув, бошпана ва авлод кўпайтириш учун жой таъминланган ноёб экотизим. Омон қолиш учун барча организмлар яшаш муҳитига мослашиши керак. <sup>41</sup>
<b>Табиий моддалар</b>	Ўсимликларни ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан олиб қараганда, табиий моддалар кимёвий бўлмаган ишлов бериш усулига мос келиб, биопестицидларга тенглаштирилиши мумкин. Булар - ҳайвонлар, ўсимликлар, бактериялар ва айрим минераллар каби табиий материаллардан олинган пестицидлар бўлиб, "уй шароитида" ёки саноат миқёсида ишлаб чиқарилиши мумкин.
<b>Кимёвий бўлмаган усувлар</b>	Зааркунандаларга қарши курашишнинг пестицидлардан фойдаланилмайдиган усувлари. Бунда зааркунандаларга қарши курашиш механик, биологик ёки сунъий етиштириш усувлари орқали амалга оширилади.
<b>Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ вазиятдаги ва/ёки жамиятдан четлаштирилган шахслар</b>	<p>Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ вазиятда бўлган шахслар - камбағаллик, ёш ёки соғлиқ муаммолари каби жисмоний, ижтимоий, иқтисодий ва экологик омиллар ёки жараёнлар туфайли зарар, эксплуатация ёки салбий таъсирлар хавфи остида бўлган ва турли ҳуқуқлар, имкониятлар ва ресурслардан фойдаланишда қийинчиликларга дуч келадиган гуруҳлар (вазият ноқулайлиги).</p> <p>Жамиятдан четлаштирилган шахслар - ирқи, табақаси, этник келиб чиқиши ва шу каби ўзига хос хусусиятлари туфайли ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқлар, имконият ва ресурслардан, шу жумладан инвестициялардан тарихан тўлиқ фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган ва/ёки ундан фойдалана олмаган гуруҳлардир.</p> <p>Иккала тоифа ҳам ўзаро кесишиши мумкин (шунингдек, кенг қамровлиликка қаранг) бўлиб, мамлакат ва маҳаллий шароитга боғлиқлик даражаси ниҳоятда юкори.</p>

<sup>41</sup> Табиатни муҳоқаза қилиш ҳалқаро жамғармаси. 'Habitat and Adaptation'. 2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра.  
[https://wwf.panda.org/discover/knowledge\\_hub/teacher\\_resources/webfieldtrips/hab\\_adaptation/](https://wwf.panda.org/discover/knowledge_hub/teacher_resources/webfieldtrips/hab_adaptation/).

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг "Ижтимоий инклузивликка содиклик" деб номланган ҳужжатимиз ҳамда "фермерлар" ва "ишчилар" тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Атама	Таърифи
<b>Тегишли Шахсий ҳимоя воситалари (ШҲВ) -</b>	Better Cotton Тамойил ва мезонларида тегишли Шахсий ҳимоя воситалари (ШҲВ) деганда, пестицидлар ёрлиғида батафсил тавсифланганидек, пестицидларни қўллашда хавфли моддаларнинг тери орқали сўрилиши, уларни оғиз ёки нафас йўллари орқали ютиш шаклидаги таъсирининг олдини олиш учун ва/ёки камайтириш учун фойдаланиладиган/кийиладиган маҳсус кийим-кечак, материал ёки жиҳозлар тушунилади. Материаллар сув ўтказмайдиган, тўқилмаган (пестицидларнинг ўтишига йўл қўймаслик учун), кимёвий жиҳатдан чидамли ва ҳар фойдаланишдан кейин заҳарли элементларни кетказиш учун ювиладиган бўлиши керак. Бундай ШҲВ бажарилиши керак бўлган вазифалар учун мос ва қулай бўлиши ва мавжуд иқлим шароитларига мос келиши керак.
<b>Минимал Шахсий ҳимоя воситалари (ШҲВ)</b>	Better Cotton Тамойил ва мезонларида минимал Шахсий ҳимоя воситалари деганда фермерлар ва ишчилар учун пестицидлар билан ишлашда тананинг қўйидаги қисмларини хавфли моддаларнинг тери орқали сўрилиши, уларни оғиз ёки нафас йўллари орқали ютишдан ҳимоя қиливчи кийим ва жиҳозларни кийиш/ фойдаланиш орқали ўзларини ҳимоя қилиши учун қўйиладиган минимал талаблар тушунилади: <ul style="list-style-type: none"> <li>- юз ва нафас олиш йўллари (кўз, қулоқ, каналлари, бурун ва бош териси);</li> <li>- оёқ-қўллар (қўл, билак, кафт, болдир ва оёқ кафти);</li> <li>- қорин соҳаси ва жинсий аъзолар ҳудуди.</li> </ul>
<b>Зааркунандалар (популяциялари)</b>	Зааркунанда - бу одамларга, уларнинг чорва молларига, экинларига ёки мулкига заарар етказадиган организм. Бундаги калит сўз «заар» бўлиб, у, одатда, ўлчаниши (кўпинча миқдорий жиҳатдан) ва иқтисодий йўқотишга тенглаштирилиши мумкин. Зааркунандалар популяцияси деганда маълум бир ҳудудда маълум бир вақтда топилган ҳар бир зааркунанда турининг организмлари сони, масалан, битта пахта майдонида ёки кенгроқ географик ҳудуддаги мавжудлиги тушунилади.
<b>Пестицид</b>	Зааркунандаларнинг олдини олиш, йўқ қилиш ёки уларга қарши курашиб учун мўлжалланган ҳар қандай модда ёки моддалар аралашмаси. Ушбу атама ўсимликларнинг ўсишини тартибга солувчилар, дефолиантлар, қуритувчилар ёки меваларни яганалаш ёки мевалар эрта тўкилишининг олдини олиш учун воситалар, шунингдек биопестицидлар сифатида фойдаланиш учун мўлжалланган моддаларни ўз ичига олади. Шунингдек, бу атама сақлаш ва ташиш пайтида маҳсулотни бузилишдан ҳимоя қилиш учун ҳосилни йиғиб-териб олишдан аввал ёки кейин қўлланадиган моддаларни ўз ичига олади. <sup>42</sup> Пестицидлар ушбу мақсадлардан бири учун қўлланадиган синтетик ва табиий моддаларни англатади.

<sup>42</sup> ФАО. 'International Code of Conduct on the Distribution and Use of Pesticides, Revised Version'. (2005). 2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра.  
<https://www.croplifela.org/images/EN/articulos/27/a0220e00.pdf>.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг "Ижтимоий инклюзивликка содиклик" деб номланган ҳужжатимиз ҳамда "фермерлар" ва "ишчилар" тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Атама	Таърифи
<b>Пестицидлар аралашмаси</b>	Пестицидлар аралашмаси деганда икки ёки ундан ортиқ пестицид (инсектицидлар, фунгицидлар ва/ёки майтицидлар) пуркаш учун битта эритмага бирлаштирилган ҳолат тушунилади. <sup>43</sup>
<b>Үсимлик чидамлилиги</b>	Үсимликнинг зааркунандалар ёки касалликлардан қисман ёки тўлиқ ҳимояланиш бўйича ирсий қобилияти бўлиб, үсимлика етказиладиган зиён миқдорини минималлаштиради.
<b>Принциплар</b>	Принциплар - Better Cotton Тамойил ва мезонларидағи атроф-муҳит барқарорлигини таъминлашга қаратилган умумий соҳалар.
<b>Пахта етиштирувчи</b>	Better Cotton ташаббусининг стандартлар тизимиға кўра, лицензиялаш бирлиги Пахта етиштирувчи турига асосланган ҳолда белгиланиб, Деҳқон хўжаликлари (ДХ) ёки Ўрта ҳажмдаги фермер хўжаликларининг (ЎФХ) ишлаб чиқарувчилар бирлашмаси ёки Йирик фермер хўжаликлари (ЙФХ) ҳолатида алоҳида хўжалик бўлиши мумкин.
<b>Ишлаб чиқарувчилар бирлашмаси (ИЧБ)</b>	Ишлаб чиқарувчилар бирлашмаси (ИЧБ) - Better Cotton дастурида иштирок этиш учун умумий бошқарув тузилмаси остида бирлашган Деҳқон хўжаликлари (ТХ) ёки Ўрта ҳажмдаги фермер хўжаликлари (ЎФХ) гуруҳи. Ҳар бир ИЧБ фермерларни ИЧБ доирасида қўллаб-қувватлаш, ўқитиш ва мониторинг қилиш мақсадида ички бошқарув тизимини жорий қилиш учун масъул бўлган ИЧБнинг маҳсус менеджери томонидан назорат қилинади. ИЧБ ҳажми маҳаллий шароитга боғлиқ бўлиб, оптималь ўлчам ДХ ИЧБ учун 3500 дан 4000 гача фермер ва ЎФХ ИЧБ учун 100 га яқин фермерни ташкил қиласи. ДХ ИЧБдаги фермерлар яна ўқув гуруҳларига бўлинади.
<b>Ишлаб чиқарувчилар бирлашмаси менеджери</b>	Ишлаб чиқарувчилар бирлашмаси даражасида Better Cotton Тамойил ва мезонларини амалга ошириш учун масъул бўлган асосий шахс.
<b>Далага қайта кириш учун ўтиши керак вақт оралиғи</b>	Муайян майдон ёки экинга пестицид қўллангандан сўнг одамлар мазкур ҳудудга ҳимоя кийими ва жиҳозларисиз кира олиши учун ўтиши лозим бўлган минимал вақт. <sup>44</sup>

<sup>43</sup> Cloyd, Dr. Raymond A. 'Pesticide Mixtures'. Kansas State University, Department of Entomology, (2011). 2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра. [https://cdn.intechopen.com/pdfs/13005/InTech-Pesticide\\_mixtures.pdf](https://cdn.intechopen.com/pdfs/13005/InTech-Pesticide_mixtures.pdf).

<sup>44</sup> Canadian Centre for Occupational Health and Safety. 'Pesticides - Re-entry Interval'. OSH Answers Fact Sheets. 2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра. <https://www.ccohs.ca/oshanswers/chemicals/pesticides/reentry.html>.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Кўшимча маълумот учун бизнинг "Ижтимоий инклузивликка содиклик" деб номланган ҳужжатимиз ҳамда "фермерлар" ва "ишчилар" тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Атама	Таърифи
Қайта тиклаш (ер/биологик хилма-хиллик/табиий яшаш мұхитлари)	Деградацияга учраган, зиён етказилған ёки вайрон бўлган экотизимни (ва унга боғлиқ бўлган табиатни муҳофаза қилиш қийматларини) тиклашга ёрдам бериш жараёни. <sup>45</sup>
Қирғоқ бўйи буфер зонаси	Қирғоқ бўйи буфер зонаси, шунингдек, буфер чизиги деб ҳам аталади, сув оқими яқинидаги ўсимликлар билан қопланган майдон бўлиб, у сув оқимини соялаш ва сувни кўшни ер майдонларидан фойдаланиш оқибатларидан қисман ҳимоя қилишга ёрдам беради. Қирғоқ бўйи буфер зонаси ўзаро боғланган сув оқимлари, дарёлар ва кўллардаги сув сифатини оширишда мұхим роль ўйнайди ва шу орқали атроф-муҳитга фойда келтиради. Буфер зоналарининг кенглиги буфернинг функцияси (масалан, биологик хилма-хилликни асраш, фильтрлаш ёки кимёвий оқимни ушлаб қолиш), буфер майдонининг қиялиги ва дарё ёки сув оқимининг кенглигига қараб аниқланиши керак. Айрим мамлакатларда буфер зонаси ўлчамлари қонунчилик асосида белгиланади.
Роттердам конвенцияси	<p>Халқаро савдода хавфли кимёвий моддалар ва пестицидларни сотиш учун олдиндан берилган онгли розилик процедураси тўғрисидаги Роттердам конвенцияси 1998 йилда қабул қилинган ва 2004 йилда кучга кирган юридик жиҳатдан мажбурий халқаро шартнома ҳисобланади. Унда асосий эътибор хавфли кимёвий моддалар ва пестицидларнинг халқаро савдоси билан боғлиқ тартиб-таомилларга қаратилади. Жумладан, умумий масъулиятни таъминлаш ва импорт қилувчи мамлакатлар пестицидларни импорт қилишга рухсат беришидан аввал уларнинг потенциал хавфлари тўғрисида тўлиқ хабардор этилишини таъминлаш орқали Конвенция инсон саломатлиги ва атроф-муҳитни хавфли моддалардан фойдаланиш ва улар билан савдо қилиш натижасида юзага келиши мүмкин бўлган хавфлардан ҳимоя қилишга қаратилган.</p> <p>Конвенциянинг мақсадлари қўйидагилардан иборат:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- айрим хавфли кимёвий моддаларнинг халқаро савdosida томонлар ўртасида умумий масъулият ва ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларни тарғиб қилиш;</li> <li>- хавфли кимёвий моддаларнинг хусусиятлари тўғрисида маълумот алмашишни таъминлаш, уларни импорт ва экспорт қилиш бўйича миллий қарорлар қабул қилиш жараёнини таъминлаш ва ушбу қарорларни Томонлар ўртасида</li> </ul>

<sup>45</sup> Accountability Framework ташаббуси. 'Terms and Definitions'. (June 2019). 2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра. <https://accountability-framework.org/wp-content/uploads/2019/07/Definitions.pdf>.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Кўшимча маълумот учун бизнинг "Ижтимоий инклузивликка содиклик" деб номланган ҳужжатимиз ҳамда "фермерлар" ва "ишчилар" тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Атама	Таърифи
	тарқатиш орқали ушбу моддалардан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш нуқтаи назаридан оқилона фойдаланишга ҳисса қўшиш. <sup>46</sup>
	Конвенциянинг III иловасида ҳужжатда белгиланган ва олдиндан берилган онгли розилик тартиби қўлланиши лозим бўлган кимёвий моддалар рўйхати келтирилган. У Конвенцияга аъзо бўлган камида иккита давлатда (Томонлар) хавфли деб топилган ва тақиқланган ёки қатъий чекланган ва муҳим халқаро савдо предмети бўлган пестицидларни ўз ичига олади.
<b>Деҳқон хўжаликлари (DX)</b>	Better Cotton стандартлар тизимиға кўра, Деҳқон хўжаликлари (DX) деганда, одатда, ер майдони 20 гектардан ошмайдиган ва тузилмавий жиҳатдан доимий ёлланма меҳнатга боғлиқ бўлмаган фермер хўжаликлари тушунилади. Лицензиялаш мақсадида DX ишлаб чиқарувчилар бирлашмаларига гурухланади.
<b>Тупроқ қоплами</b>	Тупроқ қоплами деганда тупроқни кучли ёмғир ва шамол таъсирида юзага келадиган эрозиядан ҳимоя қилиш ёки қурғоқчиликда тупроқ қуриб кетишининг олдини олишга ёрдам берадиган ўсимликлар, шу жумладан, тупроқ юзасидаги экинлар ва экин қолдиқлари тушунилади. <sup>47</sup>
<b>Тупроқ тузилмасининг бузилиши</b>	Тупроқдаги табиий жараёнларни, шу жумладан ундаги физик ёки кимёвий ўзгаришларни тўхтатиб қўядиган деҳқончилик усуллари. <sup>48</sup>
<b>Тупроқ эрозияси</b>	Сув, шамол, ҳайвонлар ёки инсон фаолияти натижасида тупроқ юқори қатламининг ер юзасидан тез кўчиши. <sup>49</sup>
<b>Тупроқ саломатлиги</b>	Тупроқ тирик тизим сифатида ишлаш қобилияти. Бу - тупроқнинг кимёвий, физик ва биологик хусусиятларига боғлиқ. Тупроқ унумдорлиги, яъни асосий озуқа моддаларини ўсимликларга етказиб бериш орқали уларнинг ўсишини таъминлаш қобилияти тупроқ саломатлиги билан боғлиқ. Соғлом, биологик хилма-хилликка эга бўлган тупроқ экинларнинг гуллаб-яшнаши, озуқа моддаларининг айланмаси ва сувни фильтрлаш учун муҳим аҳамиятга эга. Тупроқ ҳолатининг яхшиланиши ҳосилдорликни ошириши мумкин бўлиб, бу бевосита фермерларнинг даромадларини кўпайтириши мумкин.

<sup>46</sup> БМТ Атроф-муҳит дастури. 'Rotterdam Convention Overview'. 2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра. <http://www.pic.int/TheConvention/Overview/tabid/1044/language/en-US/Default.aspx>.

<sup>47</sup> Farming for a Better Climate. 'Regenerative Agriculture: Keeping Soil Covered'. 2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра. <https://www.farmingforabetterclimate.org/soil-regenerative-agriculture-group/regenerative-agriculture-keeping-soil-covered/>.

<sup>48</sup> Farming for a Better Climate. 'Regenerative Agriculture: Minimise Soil Disturbance'. 2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра. <https://www.farmingforabetterclimate.org/soil-regenerative-agriculture-group/regenerative-agriculture-minimise-soil-disturbance/>.

<sup>49</sup> ФАО. 'Soil Erosion'. 2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра. <https://www.fao.org/global-soil-partnership/areas-of-work/soil-erosion/en/#:~:text=What%20is%20soil%20erosion,through%20water%2C%20wind%20and%20tillage.https://www.fao.org/global-soil-partnership/areas-of-work/soil-erosion/en/>

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг "Ижтимоий инклюзивликка содиклик" деб номланган ҳужжатимиз ҳамда "фермерлар" ва "ишчилар" тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Атама	Таърифи
<b>Тупроқ ёки ўсимлик таҳлиллари</b>	Тупроқ ёки ўсимликлар таҳлили деганда, одатда, қишлоқ хўжалигига ўғитлардан фойдаланиш бўйича оптимал тавсияларни аниқлаш учун ўсимлик озуқа моддаларининг концентрациясини баҳолаш мақсадида ўтказиладиган турли тупроқ ёки ўсимлик таҳлиллари тушунилади.
<b>Тупроқнинг органик моддаси (ТОМ)</b>	Тупроқнинг органик моддаси (ТОМ) – тупроқ органик моддаларининг таркибий қисми бўлиб, парчаланишнинг турли босқичларидаги ўсимлик ва ҳайвонларнинг қолдиқлари, тупроқ микробларининг ҳужайра ва тўқималари ҳамда тупроқ микробларини синтез қиласидаги моддалардан иборат. ТОМ тупроқнинг физик-кимёвий хоссалари ва экотизимни тартибга соловчи хизматларнинг кўрсатилиши учун кўп фойда келтиради. ТОМ, айниқса, тупроқ функцияси ва сифати учун жуда муҳим. Умумий ТОМ даражасини тахмин қилиш учун тупроқ таркибидаги органик углерод миқдори кенг қўлланадиган ўлчов ҳисобланади.
<b>Стокгольм конвенцияси</b>	<p>Турғун органик ифлослантирувчи моддалар тўғрисидаги Стокгольм конвенцияси 2001 йилда қабул қилинган ва 2004 йилда кучга кирган юридик жиҳатдан мажбурий бўлган халқаро шартнома ҳисобланади.</p> <p>Стокгольм конвенцияси Турғун органик ифлослантирувчи моддаларни ишлаб чиқариш, улардан фойдаланиш ва атмосферага чиқариш ҳолатларига барҳам бериш ёки чеклашга қаратилган. Турғун органик ифлослантирувчи моддалар органик кимёвий моддалар (яъни, углеродга асосланган) бўлиб, физик ва кимёвий хусусиятларнинг маълум бир комбинациясига эга ва атроф-муҳитга чиқарилгандан сўнг:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>Фавқулодда узоқ вақт давомида (кўп йиллар) ўзгармас ҳолатда қолади;</li> <li>Тупроқ, сув ва энг асосийси, ҳаво билан боғлиқ табиий жараёнлар натижасида атроф-муҳит бўйлаб кенг тарқалади;</li> <li>Тирик организмларда, жумладан, одам организмида тўпланиб боради ва озиқ-овқат занжирида юқори концентрацияларда учрайди; ва</li> <li>Одамлар ва ҳайвонот учун заҳарли.</li> </ul> <p>Конвенция қоидалари Турғун органик ифлослантирувчи моддалар ва уларга қарши курашиб чораларини аниқлаш, техник ёрдам ва салоҳиятни ошириш ҳамда Конвенция талабларининг бажарилишини баҳолаш бўйича мониторинг механизмини яратишни ўз ичига олади.<sup>50</sup></p>

<sup>50</sup> БМТнинг Атроф-муҳит дастури. Турғун органик ифлослантирувчи моддалар тўғрисидаги Стокгольм конвенцияси. (2004 йил). 2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра. <http://chm.pop.int/TheConvention/Overview/tabid/3351/Default.aspx>.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг [“Ижтимоий инклузивликка содиклик”](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда “фермерлар” ва “ишчилар” тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Атама	Таърифи
<b>Барқарор даромад манбалари</b>	Барқарор даромад манбаларига фермерлар, фермер хўжаликлари ишчилари ҳамда фермерлик ҳамжамиятлари ҳатто туб ўзгаришлар пайтларида ҳам, бошқаларнинг ҳозирги ёки келажакдаги фаровонлигига ёки атроф-муҳитга зарар етказмаган ҳолда ўз ресурсларидан муносиб ҳаёт кечириш, ўз фаровонлигини таъминлаш ёки ошириш учун фойдаланиш имкониятига эга бўлган ҳолатда эришилади.
<b>Токсик юклама кўрсаткичи</b>	<p>Пестициддаги фаол моддаларнинг нисбий токсиклигини ўлчайдиган сифат кўрсаткичи.</p> <p>У инсон саломатлиги, атроф-муҳитга таъсири ва пестицидларнинг халқаро таснифларини қуидаги учта тоифадан фойдаланган ҳолда пестицидлардан фойдаланишни ўлчаш ва солиштириш учун балл тизимиға айлантиради:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>(i) одамлар (сут эмизувчилар) учун токсиклик даражаси;</li> <li>(ii) атроф-муҳит учун токсиклик даражаси;</li> <li>(iii) Атроф-муҳитга кўчиши; ва</li> <li>(iv) Ташилиши (таъсир қилиш эҳтимоли).</li> </ul>
<b>Сув ҳавзаси</b>	Сувнинг ер устида ва / ёки остида жисмоний тўпланиши. Сув ҳавзаларига сой, дарё, кўл, океан, сувли-ботқоқ ерлар, дарё дельталари, ҳовузлар, каналлар, сув омборлари ёки ер ости сувлари мисол бўлади. <sup>51</sup>
<b>Сув сифати</b>	Сувнинг кимёвий, физик ва биологик хусусиятларини тавсифлаш учун ишлатиладиган атама бўлиб, одатда, унинг маълум бир мақсадга яроқлилиги билан боғлиқ. Бошқача қилиб айтганда, бу - сув ҳолатининг бир ёки бир нечта биотик турларнинг талабларига ва/ёки инсон эҳтиёжи ёки мақсадига нисбатан ўлчови. <sup>52</sup>
<b>Ишчилар</b>	Better Cotton ташаббуси ишчиларни жинси, келиб чиқиши ёки ўзига хослигидан қатъи назар, Пахта етиштирувчилар фермер хўжаликларида ишлайдиган барча шахслар сифатида таърифлайди. Ишчилар вақтингчалик, мавсумий ёки доимий асосда бевосита фермерлар ёки субпурватчилар, масалан, бандлик агенти орқали ёлланиши мумкин. Ишчиларга, одатда, меҳнати учун ҳақ тўланади, аммо ишчи - оила аъзоси ёки ҳамжамият доирасида алмашилган ишчи бўлса – унинг меҳнати учун ҳақ тўланмаслиги ҳам мумкин. Айрим ҳолатларда фермер хўжаликлари даражасидаги ишлаб чиқариш амалиётлари ва ишлаб чиқариш харажатлари юзасидан қарор қабул қилиш ваколатлари чекланган ёки умуман бўлмаган чоракорлар ҳам ишчилар

<sup>51</sup> Alliance for Water Stewardship. 'The AWS International Water Stewardship Standard, Version 1.0'. (2014). 2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра. <https://a4ws.org/wp-content/uploads/2017/04/AWS-Standard-Full-v-1.0-English.pdf>.

<sup>52</sup> Alliance for Water Stewardship. 'The AWS International Water Stewardship Standard, Version 1.0'. (2014). 2023 йил 7 февраль ҳолатига кўра. <https://a4ws.org/wp-content/uploads/2017/04/AWS-Standard-Full-v-1.0-English.pdf>.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Кўшимча маълумот учун бизнинг "Ижтимоий инклузивликка содиклик" деб номланган ҳужжатимиз ҳамда "фермерлар" ва "ишчилар" тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.

Атама	Таърифи
	сифатида таснифланиши мумкин. Чоракорнинг батафсил таърифи учун, илтимос, "Better Cotton ташаббусининг меҳнат профили" бўлимига мурожаат қилинг.
<b>Ишчилар (мигрант)</b>	Пахтачилик хўжалигида маълум муддатга ҳақ тўланадиган фаолият, масалан, мавсумий ёки вақтинчалик иш билан шуғуланиш учун бошқа давлат ёки худудга кўчиб ўтган шахслар. Иш кунининг охирида яшаш жойига қайтиб кела олмайдиган ва иш жойига яқинроқ жойлаштирилиши керак бўлган ишчилар меҳнат мигрантлари ҳисобланади.
<b>Ишчилар (доимий)</b>	Йилига 12 ой ишлайдиган ишчилар. Бу ишчилар фермер хўжалиги худудида бошқа экинларни (пахтадан ташқари) етиштиришда ҳам иштирок этиши мумкин.
<b>Ишчилар (мавсумий)</b>	Бутун пахта мавсумида, яъни йилига 3-7 ой ишлайдиган ишчилар. Бу ишчиларга, одатда, ойлик ёки бутун мавсум учун бир марталик иш ҳақи ёки баъзан ҳосилнинг фоизи кўринишида ҳақ тўланади. Чоракорлардан фарқли ўлароқ, мавсумий ишчилар ишлаб чиқариш харажатлари бўйича қарор қабул қилиш ваколатига эга эмас.
<b>Ишчилар (вақтинчалик)</b>	Муайян вазифаларни бажариш учун қисқа муддатли асосда ишга ёлланган ишчилар. Вақтинчалик ишчиларга, одатда, ишбай асосда ҳақ тўланади (белгиланган муддат учун, масалан, кун ёки соат ёки терилган пахта, суфорилган ёки пуркалган майдон учун ва ҳоказо). Айрим мамлакатлarda бундай ишчилар "тасодифий", "вақтинчалик", "шартномавий" ёки "эркин" ишчи кучи деб аталиши мумкин ва турли ҳуқуқий мақомларга эга бўлиши мумкин. Better Cotton мақсадлари учун бу ишчиларнинг барчаси "вақтинчалик" тоифасига киради.
<b>Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) 1-синф</b>	Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) 1-синфи деганда пестицидлар ва бошқа хавфли моддаларни одамлар учун токсиклик даражасига қараб таснифлаш тизими тушунилади. ЖССТнинг 1-синфига кирувчи моддалар ўта хавфли бўлиб, ҳатто паст дозаларда ҳам инсон соғлиғига "ўткир" ёки сурункали таъсир кўрсатиши мумкин. Ушбу моддалар ўлим, саратон, мутациялар, туғма нуқсонлар ёки соғлиқ учун бошқа жиддий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. 1-синф ҳаддан ташқари хавфли (1а синф) ва ўта хавфли (1б синф) синкларга ажратилади.

Қачонки Тамойил ва мезонларда фермерлар ёки ишчилар ҳақида гап кетганда, бу икки тушунча жинси, келиб чиқиши ва ўзига хослигидан қатъи назар, барча шахсларни ўз ичига олади. Қўшимча маълумот учун бизнинг ["Ижтимоий инклузивликка содиклик"](#) деб номланган ҳужжатимиз ҳамда "фермерлар" ва "ишчилар" тушунчаларининг тавсифига мурожаат қилинг.